

**Д.РҮЗИЕВА, М.УСМОНБОЕВА, З.ХОЛИҚОВА**

**ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР:  
МОҲИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**(Методик қўлланма)**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР:  
МОҲИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ  
(Методик қўлланма)**

**Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма.  
Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Холикова. – Тошкент: Низомий  
номидаги ТДГУ, 2013. – 116 бет.**

“Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши” номли методик қўлланмада замонавий таълимда самарадорлиги эътироф этилган 80 дан ортиқ интерфаол методлар, уларнинг дидактик имкониятлари, қўлланиш шартлари ва тартиби каби масалалар ёритилган. Шунингдек, методик қўлланмада турли ўкув фанлари бўйича ташкил этиладиган машгулотларда интерфаол методларни қўллашга оид тажрибалардан намуналар берилган.

Методик қўлланма республика узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог) ва ходимлар, олий ўкув юртларининг талабалари, илмий тадқиқотчилар, таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш масалалари билан кизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Тақрирчилар:** Педагогика фанлари номзоди, доцент Б.Ходжаев

Педагогика фанлари номзоди, доцент и/б. И.Узоков

Педагогика фанлари номзоди П.Ходжаев

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўқув-услубий кенгашининг 20 июнь 2013 йилдаги йигилиши қарори (“11”-сонли баённома) билан иашрга тавсия этилган.

## СЎЗБОШИ

Замонавий таълимни ташкил этишга юйиладиган муҳим талаблардан биря ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вакт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вакт орасида муайян назарий билимларни ўкувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўнкима ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўкувчиларнинг ўкув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланганд бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўкув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзуу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини химоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошлиарни тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият қасб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, максадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўкувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Методик қўлланмада 80 дан ортиқ интерфаол методлар, уларнинг моҳияти ва қўлланилиши тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган бир катор ўкув фанлари бўйича муайян мавзуларни ўрганиша интерфаол методлардан фойдаланишга доир мисоллар келтирилган. Манбада ушбу методларнинг алфавит тартибида берилганлиги фойдаланувчиларга қулайлик яратади.

Муаллифлар жамоаси республика узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи (педагог)ларнинг ўз иш тажрибаларида интерфаол методларни қўллашга доир шахсий тажрибаларини ўртоқлашишларига умид қиласди. Бу борадаги таклиф ҳамда иш тажрибасига доир мулоҳазаларни кўйидаги электрон почтага мактаб ёзиц орқали билдиришлари мумкин: [pedagogika2012@mail.ru](mailto:pedagogika2012@mail.ru). Муаллифлар жамоаси методик қўлланма юзасидан таклиф-мулоҳазаларни билдирилган, ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашган шахсларга аввалдан миннатдорчилик изхор қиласди.

## I БҮЛІМ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Замонавий шароитда таълим самараордорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машгулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб хисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўриниши, маҳсадга мувоғиқ кўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Кўйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Юкоридаги саволларга жавоб топишда энг тўғри қадам таянч тушунча – “интерфаол” атамасининг лугавий маъноси билан танишишадир.

“Интерфаол” тушучаси инглиз тилида “interact” (рус тилида “интерактив”) ифодаланиб, лугавий нуқтаи назардан “intet” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат килмок, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади

**Интерфаол таълим** – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўнникма, малака ҳамда муайян ахлокий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

**Интерфаоллик таълим** жараёни иштирокчиларининг билим, кўнникма, малака ҳамда муайян ахлокий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга лаёқатига эгалликларидир

Мантикий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олий борицларини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат кўйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:

Ўқитувчи – ўқувчи

Анъанавий таълимдаги сухбат иштирокчилари

Ўқитувчи – ўқувчилар гурӯҳи (жамоаси)


Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда сухбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қиласи, яъни у дарснинг асосий вакъгида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи (талаба)ларга етказиб беришга иштилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, ўқувчи (талаба)лар бу вазиятда суст тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатadir.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидағи факат маъруза машгулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қиласи. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (талаба) намоён бўлади. Ўқувчи (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда

саволлар билан мурожаат қилади. Ўкувчи (талаба)лар гурухи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қараңда ўкувчи (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гурухи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратадек таассурот уйғотади. Бирор, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унугилади. Хусусан, америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунийн ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларни намойиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.

Шунга кўра интерфаол ўқитиши “таълим жараённинг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўкувчилар гурухи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиб имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қараашларни иккиласманай баён этиш, муаммоли вазиятларда очимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда ўкувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўкувчи – ўкувчилар гурухи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилалар билан тавсифланади”<sup>1</sup>.

Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишида эса шахслар ўртасидаги сұхбат (диалог) қўйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:




Интерфаол таълим мөхиятига кўра сұхбатнинг “ўкувчи – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши ўкувчи (талаба)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишининг интерфаол таълимга асосланипши бир қараңда ниҳоятда оддий,

<sup>1</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлхамма. У.И.Иноктоя, Н.А.Муслимов, М.Усмонбеков, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомийномидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.

содда ва ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйготади. Бирок, бунда ўқитувчининг маълум даражада қўйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга таълимда интерфаол таълимнинг самараодорлиги қўйидаги иккиласми омилларга ҳам боғлик:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустакиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустакил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффак бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни кўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини кўлга киритади.

Одатда интерфаол методларга яосланган таълиминий ҳаракатлар қўйидаги шаклларда тақсил этилади:

андивайдуал; жуфтлик; гурӯҳ; жамое билан ишлаш

## **Интерфаол таълим жараённанда үкувчи (талааба)лар:**

- гурух ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
  - төңгідошларі орасыда үз ғожларини әркін баёны килиш, білімларині хеч қандай рухий тұсқынларға намойиш этиш;
  - мұаффаның қалыптасып ижодий өндешіш;
  - гурух ёки жамоадошлар ғана рухий яқынлікка эршишіш;
  - үз ишке имконият ғана көбілілділаринің тұлғы намоён кила олиш;
  - фикрларшының умумлаштырыш ғана орасыдан зерттеу мүхимларини сарапалаш;
  - үз фалолиттерінің изорат қылыш ғана мұстакіл баһолаш;
  - үз имконияттардың күчига ишонч хосил қылыш;
  - түрлі вазияттарда қарастылғандағы мұрагжылардың қындығынан да ғана олиш күйнімаларының үзлаштырышын кабыл имконияттарға етілгенде.

## Интерфасы тэльим:

- тұлым олувчи (ұкувчы, талаба)ларда білімдердің үзілештирилген бүлтән көзқарашының үйогаты;
    - тұлым жарапнинада хар бир иштирокчының рағбаттандырылады;
    - хар бир ұкувчы (талаба)нің рухияттың ижобий тасыр күрсатады;
  - ұкув материалининде самарауда үзілештирилгенде утун күлді шарорт яратады;
    - ұкувчы (талаба)ларта күт томонлама тасыр күрсатады;
  - ұкувчы (талаба)ларда ұргандаётпен мақсұлар бүйінша фикр ҳамда мұносабаттың үйогаты;
    - ұкувчы (талаба)ларда хәлдейтін зарур күннен, малакаларни шақылданырады;
  - ұкувчы (талаба)ларнан хүлк-ательорнан ижобий томонға үзілештирилешінин тасымалдауды

**Интерфаол таълимнинг асосий белгилари куйидагилардир:**



Изоҳ: Рефлексия (ютиңча “reflexio” – ортга кайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-харакатлари, уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолигити; билишнинг алоҳидаги фаолигити; шахсий кечинмалари, хис-түйғулари ва ўй-хәёллари мөхиятини фикрлаш оркали англаш<sup>2</sup>.


**Интерфаол таълим куйидаги тамойилларга асосланади:**

1. Машгулот – мързуа эмас, балки жамоанинг умумий иши.
  2. Гурухнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
  3. Ўқувчилар ёш, южтимиюн мақке ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
  4. Ҳар бир ўқувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини автиш хукуқига эга.
  5. Машгулотда ўқувчи шахса танқиз килинишади (фикр таъкид килиниши мумкин).
  6. Билдирилган гоялар ўқувчиликнинг фаолиятини бошкормайди, балки фикрлапча учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қиласди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун ўқитувчи (педагог)лар бир катор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:

<sup>2</sup> Педагогик маҳорат: схема ва расисларда / Методик кўлланма. Н.Эркабоева, М.Усмонбосева, М.Иргамова, Н.Хўжаназарова. – Тошкент: Низомийномидаги ТДПУ, 2012. – 14-бет.


### Асосий шартлар



**Ізөх:** Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилғанда кичик доирада ўкувчилар, катта доирада эксперт гурухы жойлашады.

Бугунғы кунда жағон таълим тизимида интерфаол ўқитишининг күйидаги шаклларда амалға оширилаётгандығы барчага маълум:

### Асосий белгілілер




Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. “Таълим жараённанда ўкувчилар ҳамда ўқитувчи үртасыда ҳамкорлықтың жаңы түрлерінде ошириши таълим олувчилар томонидан билимларни самарали үзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат килаған методлар интерфаол методлар саналады”<sup>3</sup>. Күлланманинг кейинги бўлимида интерфаол методлар, уларнинг мөнъяти, кўлланиш шартлари ва дидактик имкониятлари тўғрисида сўз юритилади.

<sup>3</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жаоб / Методик кўлланма, У.И.Иноктоз, Н.А.Мусинов, М.Усмонбоев. Д.Иноктозова. – Тошкент: Низомий комидати Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 140-141-бетлар.

## II БҮЛІМ. ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИҢ ҚҰЛЛАНИЛИШИ “АЖУРЛИ АРРА” СТРАТЕГИЯСИ


“Ажурли арра” (французча “ажоур” – бир ёқдан иккінчи ёққа ўтган, иккі томони очик) стратегияси ўкувчи (талаба)ларга яхлит мұайян мавзуни бир нечта кисмларга ажратып орқали мөхияттің ёритиш имконияттің яратади. Үшбу метод құлланылғанда ўкувчи (талаба)лар тайёр матилар билан ишлады.

Машуалотда стратегияни құллашып күйидеги тәжілді амалға оширилады:



Стратегияни құллашда ўкувчи (талаба)ларнинг мавзууны пүхта үзлаشتырганлыклари, үзлери эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёкатига эга бўлишлари мухим саналади.

“Ажурли арра” стратегиясининг технологик модели күйидеги:



## **“АКВАРИУМ” СТРАТЕГИЯСИ**

Таълим жараённан ушбу технологияни кўллашдан мақсад ўқувчи (талаба)ни мълум муаммо бўйича фикрлаш, ўз фикрини баён этиш, муаммони шерик (сұхбатдош) билан биргаликда мухокама қилишга ўргатишдан иборат.

Стратегияни кўллаща таъкидаги ташкилий ҳаракатлар ташкил этилади:

Ўқув конасида стуллардан иборат иккита доира ташкил этилади;  
1-доирада стуллар ташкарига, 2-доирада эса ичкарига караб жойлаштирилало

Ўқувчилар иккі гурӯхга бўлинниб, 1-гурӯх стуллар ташкарига қаратиб кўйилган доирадан, 2-гурӯх эса стуллар ичкарига қаратиб кўйилган доиралан жой олади

1-гурӯх (таъки донрадагилар “Таҳлилчилар”, 2-гурӯх (ички стуллар)дагилар “Кузатувчилар” ролини баҳаришади

Таълим жараённан стратегияни кўллаш тартиби таъкидагича:

Ташки донрадаги ўқувчиларга мухокама қилиш учун савол берилади

Ўқувчилар ўйлаб олганларидан сўнг саволни чап томонида ўтирган шериги билан 1-2 дақика мухокама қиласди

Ўқитувчининг ишораси билан “Таҳлилчилар” (таъки донрадагилар) бир ўрин чапга сурилиб, ўша саволни янги шериги билан мухокама қилишади

“Таҳлилчилар” ўрин алмаштиришида 1-шерикларига якинлашгунларича ёки янги шериклар бўлгунга кадар саволни мухокама қилишин давом эттиради

**Изоҳ:** “Таҳлилчилар”нинг асосий вазифаси савол юзасидан мухокамани ташкил этиш, “Кузатувчилар”нинг асосий вазифаси эса 1-гурӯх (“Таҳлилчилар”) фаолиятини кузатиб баҳолашдан иборат.

## **“АЖИЛ” (“АМАЛИЙ ЖАМОАВИЙ ИХОДИЙ ЛОЙИХАЛАР”) СТРАТЕГИЯСИ**

Технология ўқувчи (талаба)ларда иходий фаолият малакаларини шаклантириш, жамоавиий иходий ишларни ташкил этиш кўнималарини

шакллантириш, жамоавий ижодий лойиха (иш)ларнинг шакллари түгрисидаги туслучани хосил қилишга кўмаклашишга хизмат қиласди.

Мазкур технологияни ўкув жараёнида “Жамоавий ижодий ишни ташкил этиш” мавзусидаги сұхбат ёки “Мен – жамоавий иш ташкилотчисиман” номли блиц-йин Утказилгандан сўнг кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Стратегияни кўллашда куйидаги таҳлилтда иш кўрилади:

||| Ўқитувчи технология хақида маълумот бераб, у асосида муҳокама килинадиган мавзуни эълон қиласди

||| Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларга топшириклиарни бераб, уларни бажариш режасини тузишни айтади

||| Ўқитувчи “Ахлий хужум” методи ёрдамида ҳар бир ўкувчи (талаба)нинг топшириқ борасидаги фикрларини ёзув таҳтаси ёки ватмон көзогза ёзиб боради

Биргаликдаги муҳокамадан сўнг ўкувчи (талаба)лар ягона лойиха-режани тасдиқлашади (уни “Оғзаки журнал” деб номлаб, унинг ҳар бир саҳифасига алоҳида ном қўйиш ҳам мумкин)

Шундан сўнг ўқитувчи (талаба)лар кичик гурухларда ишлайди. Бу жараён куйидаги босқичларда амалга оширилади:

Ўқувчилар кичик гурухларга бириттирилади

Ўқитувчи кичик гурухларга “Оғзаки журнал”нинг ҳар бир саҳифаси билан танишиб чиқиб, аниқ бир саҳифа мазмунини пухта ўзлаштириш ва унинг моҳиятини ёритишга доир топширикни беради

Топширикни бажариш учун вақт белгиланади (максимал вақт 10 дақика)

Кичик гурухлар топширикни бажариш устида ишлайди (бу вақтда кичик гурухлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуllibari, шакллари, якроси ва уни таҳдим кишиш йўлларини аниқлаган холда топширикни бажаради


Белгиланган вақт никоясига етагач, гурухлар ўз счимларини навбатма-навбат намойиш этади (ечимлар намойинишида имкон калар барча ўқувчилар фаол иштирок этишларин талаб қилинади)

Бутун жамоа ўқитувчи раҳбарлигига кичик гурухларнинг чиқишлиарини муҳокама қиласди (муҳокамада гурухларнинг ютуқ ва камчилклари, гурух билан ишлашда ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзлаштирган кўнникмалар таҳдил қилинади; ўқитувчи гурухларга зарур тавсия ва тушунчалар бераб, машғулотни яқунлайди

## “АСАЛАРИ ГАЛАСИ” СТРАТЕГИЯСИ

“Асалари галаси” стратегияси ўрганилабтган мавзу бўйича танланган муаммонинг аудиторијада умумий ёки кичик гурухларда алоҳида таҳдил қилинишига ёрдам беради. Стратегияни кўллашда кичик гурухларга бериладиган топшириклар бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Гурухларга берилган топшириқ муайян муддат ичидаги мухокама қилиниб, натижа барчага маълум қилинади. Машгулот якуннада масаланинг энг мақбул ечими танлаб олинади.

Машгулот жараёнида стратегияни кўллашда қўйидагича йўл тутилади:



## “АҚЛИЙ ҲУЖУМ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, гояларидан ижобий фойдаланишига доир кўниума, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машгулотларда ихтиёрӣ муаммолар юзасидан бир исча органал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаши, уларга муқобил гояларни танлаш учун шароит яратади.

**Уни самарали құллашда құйидаги қоидаларға амал қилип лозим:**

Үкүвчи (талаба)ларнинг ўзлариниң эркін қис этишларига  
шароит яратып беріш, гояларни өзін бориш учун  
әзув таҳтасын әки қоғозларни тайёрлаб қўйинш

**Муаммо (әки мавзу)ни аниклаш**

**Машғулот жарағніда амал қилинадиган шарттарни белгилаш**

Билдирилаёттан гояларни уларнинг муаллифлари томонидан  
асосланишига эришиш ва уларни өзіб олиш, қоғозларға (әки фикр)лар билан тұлғандан сұнг әзув таҳтасын осиб қўйинш

**Билдирилган фикр, янги гояларнинг түрліча ва  
күп мәндердә бўлишига эътибор каратиш**

Үкүвчи (талаба)нинг бошқалар билдирилган фикрларни ёдда  
саклаши, уларга таяниб янги фикрларни билдириши  
ва улар асосида мұайян хуласаларга келишига  
эришиш (билдирилаёттан ҳар қандай гоя баҳоланмайди)

**Үкүвчи (талаба)лар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий  
фикрларнинг илгари суриниши учун кулагай мұхит яратиш**

**Илгари суралған гояларни янада бойитиш  
асосида үкүвчи (талаба)ларни күvvатлаш**

Бошқалар томонидан билдирилган фикр (гоя)лар устидан  
кулиш, киноялған шархларнинг билдирилишига йўл қўймаслик

**Янги гояларни билдириш давом этаёттан экан, муаммонинг  
ягона түрті ечимини зылон қилишга шошилмаслик**

## Машгулotta стратегияни күллашда күйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Ўкувчи (талаба)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишига ундаш, улар томонидан мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиш

Хар бир ўкувчи (талаба) томонидан билдирилаётган фикрлар рагбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рагбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг тутилишига олиб келади

Хар бир ўкувчи (талаба) узининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш еки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин хизирлайди

Машгулotta ўкувчи (талаба)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат килиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл кўйилмайди (зоро, фикрлар баҳоланиб бориласа, ўкувчи (талаба)лар диккатларини шахсий фикрларни ҳимоя килишта қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурilmайди; методни кўллашдан кўзланган асосий максад ўкувчи (талаба)ларни муаммо бўйича кент фикр юритишига ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишидир)


### “БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

График органайзер ўкувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни кўллашда ўкувчи (талаба)ларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёртувчи таянч тушунча, маъдумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил килиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш кўйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни Гони кўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўкувчи (талаба)лар кичик гурухларга биринкитирилади;
- 3) гурухлар топширикларни бажаради;
- 4) гурухлар ўз счимларини жамоавга тақдим этади;
- 5) жамоа гурухларнинг счимлари юзасидан мухокама ўштиради

Ўкувчи (талаба)лар топширикларни кўйидаги тасвир асосида бажаради:



## “БАРЧА ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛ!” (БОҲО) МЕТОДИ

БОҲО – бу шахс эътиборини муайян омилларга қаратишга хизмат қилувчи метод саналиб, уни кўллашдан кўзланган мақсад шахс онгини ривожлантириш, тасаввурини кенгайтириш, тафаккурини бойитишидир.

Метод қанчалик аниқ мақсад асосида қўлланилса, унинг самарадорлиги шунча юкори бўлади. Агар ўкувчи (талаба) у ёки бу фикрни очиқ айтишига тортинса, у ҳолда методни кўллаш ҳеч қандай самара бермайди.

Машгулотлар жараёнида методдан фойдаланишида қўйидаги саволларга жавоб топган ҳолда мавзуни самарали ўзлаштириш имконини берадиган омилларнинг рўйхатини тузиб олиш мақсадга мувофиқдир:

Мавзуни ўзлаштиришида қайси омиллар ҳисобга олинди

Мавзуни ўзлаштиришида қандай омиллар ҳисобга олинмади

Рўйхатта яна қандай омилларни киритиш мумкин

Масаланинг яна қайси жиҳатларига эътибор бериш зарур



## “БАҲС-МУНОЗАРА” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиги ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, ўкувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш кобилиятларини шакллантиришга хизмат қиласи. Ўкув машгулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишида мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Уни кўллашда қўйидаги тартибда иш кўрилади:

Баҳс-мунозара учун таъланган мавзу ўкувчи (талаба)ларга олдиндан маълум қилинади

Жараён ўқитувчи (ёки бошловчи) томонидан болшарилиб борилади

Ўкувчи (талаба)лар индивидуал, гурӯҳ (жуфтлик) иомидан баҳс юргилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларни баён қиласи

Баҳса масаланинг можияти, счими бўйича бир-бирига зид фикрлар илгари сурилади

Ечим бўйича асосий фикрни баён этадиган ўкувчи (талаба)ларга 10 дакика, кўшимча килиш истагида бўлганиларга эса 5 дакикадан вақт берилади

Ўқитувчи (бошловчи) томонидан баҳс-мунозара юзасидан якуний хулоса билдириллади

**Изоҳ:** 1) бир ўқувчи (талаба)га икки марта сўзга чишишга рухсат этилмайди;  
2) ўқитувчи (бошловчи) ўқувчи (талаба)ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат килиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу жакида огоҳлантирилади.

### **“БЕШИНЧИСИ (ОЛТИНЧИСИ, ЕТТИНЧИСИ, ...) ОРТИҚЧА” СТРАТЕГИЯСИ**

Ўқувчи (талаба)ларнинг мантикий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу стратегия алоҳида аҳамиятга эга. Уни кўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:


- 1) ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат киладиган тушунчалар тизимини шакллантириш;
- 2) ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллукли бўлган тўртта (бешта, олтита, ...) ва тааллукли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;
- 3) ўқувчи (талаба)ларга мавзуга тааллукли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;
- 4) ўқувчи (талаба)ларни ўз қаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаши (мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан тизимда сакланиб колган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтиш, улар уртасидаги мантикий боғликликни асослаш талаб қилинади)

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантикий боғликликни кўрсата ва асослай олиш ўқувчи (талаба)ларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларини далиллаш тенгдошларнинг фикрлари ва шахсий гояларни ўзаро тақдослаш кўникмаларини ҳам шакллантиришга имкон беради.

### **“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОХЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ) ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ**

График органайзер ўқувчи (талаба)ларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни кўллашда ўқувчи (талаба)лар гурӯх ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гурӯхда ишлашда машғулот якунидаги гурӯхлар томонидан бажарилган ишлар ташхил қилинади.

Гурӯхлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



Ҳар бир гурӯх умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топширикларни бажаради; машғулот якунидаги лойиҳа бандлари бўйича гурӯхларнинг муносабатлари умумлаштирилади

Гурӯхлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топширикларни бажариб, гояларни умумлаштиради

Үқув фаолияти бевосита ёзув таҳтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган күйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

График органайзердан фойдаланиш уч боскич асосида амалга оширилади:

Үқувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аникланади

Ўқувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эхтиёжлари ўрганилади

Ўқувчилар мавзуга онд маълумотлар билан батофсил таништирилади

Боскичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тафсилоти кўйидагича:

- 1) ўқувчи (талаба)лар кичик гурухларга биринкирлади;
- 2) ўқувчи (талаба)ларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
- 3) ўқувчилар томонидан кайд этилган тушунчалар лойиханинг 1-бандига ёзиб борилади;
- 4) ўқувчи (талаба)ларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эхтиёжлари ўрганилади;
- 5) ўқувчи (талаба)ларнинг эхтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиханинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- 6) ўқупувчи янги мавзуга онд умумий маълумотлардан ўқувчиларни хабардор китади;
- 7) ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган янги тушунчалар аникланади;
- 8) баён этилган янги тушунчалар лойиханинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- 9) машгулот якунида ягона лойиха яратилади

### “БЛИЦ-СЎРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга киска, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини такозо этадиган метод саналади. Тальим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машгулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (талаба)ларнинг қамраб олининишига кўра белгиланади.

Машгулотларда методни қўллаш кўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркиби кисмлар мөхиятигини очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар зътиборинга хавола килади

Ўқувчи (талаба)лар берилган саволга киска муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб қайтаради (унинг гурухдошлари жавобин тўлдиради, (бирор, фикрлар акорланмаслиги лозим)

Методни кўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий фояларнинг моҳияти ўкувчи (талаба)лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

### “БУМЕРАНГ” СТРАТЕГИЯСИ

Технология ўкувчи (талаба)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турили адабистлар, матилар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларни эркин баён этиш, киска вақт ичидаги кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўкувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат килади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўкувчилар томонидан гурухли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, аудиторияда ташкил этиладиган сухбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Бу технологиядан сухбат-мунозара шаклидаги дарсларда индивидуал, жуфтлик, гурухли ва жамоавий шаклларда фойдаланиши мумкин. Бошқа интерфаол методлар каби таълим жараёнида мазкур технологияни кўллаш хам муайян тартибда амалга оширилади. Яъни:

Кичик гурухлар ташкил этилаб, технологиядан фойдаланиш коидаси билан таништирилади

Хар бир гурухга мустакил ўрганиш учун ракамли матн таркатилади

Гурухлар ўзларига берилган топшириқ асосида ўкув материалини ўзлаштиради

Кичик гурухлар кайта ташкил этилади

Ўкувчилар кичик гурухларда навбат билан ўзлари мустакил ўрганган матилар хакида бир-бирлариса маълумот бераб, тенгдошлири томонидан ўрганиялган матиларни хам ўзлаштиради; ўкувчилар томонидан ўкув материалининг самарали ўзлаштирилганини аниклаш учун савол-жавоб асосида ички назорат ўтказилади

Гурух аъзолари ўзларининг “дастлабки гурухлари”га кайтади

Гурухлар томонидан тўплантган балларни хисоблаб борувчи “Гурух хисобчиси” тайинланади

Ўқитувчи мавзу бўйича саволлар берниш, оғзаки сўраши асосида ўкувчилар томонидан унинг самарали ўзлаштирилганини аниклаяди

Саволларга берилган жавоблар асосида гурухлар томонидан тўплантган баллар умумлаштирилади ва гурух аъзолари ўртасида тенг тақсимланади

## "ВЕНН ДИАГРАММАСИ" ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер ўкувчи (талаба)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий өндешув, айрим кисмлар негизида мавзунинг умумий мөҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини хосил килишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аник схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка кўйидаги схема чизилади:




График органайзер ўкувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни киёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни кўллаш боғчиchlари кўйидагилардан иборат:

Ўкувчи (талаба)лар тўрт гурухга бўлинади

Ёзув тахтасига топширикни бажариш мөҳиятини акс эттирувчи схема чизилади

Ҳар бир гурухга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириклар берилади

Топшириклар бажарилгач, гурух аъзолари орасидан лидерлар таъланади

Лидерлар гурух аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдиради

График органайзерни кўллаш жараёнида ҳар бир гурух муайян мавзуга оид топширикларни бажаради. Ўкувчи (талаба)ларнинг эътиборларига кўйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гурухлар	Диаграмманинг тартиб раками	Топшириклар мазмуни
1- гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

3-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

## “ВИДЕОТОПИШМОҚ” СТРАТЕГИЯСИ

Сүнгги йилларда педагогик фаолиятта турли ахборот воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи курилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида зътибор қаратилимокда. Ўқитувчилар олдида ўқитишида турли ахборот воситаларидан ўрили, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Стратегиядан фойдаланишида кўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)ларга ўрганилаётган мавзуу  
моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи  
изоҳларсиз бир нечга видеолавҳа намойиш қилинади

Ўқувчи (талаба)лар ҳар бир лавҳада қандай  
жараён акс эттирилганинги изоҳтайди

Ўқувчи (талаба) видео лавҳаларда акс эттан жараён, ҳодиса ёки  
воқеъларнинг моҳиятини дафтарларига қайш этади

Ўқувчи (талаба)лар ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради

Видеолавҳалар намойиш қилингач, ўқувчи (талаба)лардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқеълик акс этганлиги, қайси бадиий асар қаҳрамони ёки тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видеотопишмоқнинг жавобини топиш орқали ўқувчи (талаба)лар ўрганиладиган янги мавзуу ҳақида тасаввурга эга бўлади.

## “ГАЛЕРЕЯ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда кичик гурух асосида бир йўла бир нечта масалани муҳокама қилиш қобилиятини шакллантиради. Уни кўллашда гурухнинг ҳар бир аъзоси таклиф этилган барча масалалар ечимини топишга ўз хиссасини кўшиш имкониятига эга бўлади.

Машғулотлар даврида “Галерей” стратегиясидан фойдаланиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1-боскіч – масаланы құйиши (ұжитуви кітчік гурухларға мұайдан мұаммом (әки масала)ни ҳал қилиш топширигіні беради

2-боскіч – хар бир гурух үзігін топширилған масаланың есімінін топиш устида ишлайды (бу жарағын 5-10 дақықа ичіда кечады)

3-боскіч – хар бир гурух навбати биләп 2-, 3- ва 4-гурухта топширилған мұаммонаңдың есімінін топнігін киришады (гурухлар қарқындылықтың тәсілінде оның өзінде көрсетіледі; бир гурух башқа гурухларнанғы есімларнан үрганады, уларға нисбатан үз мұносабатини билдірады; құшымчалар киритады)


4-боскіч – гурух үз үрнінде қайтады

5-боскіч – хар бир гурухдан бир нафар үқувчи (талаға) гурух иши биләп жамоаны тапшырады да улар асосида мұхокама ташкил этилады

6-боскіч – мұайдан гурух башқа гурухларнанғы есімларига нисбатан үзділік томонидан билдірилған мұлоқазаларнан шархлады

7-боскіч – гурухларнанғы фикрларига күраяқ күннен күннеге қарастырылады

Стратегияның құлапаш жаражанынның схема асосида құйидегіча иғодалаш мүмкін:



**Изөх:** доира ичидаги 1-т, 2-т, 3- ва 4-т ифодалари күйидаги мазмуннан билдиради: 1-т – 1-топширик; 2-т – 2-топширик; 3-т – 3-топширик; 4-т – 4-топширик.

### “ГУГУРТ ДОНАЛАРИ” СТРАТЕГИЯСИ

“Гугурт доналари” стратегияси ўкув материалларининг ўкувчи (талаба)лар томонидан ўрганилган қай даражада эгалланганигини аниқлаш мақсадида кўлланилади. Стратегия ўкувчи (талаба)ларга ўкув материалининг мавзусидан келиб чиккан ҳолда турли муаммоли масала ёки вазиятларни яратиш, мавзунинг асосий таянч тушунчаларини ажратиб олиш, уларни изоҳлаш, таҳлил қилиш, таърифлашда ёрдам беради. Шунингдек, стратегия машгулот давомида ҳар бир ўкувчи (талаба)га турли топширикларни индивидуал бажариш, унинг устида мустакил ишлаш имконини беради. Бу стратегия ўкувчиларда бир катор тарбиявий характеристердаги, яъни: мустакил ишлай олиш; мулокатга киришувчаник; хуашебълик; ўзгalar фикрини хурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятнинг самарали бўлишига қизиқиш ва интилиш; ўзини ўзи баҳолаш каби сифатларни шакллантиришга ёрдам берди.

Стратегия кўлланилган машгулот ўкувчиларни ўрганилган ёки ўрганилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга олиш, тўпланган фикрлашни умумлаштириш, уларни ёзма равишда ёки расм, чизма, тасвир, схема, модел кўринишида ифодалашга ўргатади. Мазкур стратегия жуфтлик, кичик гурухлар ёки жамоада ташкил этилади. Ўкувчи (талаба)лар тушунчаларни ёзма равишда таърифлайди ва уларни тақдимот асосида жамоага намойиш киласи.

Машгулотда стратегияни кўллаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларга гугурт доналари ёки оддий чўплардан истаганча танлаб олишни таклиф этади

Ўкувчи ўз коҳишига кўра гурут доначалари ёки оддий чўпларни танлайди

Ҳар бир ўкувчи (талаба) танланган гугурт доналари ёки оддий чўпларининг сонига кўра мавзуга онд таянч тушунчаларни ажратиб кўрсатиб, уларнинг ҳар бирига изоҳ берди ёки қоидаларни айтади

**Изоҳ:** ўкувчи (талаба)лар томонидан танланган ҳар бир гугурт донаси ёки оддий чўп биттадан тушучани таърифлаш шартлигини англатади. Шунга кўра ўкувчи (талаба) агарда иккита гурут донасини танлаган бўлса, у ҳолда иккита тушучани ажратиб кўрсатиб, уларни таърифлайди. Гурут доналари сонининг ортиб боришига кўра тушучалар сони ва уларга бериладиган таърифлар мидори ҳам кўпайиб боради.

## “ЯГОНА ДАВРА” СТРАТЕГИЯСИ

“Ягона давра” стратегияси ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантикий фикрлар, бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тұлдирис, шахсий фикрларни асослаш, хуоса чикариш қобиляйтими тарбиялашга хизмат қиласы. Мавзу юзасидан хар бир ўқувчи (талаба)нинг фикрини билиш мухим. Шунинг учун хар бир ўқувчи (талаба) фикр билдираётгандың сүзини бўлиш, кўшимча килиш хеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди.

Стратегияни қўллашда кўйидаги шартларга риоя этиши шарт:

Ш  
А  
Р  
Т  
!!!

Ўқувчи (талаба)лар давра қуриб ўтиришлари, ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари

Ўқувчи (талаба)лар ўзларига навбат келишини кутуб ўтирай, мавзу (савол, масала, муммом) юзасидан фикрларини айтга олишлари

Машғулотда хар бир ўқувчи (талаба)нинг фаол иштирок этиши, мухокамага ўз хиссасини кўшишини тъзминлаш

Ўқитувчи мухокаманинг якунида билдирилган фикрларни умумлаштириши, хар бир ўқувчи (талаба)нинг иштирокини кўрсатиб ўтиши мумкин. Стратегия, одатда, машғулотнинг бошланиши ёки якунида қўлланилади.

## “ДЕБАТ” МЕТОДИ

“Дебат” (французча “дебаттере” сўзидан олинган бўлиб, “дебац” – “баҳслашмок”) технологияси йигилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини тъзминлашга хизмат қиласы.

Ўқув машғулотларда дебат кўйидаги тартибда уюштирилади:

Ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши зарур бўлган муммом танланади

Баҳсланиш учун иккى нафар ўқувчи (талаба, гурӯҳ ёки жуфтлик) ларнинг эътиборларига танланган муммом ҳавола этилади

Муммом юзасидан алоҳида ўқувчи (талаба), гурӯҳ ёки жуфтликлар томонидан билдириладиган фикрлар тасвил килинади

Экспертларнинг фикрлари тингланади

Дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хуоса чикарилади

Дебат якунланади

## “ДЕЛЬФИ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия таклиф килинаётган мүкобил жавоблар ичидан энг яхшисини танлашга ёрдам беради. Бунинг учун жамоанинг аъзоларидан муайян мавзуу мөхиятини очиб берувчи энг мақбул жавобларни билдириш таклиф килинади. Билдирилган жавоб вариантлари тўпланади. Сўнгра жамоанинг ҳар бир аъзосидан мълум кетма-кетликда мавжуд жавобларнинг ҳар бирига баҳо бериш талаб килинади.

Таълимда стратегиядан фойдаланиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўкувчиларга тахлил асосида мълум жараённинг из берисига олиб келган бешта сабабни аниқлаш ва улар орасидан энг мухим сабабни топиш вазифаси юклатилади

Мухокама қатнашчилари дастлаб муаммоларнинг барча сабабларини мухимлик даражалари бўйича ажратади

Ҳар бир қатнашчи ўзининг мукобил жавоб вариантиларидан бирини танлаб, барча вариантиларни шкалади (ълни уларни мухимлигига кўра даражаларга ажратади ва тартиб рагдами билан белгилаб чиқади)

## “ЕЛПИГИЧ” СТРАТЕГИЯСИ


Мураккаб ва кўп тармоқди бўлиб, муаммоли вазиятларни ўрганишга йўналтирилган ушбу технологиянинг мөхиятига кўра мавзунинг бандлари, бўлимлари бўйича мълумот берилади. Банд ва бўлимлар алоҳида-алоҳида мухокама килинади. Масалан, мълум ҳодиса, воқеа ёки жараённинг ижобий, салбий жиҳатлари, фойдаси, зарари, афзалиги, камчилиги кўрсатиб берилади.

Стратегия ўкувчи (талаба)ларда танқидий, тахлилий, мантикий фикрлаш, ўз фикрларини муваффақиятли ривожлантириш, шахсий гояларни ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, уни самарали химоя қилиш кўнкимма, малакаларини шакллантиришга имконият яратади.

“Елпигич” стратегияси ёрдамида ўзлаштирилаётган мавзунинг муайян жиҳатларини жамоа, гурух, жуфтлик ҳамда ҳар бир қатнашчининг индивидуал фаол ишланиш асосида ўрганишга хизмат қиласди.

Технологияни нафақат таълим, шу билан бирга мъионий-мъерифий ишлар жараёнида ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўкувчи (талаба)ларнинг қўйидаги сифат ва кўнкималарга эга бўлишларига эришилади: жамоа билан ишлаш; муаммо ва вазиятларни турли нуқтаи назардан мухокама қилиш; келишувчан карорларни қабул қилиш; ўзгалар фикрини хурмат қилиш; хушмуомалалик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаоллик; муаммога диккатни жамлай олиш ва б.

Таълим жараёнида муайян мавзуни ўрганиш чоғида стратегияни турли босқичларда аниқ мақсадлар асосида қўллаш мумкин. Масалан:



### “ЁЗМА ИШ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларда мустақил, ижодий фикрлаш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради ва хар бир ўкувчини мустақил равищда фаолият юритишини таъминлайди.

Таълимда стратегияни қўллашда ўкувчи (талаба)ларга қўйидаги схема асосида иш кўриш таклиф қилинади:

1. Ким ёки нима ҳақида ёзмоқчи эканлигинизни аниқ белгилаб олинг!
2. Ишшо (хикоя, мақола) учун мос сарлаваха топинг!
3. Ишшо (хикоя, мақола)нинг кораламаси (хомаки нусхаси)ни тайёрланг!
4. Ишшо (хикоя, мақола)нинг хомаки нусхасини кайта ўқиб чиқиб, хатолари бўлса тузатиш киригting!
5. Ишшо (хикоя, мақола)нинг матнини окка кўчиринг!
6. Ишшо (хикоя, мақола)ни жамоадошларингизга ўқиб беринг!

Стратегия асосида ишлаш учун ўкувчи (талаба)ларга 9-10 дақика вақт берилади.

Уни кичик гурухларда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўкувчи (талаба)ларни гурухларга бириттириш учун рақамли карточкалардан фойдаланиш кулади. Хар бир кичик гурух алоҳида мавзулар асосида хикоя, эссе ёки мақолаларни тайёрлаши мумкин. Хикоя, эссе ёки мақолаларни тайёрлашда гурух аъзоларининг биргаликда, ўзаро фикр алмасиб фаолият юритишларига эришиш мақсадга мувофиқдир. Белгиланган вақт нихоясига етгач, хар бир гурухнинг ийи тақдимот асосида намойиш этилади. Ўқитувчи хикоянинг мазмуни, савиаси ва орфографик хатоларига эътибор берган холда гурух ишни баҳолайди.

Стратегияни қўллаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

Хар бир ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурухта ўрганилган мавзуға оид бир неча таянч түшүнчө ёки мавзулар өзилгөн карточкалар тарқатылади

Ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурухлар карточкада күрсөтілген түшүнчө ёки мавзулардан бирини танлаб, у асосида кичик хикоя, эссе ёки мақола тайёрлайды

Агар ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурухларга бир неча таянч түшүнчө (сүз)лар тәжірибелі этилса, яратылған хикоя, эссе ва мақолаларда ушбу таянч түшүнчалар иштирок этиши зарур

Хар бир ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурух хикояйннан аввал кораламасини ёзади

Хар бир ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурух үзи томонидан тайёрланған хикоя, эссе ёки мақолаки текшіриб чыкыб, оқка күчірады

Хикоя, эссе ёки мақола тайёрлаш учун хар бир ўкувчи (талаба), жуфтлик ёки гурухта аввал үзи билганды, таниған, эшиттән, Үкіттәндериниң едә олиш ва улар хакыда ёзип таасия этилады

### “ЖАДВАЛ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер ўкувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, мұхомам этилаётган масала ёки муаммонаң назарий мөхияттінің жадвал ердамида ак этириш көбилияттін шакллантиришінде хизмат килади. Уни күллашда ўкувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) мөхияттінің оғзаки баён ёки ёзма мат күринишида эмас, балки ассоциация, таянч түшүнчө, мұхим жиһатлары жадвалда анық, киска ифодалап күнікмаларини ўзлаштырады.

Машғұлотда график органайзернің күллаш бүйірінде ўкувчи (талаба)ларға күйидегі жадвал намунасини тәжірибелі мүмкін:

Мөхиятті	Ижтимоий тарбия түрлары				
	Маңнавий-ахлоқый тарбия	Ақлий тарбия	Жисмоний тарбия	Эстетик тарбия	Мехнат тарбиясы
Максади					
Вазифалари					
Үзиге хос жиһатлары					

### “ЗАКОВАТЛИ ЗУККО” СТРАТЕГИЯСЫ

Билимларни пухта ўзлаштиришда ўкувчи (талаба)ларнинг фикрлап тафаккур юритиш қобилиятларында зерттеуден көп мүнәсабаттың жағдайы болады.

Ушбу стратегия ўкувчи (талаба)ларда тезкор фикрлап күнікмаларин шакллантиришінде, уларнин тафаккур тезліктарын анықташып ердам берады

Уни кўллаш ўз коҳишига кўра шахсий имкониятларини сикаб кўриш истагида бўлган ўкувчи (талаба)лар учун кулагай имкониятни яратади.

Бунда ўкувчи (талаба)лар ўқитувчи томонидан берилган саволларга киска муддатларда тўгри, аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтирилган тўгри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўкувчи (талаба)ларнинг тафаккур тезлиги аниқланади.

Машгулотларда стратегияни кўллаш орқали ўкувчи (талаба)ларнинг тафаккур тезлиги қўйидаги схемага асосланувчи фаолият ёрдамида аниқланади:



### “ЗИГ-ЗАГ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)лар билан кичик групкаларда ишлаш, улар томонидан мавзунинг тез ва пухта ўзлаштирилишини таъминлашга хизмат килади. Унинг афзаллиги шундаки, уни қўллаща: 1) ўкувчи (талаба)ларда жамоа (груп) бўлиб ишлани кўникмаси шакланади; 2) мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади.

Машгулотларда стратегияни кўллаш қўйидагича амалга оширилади:

Ўкувчи (талаба)лар бир нечта (5-7 та) групхга бўлинади

Янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5-7 та кисмга ажратилади

Ҳар бир групхга мавзунинг муайян кисми (1-матн, 2-матн, ... ва х.к.) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топшириллади

Белгиланган вақт мобайнида групкалар матн устида ишлайди

Вақти тежац мақсадида груп аъзолари орасидан лидерлар танланади, улар ўрганилган матнга онд асосий маълумотларни групдошларнга сўзлаб беради

Лидерларнинг фикри груп аъзолари томонидан тўлдириллади

Барча групкалар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганиларидан сўнг матнлар групкаларро алмаштириллади

Бу босқичда ҳам матнлар групкаларро алмаштириллади

Шу таҳтида мақзу моҳиятини ёритувчи яхши матн ўкувчилар томонидан ўзлаштириллади

Юқорида күрсатылған тартибда мавзуу моҳиятини ёритувчи яхлит мати үкувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштырылады.

### “ЗИНАМА-ЗИНА” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия үкувчи (талаба)ларда ўрганилайдын мавзуну кичик мавзуларг ажратылған холда расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида ўргани күнікмаларини шактлантириады. Шунингдек, у үкувчи (талаба)ларда мавзун ўрганишга ижодий ёңдашиш, шахсий фикр, ўзлаштырылған тушунчаларн тасвирий күринишларда ифодалаш қобиляягини ривожлантиришга ёрда беради. Ундан фойдаланиш тартиби күйидагича:




Машгулолтарда стратегияни күллашыда күйидеги шартларға амал қилинады



## “ИЖОДИЙ ИШ” МЕТОДИ

Метод ўқувчи (талаба)ларни ижодий фаолликка ундаш орқали уларда ўтлаштирилган назарий билимлар асосида мавзу моҳиятини ёритиш, янгича талкин этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллашда ўқувчи (талаба)ларнинг эркинлиги таъминланади, мустакил фикрларлар учун имконият яратилади. Ўқувчи (талаба)лар мавжуд билимларига таянган ҳолда ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беради.



## “ИНСЕРТ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер янги мавзу бўйича ўқувчи (талаба)ларнинг муайян тушунчаларга эгалисларини аниглаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Уни қўллашда ўқувчи (талаба)лар кўйидаги схемалар билан ишлайди:

1. Матн гурухларнинг фикрлари билан қиёсий таққосланганда:

Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси
3	Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса
C	Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини тошмаган бўлса
?	Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)

2. Лидерларнинг хисоботидан сўнг гурухларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари	Гурухларнинг номлари			
	Коперник	Галилей	Форобий	Ибн Сино
1.				
2.				
3.				

Неграфик органайзерни қўллашда кўйидаги харакатлар амалга оширилади:

**Кичик турұхлар шақылшырылып, улар көмкөнады**

**Хар бир турұхдан ұзлаштырылған режалаштырылаёттан мавзуга ойд иккита фикр билдириш сүралады**

**Гурұхлар нағыбатта-нағыбат мұлохазаларни бағын згады**

**Бағын этилған фикрлар әзув тақтасыға өзіб борилады**

**Сүнгра үкітүвчи янги мавзу мөхияттіңін өртітүвчи матнның гурұхларға тарқатады**

**Гурұхлар матн билан танишиб, матн ва үзләри билдирилген  
фикрларнинг бир-бірінде кайда даражада мұвоғиқ келгендігін аниклады  
(Ухшаушылар ғарылар маңында белгилілар ердамнан іфодаланады)**

**Гурұх аззолары үз шахсінің қарашларынан іфода этады ва маңында белгилілар сони умумлаштырылады**

**Гурұх аззолары орасыдан лидерлер белгиланады**

**Лидерлер синф жамоасының гурұх нағызкалары билан таништырады**

**Гурұхларнинг ёндапшылары умумлаштырылып, яқуний хуоса чыкарапады**

### **“ИНТЕРВЬЮ” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия бир-бірләрі билан таниш бўлмаган ўкувчи (талаба)лар ўргасида ўзаро мулокотни ташкил этиши, уларнинг бир-бірләри билан яқиндан танишишлари учун зарур шароитни яратиб бериш мақсадида қўлланилади.

Уни кўлашда бир-бірларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, ўкувчи (талаба)ларнинг танишиб олишлари учун 2-3 дақика вакт берилади. Сүнгра жуфтликнинг хар бир аъзоси жамоага бирор қизиқарли далил ердамида ўз шериги тўғрисидаги майлумотларни тақдим этади. Бунда гурӯхдаги хар бир ўкувчи (талаба)нинг бир нафар киши билан танишишин изарда тутилади. Стратегия ўкувчи (талаба)да дадиллик, журъатни хосил қиласади. Бироқ, бу методни 25 нафардан ортиқ аъзоси бўлган гурӯхлардэ қўллаш самарали хисобланмайди.

“Интервью” стратегиясидан болалар оромгоҳлари, волонтёрлик гурӯхлари, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маңында таълим мұассасалари, олий ўкув юртлари ҳамда таълим олувчилардан иборат янги ижтимоий гурӯхлар ташкил этилганда фойдаланиш самарали саналади.

“Интервью” стратегияси күйидаги схема асосида күлланилади:



Таълим жараённанда ушбу стратегия жуфтлик асосида мавзу бўйича ўкувчи (талаба)лар томонидан ўрганилган билимларнинг намойиш этилишини таъминлаш мақсадида кўлланилади. Бунда жуфтликдаги ўкувчи (талаба)ларнинг бирни “Мухбир”, иккинчиси эса “Таникли шахс” бўлиши лозим. Интервью жараённининг ҳар икки қатнашчиси ҳам мавзуни яхши ўзлаштирган бўлиши шарт. “Мухбир” ўрганилган мавзу юзасидан саволлар тўпламини ишлаб чиқади, “Таникли шахс” эса саволларга жавоб беради олиши лозим. Саволлар ва улар юзасидан берилган жавобларни ёзма шаклда қисқача баён этиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, белгиланган вақт ниҳоясига еттач, ҳар бир “Мухбир” жамоа аъзолариши ўзи тузган саволлар, улар юзасидан “Таникли шахс” берган жавоблар билан таниширади. Барча “Мухбир”ларнинг чиқишлари тинглангач, жамоа аъзолари ўқитувчи раҳбарлигида энг макбул саволлар тўпламини, саволларга берилган энг тўғри, батафсил жавоблар вариантынини аниклаб, галибларни белгилайди. Жамоанинг фикрини инобатга олган ҳолда ўқитувчи галибларни зълон қиласди.

“Интервью” стратегиясини олий ўкув юртлари, ўрта маҳсус таълим муассасаларида семинар машғулотлари, умумий ўрта таълим мактабларида эса тўғарак, илмий жамиятлар фаолияти, “Маънавият соати” (ёки “Синф (гурух) соати”)да фаол ва самарали кўллаш мумкин.

### ИМАК (“ИШОНТИРИШ МАКТАБИ”) СТРАТЕГИЯСИ

Технология ўкувчиларда бошқаларни ишонтириш (бунинг учун далилларни топиш, уларни асослаш), сұхбатдоши башкариш, жамоа орасида, турли ҳайтий вазиятларда ўзини тутиши малакаси ва ташкилотчилик қобилияtlарини шакллантариш мақсадида кўлланилади.

**Изоҳ:** 1. “Ташкилотчи” лавҳада ифодаланган воқеликдан келиб чиқкан ҳолда ўзининг ташкилотчилик қобилияти, ишонтира олиш малакаси, вазиятни назорат қилиш, турли вазият, шароитларда ўзини тутиш, башкариш кўнкимларини намоён этиши, тарбиявий методларни кўллаб, низоли вазиятни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим.

2. Муҳокама чоғида ўқитувчи жамоа билан биргаликда “Гашкилотчи”нинг ўзини тутиши, бошқаларни ўз фикрига ишонтира олиши, маданияти,

харакатларидаги ижобий ва салбий жиҳатларни муҳокама қилади (бунда низоли вазиятни бартараф этиш учун “Ташкилотчи” кандай методларди фойдаланганлигини аниклани мақсадга мувофиқидир).

3. Стратегияни кўллашда ўкувчи (талаба)лар томонидан тайёрланган педагогик низоли вазиятлардан бири тўғрисидаги видеолавҳани намойиш этиши мумкин.

4. Видеолавҳа машгулотнинг 2-ярмида экранда ёки компьютер оркини намойиш этилади. У томоша қилиниб, мазмунни жамоа томонидан муҳокама этилади. Бу каби тахдил ҳар бир ўкувчи (талаба)га ўз хатти-харакатларини мөхиятни англаш, зарур хуносаларни чикариш кўнинкамаларига эга бўлиш учун ёрдам беради.

Стратегияни кўллаш тартиби куйидагича:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни технологиядан фойдаланиш қоидлари билан таништиради

Технология шартига биноая ўкувчилардан бири (жъни “Ташкилотчи”) хонадан чикади

Жамоанинг бошқа аъзолари педагогик низолардан бирини ёритувчи муаммоли вазиятий яратиб, уни муҳокама қилади ва саҳни кўринишини тайёрлади

Бу вақтда “Ташкилотчи”га ролининг мазмунин тушунтирилиб, юзага келишини мумкин бўлган вазият ҳақида маълумот берилади

“Ташкилотчи”га ҳам тайёргарлик кўриш учун маъдум вақт берилади

Белгиланган вақт ниҳоясига етади, “Ташкилотчи” аудигорияга таклиф этилади

Жамоа аъзолари педагогик низоларга асосланувчи лавҳани намойиш этади

“Ташкилотчи” лавҳада ифодаланган низоли вазиятни бартараф этишига ҳаракат қилади

Ўқитувчи жамоа билан бирталикда “Ташкилотчи”нинг ҳаракатларини баҳолайди

Машгулот якуннада синф (гурух) жамоаси “Шахснинг ташкилотчилик кобилиятти” маъзуусида амалий тавсияларни ишлаб чикади

## КБИ (“КУЗАТИШ, БАҲСЛАШИШ, ИШОНТИРИШ”) СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчиларни ҳаётда ўз ўринини топиш йўлида фаоллик кўрсатишга рағбатлантириб, уларда етакчилик, сардорлик сифатлари, жамоа ишлаш кўнинкамалари, ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позицияларига

шами, фикрини ісботлай билиш, асослаш, ишонтириш, мунозара олиб  
т, муросага келиш, ижодий изланиш каби қобиляйтларини шакллантириш  
желантиришга хизмат килади.

Цигулаттада мазкур стратегияни күллашда күйидаги шартларга риоя этилади:

Күнчилар технология  
опыннанындаған машгүлөт  
ни маизудан аввал орқ  
киңардор килинади

Шартлар

Вазифаларни бажариш учун  
белгиланадиган аник вакт  
мавзу мәзмүни, мураккаблик  
даражасига күра белгиланади

Методнинг баҳс-мунозарага асосланиши, аник ўтказилиш  
вақти ва тартибиға әгалити ёдда тутилади

Стратегиядан фойдаланиш тартиби күйидагича:

Үкітувчи ўкувчи (талаба)ларни машгүлөт ўтказиш тартиби билан таништиради

Үкітувчи ўкувчи (талаба)ларни кичик гурухларга биректириб, уларга саволлар  
шылдамини таклиф этади ва топшырыкни бажарниш учун вакт ҳажмини белгилайди

Гурухлар биттадан савол таңлаб олиб, сұзға чиқишига тайнерланади

Белгиланған вакт инхоясига етгач, нағват билан гурухларнинг чиқиши ташкил этилади

Үкітучининг күрсатмасига биноан ҳар бир гурух чиқиши жарайнанда колган  
турухлар уннинг фикри ва позициясында карши фикрларни билдириб, гурух  
таңлаган Йүлни рад этиш орқали уннинг аъзоларини баҳс-мунозарага үндайди

Сұзға чиқкан ҳар бир гурух бошқа гурухларнинг аъзоларини ўз фикрлари, танилаган  
йүлни хамда келтирған далилларнинг түгри эканлигига ишонтириш, ўз томонига  
оғдириш, имкони борича уларни ўз гурухига құшишга ҳаракат килади

Үкітувчи баҳс-мунозаранинг натижалари бүйінчә фикрни билдириб, дарсни яқунлайди

**Изоҳ:** ҳар бир гурух ўз чиқишида таңлаган савол бүйінчә тушунчалары,  
мавзуга ёндашувлари, жавобларининг түгри эканлигига жамоа аъзоларини  
ишонтира олишларн зарур.


## “КЕЙС-СТАДИ” (ЁКИ “ЎҚУВ КЕЙСЛАРИ”) МЕТОДИ

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият;  
вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси  
ўкувчи (талаба)ларда аник, реал ёки сұнъий яратылған муаммоли вазиятни  
таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш күнікмаларини

шакллантиришга хизмат килади. У ўкувчи (талаба)ларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва тахлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар куйидагилардир: таълим шаклари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий тахлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўкувчи (талаба) ўртасидаги таълимий алоканинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.


Кейс-стади технологиясининг умумий тузилмаси куйидагича:



Машгулотларда методни қўлаш куйидаги боскичларда кечади:



Кейс-стади бўйича жамоавий ҳамкорлик куйидаги тартибда амалга ошади:



**Технологияни алохидар ўкувчига нисбатан қўллаш тартиби қўйидагича:**

Ўкувчи (талаба)нинг технологиянинг маъсабати, уни қўллаши шартлари билан танишиши

Ўкувчи (талаба) томонидан тақдим этилган муаммонинг ўрганилиши

Муаммо бўйича асосий ва 2-даражали масалаларни ажратиш, шакллантириш, асослаш

Тадқиқот методларини ташлаш ва вазиятни таҳдил килиш

Тақдим этилган муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганиш

Берилган муаммони счишнинг усул ва воситаларини аниклаш

Тақдим этилган ечимни таълим амалиётига тадбик этиш чора-тадбирларини белгилаш

Таълимий характерга эга муаммоли вазият (ўкув кейси)ни ташкил этиш маъсади мавжуд имкониятларни хисобга олган ҳолда жамоа ўртасида муаммоли вазиятни яратиш, уни ҳал килиш ечимлари тўғрисидаги фикрларни жамлаш, мухокама қилиш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш мухитини яратишдан иборат.

Технология ёрдамида танланган муаммонинг ечимини топишга доир мухокама қўйидаги босқичларда ташкил қилинади:

Кейс мазмуни билан шахсан танишиши

Кичик гурӯхларда мухокама қилиш ("Синдикат" методи ёрдамида)

Жамоа ўртасида умумий мухокамани ташкил этиш

**Муаммони мухокама қилингда эътиборни қўйидагиларга қаратиш зарур:**

Ўрганилаётган муаммонинг асосий маъсадини аниклаш

Муаммоли вазиятни реал ҳолатлар билан таққослашини ўрганиш

Эҳтимоли бўлган "тўсик"лар (2-даражали масалаларни мухокама қилиш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва х.к.)ни аниклаш

Аудитория учун тушунарсиз маълумотларни аниклаш

Муаммони ечишда мухим, аҳамиятга эга маълумотни аниклаш

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун оралиқ босқичларни илғаб олиш

Муаммони ҳал этишнинг мукобил қўлларини белгилаш

Муаммоли вазиятни мухокама қилиш вактини аниқлаштириш

Мухокамани тутагиши тартибини белгилаш

Якуний изоҳлаш ва мухокама натижасини хуносалаш

## “КИЧИК ЭССЕ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия кичик қажмалы, әркін баён усулига эта бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласди. У ўкувчи (талаба)лар томонидан ўрганилган мавзу, мухокама қилинаётган масала бўйича әркін фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратиша ўкувчи (талаба)лар мавзу гояларни умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хуносаларни баён этиш имконига эта бўлади.

Машғулотларда стратегияни кўллаш кўйидаги тартибда йўлга кўйилади:

Ўкувчи кичик эссени яратиш учун муаммо ёки масалани таnlайди

Ўкувчи таnlанган муаммо (масала) билан ўкувчи (талаба)ларни таништиради

Ўкувчи (талаба)лар муаммо (масала)нинг умумий моҳияти юзасидан фикр юритади

Ўкувчи (талаба)лар шахсий фикрларини баён этиш усулини белгилаб олади

Хар бир ўкувчи (талаба) кичик эссени яратади

Кичик эссе синф (гурух) жамоасининг эътиборига ҳавода этилади

Синф (гурух) жамоаси аъзолари эссе юзасидан ўз фикрларини билдиради

## “КЛАСТЕР” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

“Кластер” (ғунча, тўплам, бөглам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўкувчи (талаба)лар билан якка тартибда, гурух асосида ташкии этиладиган машғулотларда кўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурғлан гояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

График органайзердан фойдаланишида кўйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:


Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни қоғозга ёзиңг! Фикрингизнинг сифати ҳакила ўйлаб ўтирамай, шунчаки ёзиб беринг!

Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг!

Белгиланган вакт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг! Агар маълум муддат уйлай олмасангиз, у колда қоғозга бирор нарсанинг расмийни чиза бошланг! Бу характеристики янги ғоя туттилганига қадар давом этиринг!

Муайян тушунча донрасида имкон қадар кўпроқ янги гояларни илгари суринш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, бөгликлекни кўрсатинг!

График органайзер ёрдамида ўкувчи (талаба)лар топширик бүйича фикрларини кластер (майда, алохид қисмлар) тарзыда күйидагида ифодалайды:



### **“КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ**

График органайзер ўкувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки мұаммо)ни иккі ёки ундан ортиқ жиҳатлари бүйича таққослашып ўргатади. Ундан фойдаланишиша ўкувчи (талаба)ларнинг мавзу юзасидан мәнтикий фикрлар, мәдениеттегі табиғаттың мәндерінен мәдениеттегі мәндерге деңгээлдер жасалады.

Машгулолтар чоғыда график органайзерден қўйидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топнилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Ўқувчилар мавзу ва Годан фойдаланиш коидаси билан таништирилади

Ўқувчи (талаба)лар кичик гурӯҳларга биринчирилади

Гурӯҳлар ўзларига берилган топширикни бажаради

Гурӯҳлар ечими синф (гурӯх) жамоаси ҳукмига ҳавола этади


Гурӯҳларнинг ечимлари синф (гурӯх) жамоасида мухокама қилинади

Ўқувчи (талаба)лар зътиборига қўйидаги намунани тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

## “КУБИК” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер турли вазиятларни ҳосил қилиш орқали мавзунинг ўрганилишини осонлаштиришга хизмат килади. Кубикнинг олтига киррасида ўрганиладиган мавзу (муаммо)ни чукур таҳлил қилишта ёрдам берадиган тушунча (йўналиш)лар мавжуд. График органайзер моҳиятига кўра кубикнинг олтига киррасида кўйидаги кўрсатмалар ўз ифодасини топади:



**Изоҳ:** “Кубик”нинг олти киррасидаги кўрсатмалар қўйидаги маъноларни англаради:

1. **Тасвирланг!** Предметни диқкат билан кўздан кечириб, унинг нималигини тасвирлаб беринг! Тасвирлаш жараёнида предметнинг ранги, шакли ва ҳажмани аниқ ёритишга эътибор қаратинг!

2. **Таккосланг!** Тақкослаш асосида предметнинг нимага ўхшаши, нимадан кескин фарқланishiшини айтинг!

3. **Изоҳланг!** Предметнинг бундай тузилма, ҳажм, шакли ва рангга эгалигининг сабабларини тушунтиринг! Предмет Сизни нималар ҳақида ўйлашга мажбур этаётчи? Ҳаёлларингизга эрк беринг! (Тасвирланган предметлар бир-бирларига ўхшаши, бир-биридан кескин фарқланиши мумкин).

4. **Таҳлил қилинг!** Предметнинг ясалиш (яратилиш) жараёни қандай? (Предметнинг ясалишини билишингиз шарт эмас, буни ўйлаб топинг!).

5. **Кўлланг!** Предметдан Сиз ҳайтий жараёнларда фойдалана оласизми? Ундан қандай фойдаланишингиз мумкин?

6. **Асосланг!** Предметнинг амалий қийматини белгиловчи фикрларингизни асосланг! Бу жараёнда ишончли далиллар тоцишга ҳаракат қилинг!

График органайзер ўқувчи (талаба)ларни муайян муаммо (мавзу)ни олти томондан турлича ёндашиб, мухокама қилишга унрайди. Бу ҳаракат муаммо ечимини толишини тезлаштиради.

## “КУНГАБОҚАР” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда муаммоларни ечиш, умумлаштириш, мустакил фикрлаш ва ўз фикрларини эркин баён қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. У ўрганилган мавзуни такрорлаш, ўқувчи (талаба)ларнинг у борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ўқувчи (талаба)лар томонидан эгаллаган билимлар даражасини аниқлашада самарали саналади.

Мазкур стратегия кўйидаги тартибда кўлланилади:

Ўкувчи (талаба)лар 4-5 нафардан кичик гурухларга биринчилади

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу бўйича битта (ёки ҳар бир гурух учун биттадан) муаммони ўртага ташлайди

Гурухлар томонидан топширикни бажариш учун вакт (10 дакика) белгиланади

Берилган топшириқка мувоғиқ ҳар бир гурух муаммо ва унинг счимлари асосида ёзув таҳтасида кунгабоқар ҳосил қиласди (бунда марказга доира чизилиб, унинг атрофига “гулбарглар” ёлиштирилади)

Белгиланган вакт ичидаги ўкувчи (талаба)лар жамоа ёки гурух бўлиб, ўртага ташланган муаммолар бўйича фикр алмашади (фикрлар “гулбарг”га ёзилиб, тегиндан муаммо ёзилган “гул” (яъни доира)га жойлаштирилади)

Топширик тўла бажарилгач, ҳар бир гурух ўз ишини намойиш қиласди

Синф (гурух) жамоаси аъзолари ҳар бир кичик гурухнинг иши билан танишиб, муаммо юзасидан түргилган савол ва мудоҳазаларни “кунгабоқар”нинг поясига барг сифатида ёлиштириб чиқади

Ҳар бир гурух ўзига берилган саволларга жавоб кайтаради

Барча кичик гурухларнинг ишлари ўрганилиб, мухокама қилингач, ўқитувчи машгулотга якун ясади

**Изоҳ:** 1. Фикрларнинг кўплитига қараб “кунгабоқар” ўсиб боради.

2. Ҳар бир гурух иши юзасидан мудоҳаза ва фикрларни билдиришига 6 инчиқа вакт ажратилади

### “КУНДАЛИК” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегияни кўллашда ўкувчи (талаба)лардан ташкил этилган “Сифат гурухи” аъзоларининг ҳар бирига ён дафтарча тарқатилади. Дафтарчаларга мухокама қилинаётган муаммога оид бўлиб, ҳафтанинг муайян кунида гугиладиган гоялар ёзил борилади. Жамоа аъзоларининг қайдлари гурух сирдори томонидан таҳлил килиб қилинади. Тўпланган материаллар ҳафтанинг икунидаги синф (гурух) жамоаси йигилишида мухокама қилинади.

Ушбу стратегиянинг шу жихати аҳамиятли бўлиб, у, биринчидан, пайдо бўлиган гоя ёки ихтирочилик таклифлари “Жамоа (ёки гурух) таклифи” номини олди; иккинчидан, барча ноаник ва турли нуқтаи назардан иборат фикрлар гурух йигилишига қадар оидинлаштирилади. “Бошқача бўлиши ҳам мумкин маъс!” тарзидаги кескин билдирилган фикрлар бир қадар “юмилатилади”. Мухокамага одатда “мезъёрлаштирилган” фикрлар олиб чиқилади.

## “КҮРГАЗМА” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан үзлаштирилган назарий билімларни күргазмали куроллар воситасыда намойиш этиши күнінкімаларин шакллантиришга хизмат қылади. Шуннингдек, стратегия ўкувчи (талаба)ларин ижодий фикрлашыга үндайди. Күргазмали куроллар (тасвир, схема, макет ж.б.)ни яратып учун ўкувчи (талаба)лар мавзу мөхияттің ерітувчи асосий жағдай түшүнчаларни ажратса олиш, улар ўртасыда ұзаро мәнтиций болғылдырылғаннан көзтегінде лаекаттың зерттеуден болжалығын анықтаудың маңыздылығын көрсетеді.

Тәълим-тарбия жараёнида стратегия асосыда ишлешілдердің учун ўкувчи (талаба)ларга намуна сифатыда күйидегі схема тақдым етілади:

1-тасвир

2-тасвир

3-тасвир

4-тасвир

...

Машкулотта стратегияның күллаш күйидегі тәсілде амалға ошириледі:

Ўқытувчи томонидан топшырып учун мавзу, масала ёки мұаммада тапшынады

Ўкувчи (талаба)ларга бу хәкіда маълумот беріледі

Ўкувчылар берилген топшырып бүйіча ўздары үзлаштырган билимларни мұайян тәсілде тиисимлаштырады, асосий жағдай да түшүнчаларни белгилаб олады

Ўкувчи (талаба)лар белгилаб олинған асосий жағдай да түшүнчаларнинг мазмұны, маъносиғы шархлайды

Шархлар компьютерде “Power Point” дастуры бүйіча слайдларда ақс эттириледі

Тайёрланған слайдлар намойиш күлиниады

Ўкувчи (талаба)лар томонидан индивидуал равишида ёки гурук (жұфтлик) асосыда тайёрланған слайдлар мұхокама күлиниб, якуний хүлесеге көлінеді

Ўкувчи (талаба)ларнинг фаолияты ўқытувчи томонидан бағоланады

## “ЛАБИРИНТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчиларда ўкув ва ҳәёттің фаолиятта учрайдиган түрли қолат вазияттарни түгри бағолаш, улардан чыка олиш, тезлік билан зарур ечимларни топыраштыру күнінкімаларини шакллантириш, фикрлаш қобиляттың ривожлантиришга өрдам беради.

Уни күллашда күйидаги ташкилий вазифалар ҳал қилинади:

Үкитувчи үкүвчи (талаба)лар  
срдамыда стулларни  
жинаштырали

Сұхбат

Шартага сабат ёки туваңда гүлнинг  
жүйилиши жамоада ижобий  
мұхитни хосил қиласы

Машгүлолтарда стратегияның күллаш күйидаги тартибда амалға оширилады:

Үкүвчи (талаба)лар стуллардан үрин олиб, үз хәётларнда рүй берган  
қизык тоқеалар, ҳастий вазияттар ҳақида үзаро сұхбатлашады

Үкитувчи сұхбат жараёнини күзатып бориб, маълум вазиятни танлаб олади ва үкүвчи  
(талаба)ларни ана шу вазиятдан чиқышшынг самарали вұлни толишига үндайды

Үкүвчи (талаба)лар үз хохнишларига күра уч (түрт, беш, олти  
ва ҳ.к.) нафардан иборат кичик гурухларни хосил қиласы

Тоғирикни бажарниш учун вакт ҳажми (10-15 дақықа) белгиланады

Хар бир кичик гурух ғавбат билан муаммоли вазиятнинг  
ечимиге доир қарашларни оғзаки бағын қиласы

Гурухлар үз жавобларини бағын қылғанидан сүнг, муаммоли  
вазият тұғрисида сүз юритған кичик гурух ҳам үз ечимини айтады

Кичик гурухларнинг ечимлари жамоа томонидан мұхокама қилинады

Машгүл жаңуна үкитувчи муаммоли вазиятта үз муносабатини билдириб,  
үкүвчиларга бу каби вазиятлардан чиқып құллардың қозасидан тавсияларни берады

Үкитувчи үкүвчилар фикрларини умумлаштырып, уларнан савол-жавоблардаги  
ишироки, муаммоли савол түзүш маҳоратини гурухли ёки  
якка тартибда бағылаб, машгүлшілдегі якун ясайды


**Изоҳ:** үкитувчи вазиятнинг уч (түрт, беш, олти ва ҳ.к.) ечимларини айтаб,  
улардан бирини танлаштырып, сүнгра нима учун бу вариантни  
таплаганлықтарыннан сабабини сүрайди.

### “ҮҚУВ ЛОЙИҲАСИ” МЕТОДИ

Метод үкүвчи (талаба)лар томонидан индивидуал, гурух ёки жамоа тарзидан  
апиқ белгиланған вакт оралығыда үрганилаёттан мавзу бүйіча ахборотлардың  
йигиш ва тадқик қилинишини таъминлашып хизмат қиласы. Машгүлолтарда  
методдан фойдаланып үкүвчи (талаба)ларда режалаштырыш, қарор қабул  
қилиш, фаолиятни амалға ошириш, маълумотларни қайта текшириш, мавжуд

мълумотларга таянган ҳолда хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш кўникмаларининг шакланишига ёрдам беради. Методни қўллашда ўкувчи (талаба)лар мавзу бўйича янги лойихаларни яратади. Лойихаларни яратишда таклиф этилган жараённинг моҳияти киска, аниқ фикр, белгти, тасвиirlар ёрдамида ифодаланиши талаб этилади.


Методнинг дидактик имкониятлари кўйидагилар билан белгиланади:



### “МАНТИКИЙ ЧАЛКАШ ЗАНЖИР” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантикий жиҳатдан кетма-кетлиқда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзуни ёритувчи мълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Ўкувчи (талаба)ларнинг вазифаси мантикий жиҳатдан нотўғри ифодаланган мълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантикий чалкашликтин тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетлиқда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Машгулотда стратегияни қўллаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:



**Изоҳ: ўқитувчи мустақил ишлашини таъминлаш учун ҳар бир ўқувчига мазмунини бироз ўзгартирган ҳолда алоҳида топшириқ бериши мумкин..**

### **“МУСБАТ, МАНФИЙ, ҚИЗИҚАРЛИ” (ММҚ) СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўқувчи (талаба)ларни мавжуд вазиятнинг барча дегалиларини пухта ўрганиш асосида хулоса чиқаришга одатлантириш орқали онгини бойитиш, тафаккурини қенгайтиришга хизмат қиласди. Таълим жараёнида ММҚ стратегиясини кўллаш ўқувчиларнинг маълум воқелик, ҳодиса ёки жарабоининг барча жиҳатларига эътиборни қартиш, уларнинг салбий жиҳатларни баҳолаш, қизиқарли томонларини аниқлаш ва қенгайтиришга доир кўникма, малакаларини ривожлантиришда самарали саналади. Бунда асосий эътибор мавжуд вазиятнинг барча ижобий жиҳатларини инобатга олишга қаратилади. Ўрганилаётган вазият юзасидан хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш факат у батағсил ўрганиб чиқилғандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Ўқув фанларидан билимларни ўзлаштиришда ММҚ стратегияси кўлланилса, у ҳолда ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш самарадорлиги бир неча марта ошади. Кўп ҳолларда бир қарорга келишини талаб қиладиган вазиятларда ҳам ушбу стратегияни кўллаш максаддага мувофиқдир.

ММҚ стратегияси бир вактнинг ўзида ўқувчи (талаба)лар фаолиятини ўрганиш аа баҳолаш методи ҳам ҳисобланади. Уни кўллаш схемаси кўйидагича:



Таълим жараёнида стратегиядан фойдаланиш муаммони осон, тўлиқ ва батағсил ўрганишга ёрдам беради.

### **“МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки тадқиқ этилаётган муаммо бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, фикрларни далиллар билан исботлаш, уларни химоя қилиш, мантикий хуросаларни илгари суриш кўникмаларини шаклилантиришга хизмат қиласди. У ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)лар ўртасидаги таълимиy ҳамкорликни қарор топширишга ёрдам беради. Машғулотларда стратегияни кўллаш орқали ўқувчи (талаба)лар дарснинг ташкилий жиҳатлари, самарадорлиги хусусида ўз фикрларини баён қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўкувчи (талаба)лар иштирокида стратегияни кўллаш кўйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи ўрганилган мавзу бўйича аниқ муаммоми ташлайди.
2. Ўқувчи (талаба)ларнинг муаммо юзасидан фикр юритишлари учун вакт хажми (6 дақика) белгиланади.
3. Ўқувчи (талаба)лар муаммо юзасидан муроҳада юритади.
4. Белгиланган вакт якунинг еттач, ўқувчи (талаба)лар нахбатма-навбат муаммонинг счими хусусидаги фикрларини билдиради.
5. Жамоа ўқитувчи ёрдамида энг яхши счимни аниклайди.
6. Ўқитувчи машгулотни якунлайди

### “МОДЕЛЛАШТИРИШ” МЕТОДИ

“Моделлаштириш” (“modulus” – ўлчов, меъёр) методи ўқувчи (талаба)ларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантикий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинаётган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида ифодалаш кўнимкамларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Уни кўллаща ташланган обьект моҳияти, муҳим хусусиятлари, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилиади.

Машгулотда методдан фойдаланиш кўйидаги босқичларда амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англаб олади

Ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таинч тушунчаларни ажратади

Таянч тушунчалар ёрдамида умумий модел яратилади

Ҳар бир ўқувчи (талаба) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўтрасида жамоага маълумот беради

Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан таклиф этилган моделнинг мақсадда мувофиқ яратилгандиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятининг очиб берилиши жамоа томонидан муҳокама қилинади

### “МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш оркали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Машгулотлар жараёнида “Муаммоли вазият” стратегиясини кўллаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

Мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни шакллантириш

Муаммоли вазият мазмунни билан ўкувчи (талаба)ларни таништириш

Ўкувчи (талаба)ларни кичик гурӯҳ (жуфтлик)ларга ажратиши

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият счимини топиш бўйича амалий фоилиятнинг ташкини этилиши

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият ўз счимларининг баён қилинниши

Гурӯҳ (жуфтлик)ларнинг счим борасидаги фикрларини умумлаштириш

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан тақдим этилган счимларининг макбуллик даражасини ўрганиш (оммавий муҳокама қилинш, эксперталар муҳокамасидан ўтказиш)

Энг тўғри, макбул счимни аниқлаш

### “МУНОСАБАТ” МЕТОДИ

Технология ўкувчи (талаба)ларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, хаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўкув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича майян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (вокелик, ҳодиса)нинг келиб чикиши сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида ўкувчи (талаба)ларда мустакил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қиласди.

Технология тарбиявий характерга эта бўлиб, ўкувчи (талаба)ларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз keчишлирида ёрдам беради.

**Изоҳ:** 1. “Ақлий ҳужум” вактида гурӯхлар ўқитувчи томонидан баён этилган фикринг учта жихати, омили бўйича ўз мулоҳазаларини эркин баён этади. Ўқитувчи уларни ёзув тахтаси ёки ватман қоғозига ёзиб боради.

2. Топширик бажарилишидан аввал ўқитувчи гурӯхларга ватман қоғозлардаги схемани тўлдириш лозимлигини, унинг тартибини тушунтиради.

3. Кичик гурӯхлар қўйидаги схема асосида топширикларни бажаради:

Муаммо	Муаммонинг келиб чикиши сабаблари	Муаммони ҳал қилиш счимлари	Сизнинг худосангиз

Үйитувчи ўкувчи (талаба)ларни машгулотни ўтказиш тартиби билан таништириди ва бирор фикр (хикматли сўз)ни ўргага ташлайди

Ўйитувчи ўкувчи (талаба)лар ўртасида “Ақлий хужум” ташкил этади

Ўйитувчи ўкувчи (талаба)ларни кичик гурухларга ажратиб, ватман когозларда ифодалантган схеманинг 1-кичик гурухга беради

Гурухлар схема асосида топширикни бажарнига киришади

1-кичик гурух ўйитувчи томонидан тавсия этилган муаммолардан бирин танлаб, уни мухокама қилади на схеманинг 1-бандига мчаммонинг моҳиятини ёзали

Ўйитувчи схеманинг 2-кичик гурухга беради

2-кичик гурух схеманинг 2-бандидаги толширикни бажаради

Ўйитувчи схеманинг 3-кичик гурухга беради

3-кичик гурух схеманинг 3-бандидаги топширикни бажаради

Ўйитувчи схеманинг 4-кичик гурухга беради

4-кичик гурух схеманинг 4-бандидаги топширикни бажаради

Схемада берилган вазифаларнинг барчаси бажарилгач, гурухлар ўз пиларини ҳимоя қилади

Ҳимоя тугаттандан сўнг жамоа ҳар бир гурух ишини мухокама қилади

Жамоа ўйитувчи раҳбарлигига энг яхши фикрни танлаб олади ва ўйитувчи машгулотта якун ясади

## “МУАММО” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларни мавзудан келиб чишиб, турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг тўғри ечимини топиш, муаммо моҳиятини аниклашга доир малакаларни шакллантириш, уни ечишининг айрим усуслари билан таништириш, ечимни топиш учун мос усусларни тўғри танлаш, муаммонинг

келиб чиқиши сабаблари, шуннингдек, ечимни топишга йўналтирилган ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқигини аниклашга ўргатади.

Таълим жараённда стратегияни кўллаш кўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни гурухларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштиридан сўнг, машгулотни ўтказиш қондаси билан танишитиради

Хар бир гурух аъзоси расм ёки матидаги ҳаётни лавҳа бўйича биргаликда аникланган муаммони ватман қоғозларга фломастер ёрдамида ёзди

Берилган вақт ниҳоясига етгач, гурухлар ўз ишларини намойиш қилади

Ўқитувчи гурухлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган холда гурухларга қайта тарқатади

Хар бир гурух аъзоси қоғозларда ёзилган муаммолар орасидан ўзини кизиктирган муаммони тақдаб олиб, уни ўқитувчи томонидан тавсия қилинган жадвалда кайд этади ва таҳлил қилади

Синф (гурух) жамоаси ўқитувчи раҳбарлигига гурухлар ҳамда хар бир ўқувчи (талаба)нинг ишини мухокама қилиб, энг яхши ишини танлайди

Ўқитувчи машгулотта якун ясафди

Изоҳ: 1. Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегияядан фойдаланиш қоидалари билан танишитиришда машгулотнинг босқичли бўлиши, хар бир босқичда ўқувчи (талаба)дан эътиборли бўлиш талаб қилиниши, машгулот давомида улар якка, гурух ва жамоа бўлиб ишлашларига ургу бериб ўтиши лозим. Бундай йўл тутиш ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришга руҳан тайёр бўлишларига ёрдам беради, уларда кизикини уйғотади.

2. Стратегия асосида ишлашда ўқувчи (талаба)лар томонидан машгулот учун тайёланган плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, дарслик, ёрдамчи адабиётлардан бирор бир материални ўрганиб, унда ёритилган муаммоларни аниклади ва уларни хотирада сақлаб қолади ёки дафтарларга белгилаб кўяди.

3. Ўқувчи (талаба)лар топшириқни индивидуал равишда бажаришлари учун ўқитувчи томонидан қўйидаги жадвал тавсия этилади:

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммонинг ечиш йўллари (амалий ҳаракатлар)
1.		
2.		
...		

## “МУЗЁРАР” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларни фаолаштирувчи, маълум фаолиятга жалб килувчи машқ бўлиб, уларнинг ўзаро танишишлари ва жамоада ишчанлик мухитини яратиш мақсадида кўлланади.

Унинг асосий вазифаси ўкувчи (талаба)ни ўзаро мулокотга чорлашдир.

Кўпчилик иотаниш мухит (янги жамоа, синф, мактаб, курс)да ўзини ноқулай сезади ва шу сабабли жамоа билан кўшилиб кетолмайди. Чунки улар хали жамоа, унда карор тоғган мухитдан хабардор эмас. Бу эса уларнинг жамоа аъзолари билан яқиндан муносабатда бўлишлари, мулокотин ташкил этишлари йўлидаги энг жиддий тўсик саналади. Борди-ю, жамоага яқинда келган шахс унинг лоҳа бир нафар аъзоси билан таниш бўлса, бундай ҳолатда унинг янги мухитга мослашиши осон кечади.

Шу боис ўқитувчи (ёки бошловчи) янги шароитда ўкувчи (талаба)ларга ўзларида ишонч ҳиссини юзага келтирадиган дўстона мухитни, бутун диккатни жалб этадиган ёки ижодий кайфиятни ифодалай оладиган вазиятни яратиб бериши керак. “Музёар” стратегияси ана шу мақсадда кўлланилади. Стратегия ўқитувчи ва ўкувчи (талаба)лар ўртасидаги “муз”ни эритиш, “девор”ни ўқотишга хизмат қиласди.

Таълим жараёнида стратегияни кўллаш тартиби кўйидагича:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегиянинг мөхити билан таништиради

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни 6 (7, 8 ёки 9) нафардан  
иборат кичик гурӯх ёки жуфтликларга бирлистиради

Ўқитувчи кичик гурӯх ёки жуфтликларга янги мавзуни ўрганишдан  
аввал унга оид бир неча саволлар билан мурожаат қиласди

Кичик гурӯх ёки жуфтликлар белгиланган муддат (3 дақиқа  
ичи)да берилгандан саволлар бўйича мұхқама ташкил этади

Кичик гурӯх ёки жуфтликлар мұхқама жараёнида саволларга  
кайтгариладиган жавоблар мөхиягини ёритувчи таянч  
тушунчаларни ахратиб, уларни таърифлайди

Изоҳ: Ўкувчи (талаба)лар таърифларни ёзма ҳолда ифодалашлари лозим.

## “МУЛОҚОТ” ТРЕНИНГИ

Тренинг ўкувчи (талаба)ларда дарс жараёнида мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин баён этиш, баҳсолашиб қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласди.

Уни кўллаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни тренингни кўллаш шарти билан таништиради

Ўқувчи (талаба)ларни кичик гурухларга бириншириб, топширик беради

Ҳар бир гурух ўз ечимини жамоа эътиборига хавола қилади

Рақиб жамоанинг топширик юзасидан фикри тингланади

Гурухлар бир-бирларига савол беради

Ўқитувчи ҳар икки томоннинг савол-жавобларини тинглагач, билдирилган фикрларни умумлаштириб, шахсий мулоҳазасини баён қилади

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларнинг саволларига жавоб беради

Ўқитувчи ҳар иккага гурухнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, машғулотни якунлади

**Изоҳ:** Кичик гурухлар топширикни бажариш жараёнида мавзу юзасидан материал, далил, фикрларини тасдиқловчи кўргазмали-дидактик восита, имкони бўлса, видеофильм, мақола, иҳтибос ва бошқаларни тайёрлайди.

### **“МУҚОБИЛ ИМКОНИЯТЛАР ТАНЛОВИ” (МИТ) СТРАТЕГИЯСИ**

Диккатни йўналтиришга ёрдам берадиган ушбу стратегия мавзуларни пухта ўзлаштириш асосида ўқувчи (талаба)ларнинг мантикий фикрлаш кўникмаларига эга бўлишлари учун кенг имконият яратади.

Одатда, ўқувчи (талаба)лар фикрлаш жараёнида далил ҳаракат қилиш ўрнига имкониятларни чамалашга уринади. Кўп ҳолларда ўз имкониятларини ласт баҳолайди. Стратегия ўқувчи (талаба)лар олдидағи ана шундай сунъий тўсиқни бартараф қилиш, далил ҳаракатланишга ёрдам беради. Унга кўра мавзуга оид таянч тушунчалардан бири ажратиб олинади ва гарчи тўғрилигига ишонч ҳосил қилинмаса-да, унга муқобил таърифлар топилади. Муқобил таърифни топиш маълум афзаликларга эга. Зеро, бальзан муқобил таърифлар мавжуд таърифларга нисбатан мавзу моҳиятини аниқроқ, ёрқинроқ ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Стратегиядан фойдаланишда, энг муҳими, кўзланаётган мақсад ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади. Зеро, метод аниқ мақсаддага мувоғиқ кўлланилгандағина самарадорлиги юқори бўлади.

Таълим жараёнида стратегияни кўллаш кўйидагича амалга оширилади:

Үкитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегия мөхияти билан таништыради

Үкитувчи ўкувчи (талаба)ларга мавзуга оид таянч түшүнчалар  
ва уларнинг мүқобилларни топиш вазифасини беради

Ўкувчи (талаба)лар томонидан ифодаланган таянч ва мүкобил түшүнчалар  
үкитувчи томонидан ёзув таҳтаси ёки ватман қозға ёзіб борилади

Таянч ва мүкобил түшүнчалар аниқлаштириб олингач, үкитувчи  
Ўкувчи (талаба)ларни кичик гурӯхларга биректиради

Гурӯхлар таянч. мүкобил түшүнчаларни шаҳхлаб. ёзма холда ифодалайди

Гурӯхлар наебат билан ўз счимларини намойиш килади

Жамоа ўкитувчи ёрдамида гурӯхлар ишини мухокама қилиб, энг яхши ишни ажратади

Ўкитувчи ҳар бир гурӯх ишига баъз бериб, машгулотни якунлади

### “НИМА УЧУН?” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер ўкувчи (талаба)ларда ўрганилаётган муаммо ёки масала  
мөхиятини ёритувчи сабабларни аниқлаш юзасидан мустақил фикрлаш  
қобилиягини шакллантиришга хизмат килади. У ёрдамида ўкувчилар  
муаммонинг счимини топишга тизимли, ижодий ёндашишлари, сабабларни  
таҳдид қила олишлари лозим. Технологияни кўллаш шартлари кўйидагича:

1. Схемада акс этадиган шакл (айланы, түрги түртбұрчақ, квадрат  
ёки учбұрчақ)ларни ўкувчи (талаба)лар мустақил таноайди.
2. Схеманинг тарқибий түзилиши – мұлоҳазалар заңырашининг түрги ёки эгри  
чизикли бұлици хам ўкувчи (талаба)лар томонидан белгиланади.
3. Йуналиш күрсаткычлари ўкувчи (талаба)ларнинг дастлабки  
холатдан счимини топишгача бұлған фаолигиларини ифодалайди

Машғулотларда график органайзерни кўллаш кўйидагича кечади:

Ўкитувчи ўкувчиларни методик мөхияти ва шартлари билан таништыради

Ўкувчи (талаба)лар кичик гурӯхларга биректирилади

Ўкитувчи гурӯхларга мавзу буйнайча маълум топшырыларни беради

Гурӯхлар масаланинг счимини ифодаласи зарур бұлған схемани яратади

Схемада муаммо (ёки масала)нинг юзага келиш сабаблары акс эттирилади

Гурӯхларнинг ишлери жамоада мұхокама киляниб, энг яхши иш аниқланади

Ўкитувчи ҳар бир гурӯх ишига баъз бериб, машгулотни якунлади

## **“НИЛУФАР ГУЛИ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга биринчан тўққизта “тўлбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида исосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Ўкувчиларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлар, исчи моҳиятини таҳдил килиш кўнгламаларини шакллантирувчи технологияни кўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

**Ҳал этилаётган масала аннеклантирилади**

Ўкувчилар топширик мазмунни ва уни сишиб шартлари билан таниширилади

Ўкувчи (талаба)лар кичик гурӯҳ (ёки жуфтлик)ларга биринкирилади

Гурӯҳ (ёки жуфтлик) аъзолари марказий тўртбурчак (квадрат, айланада) исосий муаммо (гоя, вазифа)ни қайд этади

Гурӯҳ (жуфтлик)лар масаланинг ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айланада) атрофида сақкизга шундай кўшимча чизмаларни хосий килади (уларда масаланинг хусусий ечимлари баён этилади)

Кўшимча чизмалардаги гоялар гулиниг “тўлбарглари”га, яъни шундай алоқида маҳмууга олиб чиқади (уларнинг ҳар бирни яна бир муаммо кўринишини олади)

Ёрдамчи чизмалардаги стакчи муаммо (гоя, вазифа) атрофидаги “тўлбарглар”да хусусий масала ва ечимлар акс эттирилади

Ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор тақрорланиши мумкин

Ҳар бир гурӯҳ ёки жуфтликлар топширик юзасидан ўз ечимларини тақдимот тарзида баён этади

Гурухларнинг ечимлари муҳокама қилиниб, энг тўғри вариант аннекланади

Ўқитувчи ҳар бир гурӯҳ ишига баҳо берниб, машгулотни якунлайди

Үкүвчи (талаба)ларга күйидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:

B		
D		
G		

	Z	
B		C
D	A	F
G	H	Y
	H	

		C
		F
		Y

## “ОЛМОС” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технология мавзуга доир тушунчаларни мухимлиги, ахамиятлигига үтүрли даражаларда ифодалашга хизмат қилади. Тушунчалар үзин мухимлиги, ахамиятлилігига күра “Олмос” ёки “Юлдузча” кирил атрофига, шуннаның, “Зина” ҳамда “Нэрвон”та жойлаштырылар мумкун. Энг мухим (асосий, етакчи) тушунчалар “Олмос”, “Юлдузча”нинг ўргасига “Зина”, “Нэрвон”нинг ююри көсмеге жойлаштырилди.

Машгултота технологияны күллаш күйидагича кечади:

Үкитувчи үкүвчи (талаба)ларни жуфтликтарга ажратади

Хар бир жуфтликка мавзуга доир үкүв материалининг 5 (6, 7, 8, 9)га ажратылган кисмлари жойлаштырылған конверт бериліб, улар орасыдан таянч тушунчаларни ажратып вазифасы топширилди

Жуфтликтар топширикни тамомлаганларидан сұнг, үкитувчи үкүвчи (талаба)ларни 6 нафардан иборат аязосын бүлгелерге гурухта ажратади

Гурухдеги хар бир жуфтлик үз счимини қолған иккита гурух аязоларын тушунтырип береди

Гурух ичидеги жуфтликтар үз ишлары билан шерилдерини таништырип бүлгелер, гурух ягона фикр (хулоса)га келади

Хар бир гурух үз хулоасаси билан бошқа гурухларни таништыради

Машгулут якунида гурухлар бир-бирларининг ишларын бағо береди

Үкитувчи жамоа фикрини умумлаштырип, машгулотын якунлайды

## **“РАҚАМЛАР” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ёрдамида бир вактнинг ўзида кўп сонли (20, 30, 40 ва ҳ.к.) ўқувчи (талаба)ларни муайян фаолиятга жалб этиш оркали маълум топширик ёки масалани ҳал этиш, гурухларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниклаш, уларнинг карашларини билиб олиш мумкин. У асосида ташкил этилаётган машгулотда ҳар бирида 4, 5 ёки 6 нафардан иштирокчи бўлган 4, 5 ва 6 та гурух ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни мухокама қиласи.

Машгулотларда стратегияни кўллаш қўйидагича амалга оширилади:

**Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегиядан фойдаланиш ҳоидаси билан таништиради**

**Ўқитувчи ўқувчиларни 4 (5 ёки 6) нафардан гурухларга биринкитиради**

**Белгиланган вакт нихоясига еттач, ўқитувчи гурухларни кайта тузади (кайтадан шаклланган гурухларнинг ҳар бирида аввалги гурухлардан биттадан вакиль бўлади)**

**Янги шаклланган гурух аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) сифатида тақдим этилган хуносани баён этади**

**Янги шаклланган гурухда гурухдошлар баён этилган  
ечимларни биргаликда мухокама қиласи**

**Ўқитувчи савол-жавоблар ёрдамида ўқувчи  
(талаба)ларнинг ўзлаштириш даражасини аниклайди**

**Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларнинг фаолиятига баҳо бериб, машгулотни якунлайди**

## **“РЕЖА” МЕТОДИ**

Метод ўқувчи (талаба)лар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятига ташкил этишга онд режани ишлаб чиқиши кўнікмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. Уни кўллаш ўқувчи (талаба)лардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий гояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёкатига эга бўлишини такозо этади. Метод ўқувчи (талаба)лар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради.

Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик харакатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда кўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишида педагогик вазнат, ўқувчи (талаба)ларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.

Машгулотларда методии кўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Үкитувчи ўкувчи (талаба)ларни методни күллаш тартиби билан таништиради

Үкитувчи ўкувчи (талаба)ларни жуфтлик ёки гурухларга ажратади

Үкитувчи ҳар бир жуфтлик ёки гурухга индивидуал топширик беради

Топширикни бажарыш учун вакт ҳажми (6-10 дақықа) белгиланаади

Белгиланган вакт никоясига еттәч, жуфтлик ёки гурухлар үз ишларинин намойиш килади

Жамоа гурухларнинг аъзоларига саволлар бераб, топширикнинг моҳиятини янада тўлиқ очилишига кўмаклашади

Жамоа ўкитувчи раҳбарлигига жуфтлик ёки гурухлар ишинин баҳолаб, энг яхши ишни ажратади

Ўкитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда голибларни зълон килади ва машгулотни якунлайди

Одатда, таълим ва маънавий-маърифий ишларда метод қўлланилганида ўкувчиларга куйидаги схема асосида фаолият юритиш тавсия қилинади:

1. Ўкув материалини ўзлаштириш бўйича:

№	Бўлим ёки боб номи	Шакли	Кутилаётган самарадорлик	Натижа
1.				
2.				
3.				
...				

2. Маънавий-маърифий ишларни режалаштириш бўйича:

№	Тадбир номи	Шакли	Ўтказилиш муддати	Масъул шахс	Илова
1.					
2.					
3.					
...					

Изоҳ: 1. Ўкувчи (талаба)лар метод билан ишланда схеманинг “Шакли” номли бандида ўкув материалларини ўзлаштириш ёки маънавий-маърифий ишларни ташкил этишида уларнинг моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда куйидаги шаклларни кўрсатишлари мумкни: сухбат, давра сухбати, баҳс-мунозара, мусобака, беллашув, тест, ёзма иш, ижодий ишлар танлови, конференция, семинар, дебат, фестивал, форум ва б.

3. Ўкувчилар мантникй равишида ўкув материалларини ўзлаштириш ёки маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан кўрсатилган шаклларни кўллашдан кутилаётган самараадорликни ҳам асослай олишлари лозим.

4. Шунингдек, улар ўкув материалларини ўзлаштириш ёки маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир шаклларни кўллашнинг натижалари айнан нималарда акс этишини ҳам ифодалай билишлари лозим.

### “РЕЗЮМЕ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)лар томонидан мураккаб, кўп тармоқли ва муаммоли мавзуларнинг самарали ўзлаштирилиши учун хизмат қилади. Унга кўра ўрганилаётган мавзунинг банд ёки бўлимлари бўйича ахборот берилиб, ҳар бири алоҳида таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида ўкув материалининг можиятини ёритувчи асосий тушунча, мухим коидаларнинг мазмунни, илмий билимларни ўзлаштиришдаги аҳамияти, мураккаблик даражаси ва амалий қиймати каби ҳолатларга ўтибор қаратилади.

Бу стратегия ўкувчиларни эркин, мустакил, танқидий фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, изланиш, мавзудан келиб чиқкан ҳолда ўкув муаммосининг ечимини топиш, зарур хуносалар чиқариш, оқилона карорлар қабул қилиш, жамоага самарали таъсир этиш, мавзу бўйича згалланган билимларни бевосита амалда кўллай олишга ўргатади.

Машгулотларда стратегиядан фойдаланиш куйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегия можияти  
ва қўллаш шартлари билан таништиради

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни уларнинг сонига қараб гурухларга ахратади

Ҳар бир гурухга тавсия этилган муаммонинг ечимини топишга оид топширик беради

Топширикни бажариш учун вакт ҳажми (8-10 дакика) белгиланади

Ҳар бир гурух топширикни бажаришда ўқитувчи  
томонидан тақдим этилган схема асосида ити кўради

Белгиланган вакт ниҳоясига етгач, ҳар бир гурухкинг бир нафэр  
възоси топширикнинг ечими бўйича ишланималарни намойин қилади  
(тақдимотда ечимининг “Хуроса” қисми баён этилмайди)

Ўқитувчи бошқа гурухлардан ўз ечимини тақдим этилган гурухнинг  
хуносаси юзасидан фикр билдиришни сўрайди

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларга стратегиядан фойдаланишда куйидаги  
схема асосида иш кўришни тавсия этади:

### Асосий муаммо:

№	Хусусий муаммолар	Ечимлари	Натижа
1.			
2.			
3.			
4.			

Хулоса:

### “РОТАЦИЯ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия мавзуни кичик гурухларда ўрганиш, асосий гояларни ёзма баён этиш, гурухлар томонидан тақдим килинган ишларни жамоа иштирокида таҳлил килиш имконини беради.

Машгулотларда стратегияни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўрганилаётган мавзуга доир топшириклар ёзма равишда баён килинниб, ёзув таҳтасига осиб кўйилади

Ўкувчи (талаба)лар топшириклар сонига кўра гурухларга бириттирилади

Гурухлар ихтиёрий равишда топшириклар пакетини танлаб, топширикни бажаришта киришади

Топширикнинг счими ёзма баён килинади ва гурух ишининг ажратиб олиш осон бўлиши учун пакет устига максус белгилар кўйилади

Топширикнинг счими баён килинган пакетлар гурухлар ўртасида узаро алмаштирилади

Барча топширикларнинг мазмунин гурухлар томонидан ўрганилиб бўлгач, топшириклар пакетлари йигиб олинади ва счимлар умумлаштирилади

Ечимлар жамоада мухокама қилиниб, энг тўғри жавоб танлаб олинади

Ўқитувчи машгулотни якунлайди

### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Метод мавзунинг ўкувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниклашта ёрдам беради. Уни қўллашнинг самараదорлиги савол-жавобларнинг аник, қиска ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараённада методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Ўқитувчи мөхияти ёритилган мавзу юзасидан саволлар тайёрлайди
- Ўқитувчи саволларни ўқувчи (талаба)ларнинг зътиборларига ҳавола этади
- Ўқувчи (талаба)лар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганик даражасини намойиш этади
- Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил килиб, баҳолайди ва машғулотта якун ясайди

### **“САД” ( УЧЛИК – САМАРАЛИ, АХЛОҚИЙ, ДИДЛИ) СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда якка, гурух ва жамоа бўлиб ишлари, ижодкорлик, ташкилотчилик, ишга масъулият билан ёндашиш, бажарилган ишни юксак дид билан тақдим этиш (намойиш килиш) кўнимкаларини ривожлантиришга хизмат килади.

Уни қўллаща ўқувчи (талаба)ларга қўйидаги топширикларни бериш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу мөхиятини жадвал ёрдамида ёритиш

Ўрганилаётган мавзуга доир аннотация тайёрлаш

Ўрганилаётган мавзу мөхиятини ёритувчи илмий деворий газета эскизини тайёрлаш

Ўрганилаётган мавзуга яқин мавзуда ёки уни тўлдирувчи маълумотлар асосида илмий макола ёзиш

Ўрганилаёттан мавзуда ифодаланган жараён, ходиса, буюм ёки предметларнинг макетини тайёрлаш

Ўрганилган боб ёки бўлим мөхиятини ёритувчи анжуман таъкид этиладиган жойни безатиш учун декорациялар тайёрлаш

Ўрганилган мавзу мөхиятини ёритувчи резюмини тақдим этиш

Икебана тайёрлаш

Машғулотларда стратегияни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

**Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегияни  
кўллаш кондаси билан таништиради**

**Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни 4 кинидан  
иборат кичик гурухларга ажратади**

**Ўқитувчи гурухларга турли топшириклар бўйича  
бажарилган бир неча намунавий эскизларни тарқатади**

**Топширикларни бажарниш учун вакт ҳажми (бажариш учун  
25 дакика, тақдим этиш учун 5 (10) дакика) белгиланади**

**Белгиланган вакт никоясига етавч, гурухлар ўз ишларини тақдим этади**

**Тақдимот вақтида гурухлар ўз ишларининг ҳар бир деталини асослайди**

**Гурухлар тақдимоти туғагач, жамоа ўқитувчи раҳбарлигига  
улар изосидан мухокамани ташкил этади**

**Мухокама жараённида ўкувчи (талаба)лар энг сифатли, дидли,  
мазмунан юксак савида бажарилган ишни аниқтайди**

**Ўқитувчининг таклифига кўра ёки жамоа томонидан ташкил этилган  
“Ижодий гурух” ўкувчи (талаба)лар томонидан билдирилган  
фикр-мулоҳаза ва таклифларни ёзув таҳтаси  
ёки ватман қозозига ёзib боради**

**Ўқитувчи жамоанинг фикрига таянган холда энг яхши ишни эълон қилади**

**Ўқитувчи ҳар бир гурух ишини баҳолаб, машгулотни яқунлайди**

**Изоҳ:** кичик гурухларда ўқувчилар рассом, адабий мухаррир ва дизайнер  
(безакчи) ролларни бажаришади. Кичик гурухлар ўрганилган мавзуга доир  
схема, жадвал, слайд, декорация, эскиз ёки икебана тайёрлайди.

### **“СВОТ-ТАҲЛИЛ” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади.  
Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали  
моҳиятни ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш  
имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг кўйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:

C	<input type="checkbox"/>	Кучли (устун) жиҳатлари (ҳал этилаётган мұаммомынға ағзасынан берітіш)
W	<input type="checkbox"/>	Күчсиз (заиф) жиҳатлари (максадға ершиңдегі йүнде ташкил этилаёттан харалаттарға ички омылларының таъсири үрганиш)
O	<input type="checkbox"/>	Имконияттарни чамалаш (белгиланған вазифаларни ҳал этишининг эң мақбул йүлларынан излаш)
T	<input type="checkbox"/>	Таҳлидин үрганиш (максадға ершиңдегі йүнде ташкил этилаёттан харалаттарға ташкил омылларының таъсири аныктасы)

Машғұлотларда стратегияның күллаш тартиби қуйидагича:

Үкітувчи үкувчи (талаба)ларни стратегияның мөхияти билан таништырады

Үкітувчи үкувчи (талаба)ларни кичик гурұхларға ажратады

Гурұхларға бир хил ёки бир неча хил мұаммоми ҳал этиш топширигін берилады

Топширикни бажариш учун вақт ҳажми (6-10 дақықа) белгиланады

Гурұхлар топширикни бажаришта киришлады

Белгиланған вақт никоясига еттач, әр бир гурұхдан 1 нағар вакыл гурұх иши билан жамоаны таништырады

Гурұхарның ишләре үкітувчи ва жамоа томонидан мұхоказа қилинады

Үкітувчи жамоаның фикриға таянған ҳолда эң яхши ишни әзьлон қилады

Үкітувчи әр бир гурұх ишига бақо беріб, машғұлотни якунтайты

**Ізөд:** стратегияның күллаш мұайян қийинчиликтерни көлтириб чиқариш охтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда үкітувчи стратегияның асосий мөхияти ёки бирор босқичини үкувчининг ёшиға мослаб, унға тушуниарлы сұзлар билан ифодалаши (үзгартыриши) мүмкін. Үкітувчи томонидан үкувчи (талаба)ларға стратегияның мөхияти, ағзасынан берілген тапсының түләу түшенишини тағындашып үлесінде оның мөхиятинің түләу түшенишини тағындашып көрсетеді.

## “СЦЕНАРИЙ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технология үкувчи (талаба)ларда индивидуал ва жамоа бўлиб, ижодий фаолиятни ташкил этиш кўнинмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У асосида иш кўриш үкувчи (талаба)ларда маънавий-маърифий тадбирларни

олдиндан режалаштириш, сценарийни тайёрлаш, тадбирни ташкил этиш кўниоми, малакаларини хосил килишга ёрдам беради. Технология ўкувчи (талаба)ларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳим ахамиятга эга.

Машгулот жараённада технологияни кўллаш кўйидаги тартибда кечади:

1. Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни технологиянинг мөхияти билан таништиради.
2. Ҳар бир ўкувчи (талаба) индивидуал ишлаш учун ўқитувчи томонидан тавсия этилган мавзулардан бирини олади.
3. Ҳар бир ўкувчи (талаба) ўзи таниланган мавзу бўйича тадбир ташкил этиш режасини тузади ва у асосида сценарий тайёрлайди.
4. Ҳар бир ўкувчи (талаба) ўзи тузган режа ва тайёрлаган сценарий хакида жамоатга қисқача маълумот беради.
5. Ўкувчи (талаба)лар ўзлари тузган режа, тайёрлаган сценарийларининг мавзуси ва йўналишига кўра кичик гурухларга бирискади.
6. Гурухда ҳар бир аъзо гурухдошларни ўзи тузган режа ва тайёрлаган сценарий мазмунни билан таништиради.
7. Гурух аъзолари ҳар бир иш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.
8. Ҳар бир гурухда биттадан энг яхши режа ва сценарий танлаб олинади.
9. Гурух аъзолари танлаб олинган режа ва сценарийни мазмунан бойитади.
10. Ҳар бир гурух, ўз режа-сценарийлари билан жамоани таништиради.
11. Гурухлар иши юзасидан савол-жавоб ташкил этилади.
12. Жамоа ҳар бир гурух томонидан тақдим этилган режа-сценарийни мудокама қиласади.
13. Ўқитувчи жамоанинг фикрига таянган холда энг яхши режа-сценарийни ёзлон қиласади.
14. Ўқитувчи ҳар бир гурух ишини баҳолаб, машгулотта якун ясади

**Изоҳ:** Режа-сценарий лойиҳасининг намойиши схема ёки томонча шаклид булиши мумкин. Сценарийлар улардан кейинчалик фойдаланиш учун ташкилотчиларга тавсия этилади.

## “СИНКВЕЙН” СТРАТЕГИЯСИ

Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиш ва ёзи асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир ўкувчи (талаба) ва ўкувчи (талаба)лар гурухларининг фикрлаш фаоллигини ошириш уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн стратегиясини кўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг мөхияти билан танилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Синквейн (французча “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синглезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит йоғаларни шакллантириш)га ёрдам берадиган кофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ходиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпландади; ҳар бир ўкувчи (талаба) ушбу маълумотлар йигинидиси (кофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки нуқтai назарлар оркали ифодалаш имкониятига эга

**Синквейн түзиш – мураккаб гоя, сезги ва ҳиссиятларни бир исчада сүз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ аংглашга ёрдам беради**

Синквейн түзиши мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун муайян қондаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн түзиш беш босқичли харакатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:

1-босқич

Мавзу бир сўз билан ифодаланади (одатда от танланади)

2-босқич

Мавзу иккита сифат билан ифодаланади (одатда 2 та сифат танланади)

3-босқич

Мавзу доярасида ташкил этиладиган хатти-харакат учта сўз билан ифодаланади (3 та фель ёки равишдош ёзилади)

4-босқич

Мавзуга нисбатан муносабатни англатадиган тўртта сўздан иборат фикр ёзилади (4 та сўздан иборат жумла ёзилади)

5-босқич

Мавзу моҳиятини тақрорловчи, маъноси унга яқин бўлган битта гап ёзилади (мавзуга доир синонимлар асосида гап ёзилади)

Синквейнлар куйидаги ҳолатларда самарали саналади:

Мураккаб  
ахборотни  
синтезлашда

Ўкувчи талаба(ларининг  
билимларини  
баҳолашда

Ўкувчи (талаба) томонидан  
ижодий ишламаларининг  
такдим этилишида


Синквейнлар самаралидир

### “СКАРАБЕЙ” СТРАТЕГИЯСИ

“Скарабей” (“Қўнғиз”) стратегияси ўқувчи (талаба)ларда мантиқий фикрлаш қобилиятини, хотирани, шунингдек, муайян муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ, эркин ифодалаш малакасини ривожланишига хизмат қиласди. Ўқувчи (талаба) стратегияни кўллаш жараёнида билимларининг сифати, даражасини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тасаввурни кўламини аниклаш имкониятини кўлга киритади. Стратегия, шунингдек, турли гояларни очиқ, эркин, мантиқан ифодалаш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниклашда ҳам самарали саналади.

Унинг ёрдамида ўқувчи (талаба)ларда куйидаги сифатларни шакллантириш, ривожлантиришга эришиш мумкин: мустакил ишлаш; мулокатга эркин кириша олиш; хушиғеъллик, ўзгалар фикрини хурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятининг самарали бўлишига кизикиш; ўз-ўзини баҳолаш.

Стратегиядан дарснинг муайян босқичларида турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Яъни:



Мазкур стратегия ўқувчи томонидан осон қабул килинади. Зеро, у шахсга ос фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

### **“СИНДИКАТ” СТРАТЕГИЯСИ**

“Синдикат” (юонча “биргаликда ҳаракат қилиш”, “маслақдошлиқ”) стратегияси ўқувчи (талаба)ларда мавзу (масала, муаммо)ни ижодий ўрганиш назарий билимларни умумлаштириш, тизимлаш асосида фикрни кисқа ва анибайни килиш кобилятигини тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳар бир гурух ягона топширикни уч хил вариантда ҳал этиши лозим. М ўрганилаётган мавзу моҳиятини 1-гурух схема, 2-гурух кластер, 3-гурух эси жадвал тарзида очиб бериши керак. Гурухлар топширикни бажариб бўлишгач улар томонидан тақдим этилган ечим (ишланма)лар жамоа томонида муҳокама қилинади.

Стратегияни кўллаш тартиби куйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради

Ўқувчи (талаба)лар учта кичик гурухларга бўлинади

Кичик гурухларга топшириклар берилади

Топширикни бажариш учун вақт ҳажми (10-15 дақика) белгиланади

Белгиланган вақт наҳоясига етгач, кичик гурухлар ўз ишларини намойиш этади

Кичик гурухларнинг ишлари жамоа томонидан ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва энг яхши иш аниқланади

Ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни эълон юлади

Ўқитувчи гурухлар ишини баҳолаб, машгулотни яқунлайди

## **“СУХБАТ” МЕТОДИ**

Машгулотда ўқитувчи ва ўкувчи (талаба)лар ўртасидаги диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулокот ташкил этади. Методнинг афзалиги сухбат жараённида ойдинлашимаган масалалар юзасидан күшимчя саволлар бериш, ўкувчи (талаба)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулокотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўкувчи (талаба)лар ўртасида руҳий якиниликни қарор тоғтириб, фаол фикр алмасиши имконини беради.

Методни кўллашда кўйидаги тартибда иш кўрилади:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни метод мөхияти билан таништиради

Ўқитувчи маизу юзасидан ўкувчи (талаба)лар ўзлаштирилпари  
козим бўлган масалаларга онд саволларни ишлаб чиқади

Ўкувчи (талаба)лар саволлар билан таништирилади

Ўкувчи (талаба)лар саволлар юзасидан мулодаза юритиб, масала  
мөхиятини ёритишга киришади (агарда ўкувчи (талаба)ларнинг  
жавоблари коникарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю,  
жавоб коникарли деб топилмаса, у холда ўқитувчи ўкувчи (талаба)га  
айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга  
срдам берадиган күшимчя савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг мөхияти тўла ёритилгач, сухбат жараённага якун ясалади

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машгулотта якун ясайди

## **“СХЕМА” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўрганилаётган мавзу, мухокама қилинаётган масала мөхиятининг асосий хусусият ёки белгиларига мувофиқ схема, тасвир ёки расм орқали ифодаланишини таъминлайди. Уни кўллашда ўкувчи (талаба)дан масалага ижодий ёндалиш тақозо этилади. Топширикни бажариш жараённида ўкувчи (талаба)лар ўрганилаётган мавзу, мухокама қилинаётган масала бўйича ўзлаштирган назарий билимларни ёдга олади, энг мухим хусусият, белгиларни аниклади, уларни умумлаштиради ёки таркибий қисмларга ажратган холда схемани яратади. Ўкувчи (талаба)ларда фикрлаш, ижодкорлик қўнималарини шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу стратегия гояннинг қисқа, аниқ ифодаланиши учун шароит яратади.

Машгулотларда стратегиядан фойдаланиш тартиби кўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегиянинг можияти билан таништиради

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни кичик гурухларга бирдигида

Кичик гурухларга мавзу юзасидан схемаларни яратиш топшириги берилади

Топширикни бажариш учун вақт ҳажми (10-15 дақика) белгиланади

Белгиланган вақт ниҳоясига еттач, гурухлар ўз ишларини намойиш этади

Кичик гурухларнинг ишлари жамоа томонидан ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва энг яхши иш аниқланади

Ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни ълон қиласи

Ўқитувчи кичик гурухлар ишини баҳолаб, машгулотни якунлайди

### “ТАВСИЯНОМА” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда муайян йўналишда ташкил этиладиган педагогик фаолият самарадорлигини таъминлаш юзасидан муайян тавсияларни илгари суриш кўнимасини шакллантиради. Илгари сурилаётган тавсиялар мазмунан масаланинг ечимини топишга ёрдам бериши, илмий жиҳатдан педагогик амалиётга мос келиши лозим.

Уни кўллашда кўйидаги тартибда иш кўрилади:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегиянинг можияти билан таништиради

Ўқитувчи тавсиянома тайёрлаш талаб этилган масалани аниқлаб, бу хақида ўқувчи (талаба)ларга маълумот беради

Ўқувчи (талаба)лар фикрлаш орқали масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиласи

Масаланинг умумий можиятини кайта ёлга олиш орқали унинг мухим жиҳатлари белгиланади

Белгиланган мухим жиҳатларга таянган ҳолда муайян тавсиялар ишлаб чиқилади

Илгари сурилаётган тавсиялар ва уларнинг самарадорлиги мухокама қилинади

Ўқитувчи ва жамоа томонидан якуний холосага келинади

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг ишини баҳолаб, машгулотни якунлайди


Стратегияни кўллашда ўкувчи (талаба)лар гурух (жуфтлик)ларга бирлашган ҳолда ва индивидуал фаолият юритишилари мумкин. Машгулотда ўкувчи (талаба)лар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар умумлаштирилади.

## “ТАНИШУВ” ТРЕНИНГИ

Тренинг ўкувчи (талаба)ларни жамоа бўлиб ёки кичик гурухларга бирлашган ҳолда ишлаш, гурух ёки жамоада самимий, дўстона мухитни хосил қилишга ёрдам беради. У, шунингдек, ҳар бир ўкувчи (талаба)ни фаоллаштириб, тенгдошлари ҳакида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш, шахсий сифатларини ўртоқларида мавжуд хислатлар билан таққослаш, ўзини ва гурух аъзоларини бошқаларга таништириш имкониятини яратади.

“Танишув” тренингини умумий ўрта таълим мактабларининг 1- ва 5-синфлари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртларининг 1-bosқичи, муайян мақсад атрофида бирлашган жамоа шаклланишининг бошлангич даврида, дарсдан ташқари машгулотларда, фан тўғаракларида, болалар оромгоҳларида кўллаш самарали саналади. Шу билан бирга тренинг ўкувчи (талаба)ларга ўзларидаги ижодий қобилиятларни намоён қилиш учун кулагай шароит яратиб бериши билан ҳам бекиёс ахамиятга эга.

Машгулотларда тренингни кўллаш қўйидаги тўрт босқичда кечади:



Изоҳ: гурухларнинг ишлари “Эксперт гурухи” томонидан ҳам баҳоланиши

мумкин. Бунинг учун тайёргарлик боскичида ўкувчи (талаба)лар орасидиң “Эксперт гурухи” учун аъзолар ажратилиди ва ўқитувчи уларнинг вазифасини тушунтириди. “Эксперт гурухи” гурухлар ишни баҳолашада холислики алоқида эътибор берishi зарур.

## “ТАШВИҚОТ ГУРУХИ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўкувчи (талаба)ларда муаммонинг моҳиятини аниклаш, ўғирларини аниқ ва қиска далиллар асосида баён қилиш орқали уларни ишонтириш, муаммонинг моҳияти билан тенгдошларни таништириш (узақ ўртасида мавзу мазмунини тарғиб қилиш) кўнгилмаларнин шакллантиради.

Машгулотларда стратегияни кўллаш тартиби кўйидагича:

Ўқитувчи ўкувчиларни стратегияни кўллаш тартиби билан таништиради

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларнинг эътиборига бир неча муаммолик мавзуларни тақдим этади

Ўкувчи (талаба)лар кичик гурухларга бириттирилади

Кичик гурухлар ўз ихтиёрига кўра биттадан мавзуни танлаб олиб, унинг очимини топиш ва жамоа орасида тарғиб этиш йўлларини излайди

Белгиланган вакт ниҳоясига етга, гурухлар ўз ишларини тарғибот шаклида тақдим этади

Ўқитувчи ўкувчилар билан бирга гурухларнинг чиқишини, южодий фаолиятини мухокама қилиб, якуний хуносага келади ва зарур тавсияларни беради

Ўқитувчи жамоа ёрдамида энг яхши чиқишини аниклаш, уни зылон қиласди

Ўқитувчи кичик гурухларнинг ишларини баҳолаб, машгулостга якун ясалди

**Изоҳ:** 1. Ўқитувчи томонидан ўкувчи (талаба)лар эътиборига ҳавола этилаётган муаммоли мавзу ўкув предмети ёки маънавий-маърифий ишлар йўналишида бўлиши мумкин.

2. Гурухлар чиқишиларнинг қизикарли, адабий жихатдан юкори савиядга, кўргазмали, мусикий характерга эга бўлиши талаб қилинади. Чиқишиларнинг видеофильм, слайд ёки клиплар асосида бўлиши янада таъсиришкан, самаралидир.

3. Ижодий гурухларининг чиқишиларини мухокама қилиш чогида танланган мавзунинг долзарблиги, унинг ёритилиши, мавзуни ёритишга бўлган ижодий ёндашув, жихозлар ва ёрдамчи воситалардан ўринил фойдаланилганлик, чиқишининг тарғибот ғояларига бойлиги, таъсиричанлиги, тарбиявий характерга

әмбилиги каби жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ саналади.

4. Гурухлар чиқишиларни ташкил этиш учун ўзларини таништирувчи белги ёки эмблема, шунингдек, шиор танлашилари ҳам мумкин.

### “ТАКДИМОТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятини компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар мажмуаси ёрдамида очиб берилшини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий гоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўкувчи (талаба)ларда мавзу мазмунини образли, иккит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

Таълим жараённада стратегияни қўллаш тартиби кўйидагичадир:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни кичик гурухларга бириттиради

Кичик гурухларга мавзу юзасидан муайян толшириклар берилади

Толширикли бажарниш учун вакт ҳажми (10-15 дақиқа) белгиланади

Белгиланган вакт низоясига етгач, гурухлар ўз ишларини намойиш этади

Кичик гурукларнинг ишлари жамов томонидан ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва энг яхши иш аниqlанади

Ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни эълон килади

Ўқитувчи кичик гурухлар ишни баҳолаб, машғулотни якунлайди

Изоҳ: 1. Ўқитувчи кичик гурухларга бир ёки бир неча мавзуни тавсия этиши мумкин.

2. Гурухлар гарчи бир мавзу бўйича фаолият кўрсатсалар-да, бироқ, улар толширикни турли (кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм, диаграмма ва б.) шаклларда бажаради. Бу эса ўкувчи (талаба)лар томонидан мавзуни янада чукур ва пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради.

### “ТЕСТ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Тест” (инглизча “синов”, “текшириш”) технологияси шахснинг психолого-физиологик ва шахсий хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти, кобилияти, кўникма ва малакаларини баҳолашга хизмат килади. Технология ўкувчи (талаба)лар томонидан муайян мавзу мазмуни ёки фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниqlашда самарали хисобланади.

**Машғулотларда технологиядан фойдаланиш қўйидагича кечади:**

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни технологиянинг мөхияти билан таништиради

Кичик гурухларга мавзу юзасидан тестлар берилади

Топширикни божариш учун вақт ҳажми (10-15 дакика) белгиланади

Белгиланган вақт ниҳоясига еттач, ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларнинг очимларини таҳлил килиб баҳолайди

Ўқитувчи таҳлил натижаларини ўзлон қиласди

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларнинг жавобларини баҳолаб, машғулотни якуйлади

### **“Т-ЖАДВАЛ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ**

График органайзер таянч тушунчаларни бир-бiri билан ўзарк солишириш, киёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадидек ўллаштирилади. Кўп холларда график органайзер мавзу мазмунидаги ёритиладига бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самараорорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳдимиятини таққослаш мақсадида ўллаштирилади.

Технологияни ўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўкувчи (талаба)лар зътиборига ўрганиладиган мавзу ҳавола этилади

Ўкувчи (талаба)лар ГОНи ўллаш шартлари билан таништирилади

Ўкувчи (талаба)лар гурух (жуфтлик)ларга биринчирилади

Белгиланган вақти ўкувчилар жадвал асосида топшириқда кўра киёслашни амалга оширади (жадвалининг чап ва ўнга томонларида бир-бiriiga зид ҳолатлар кўрсатилади)

Гурух (жуфтлик)лар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро солиширилади

Масаланинг очими бўйича якуний хуносага келингниб, ягона жадвал шакллантирилади

Ўқитувчи жамоа ёрдамида барча ишларни таҳлил килиб, энг яхши ишни анислайди

Ўқитувчи гурух (жуфтлик)ларнинг ишини баҳолаб, машғулотта якун ясайди

Машгулоторда “Т-жадвал” график органайзеридан фойдаланиш учун ўкувчи (талаба)ларнинг эътиборига қуидаги схема тақдим этилади:

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
Афзалиги	Камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

## “ТОИФАЛАШ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер ўкувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзунинг муҳим хусусият, жихатларини аниклаш, маълумотларни умумлаштиришига ўргатади.

Уни кўллашда ўкувчи (талаба)ларда мантикий фикрлаш, муҳим хусусиятларни ёритувчи маълумотларни муайян тизимга келтириш кўнималари шакланади.

График органайзерни кўллашида ўкувчи (талаба)лар қуидагиларга эътиборни қаратади:

Муҳим хусусият (тоифа)ларни ёритишга иисбатан ягона талаб кўйилмайди

Гурухларга бир хил топширик берилганда бир гурухнинг счими иккинчи гурухнинг ечимидан фарқланиши мумкин

! ! !

Ўкувчи (талаба)ларга ўқитувчи томонидан мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятлар хакида маълумот берини мумкин эмас, муҳим хусусиятларни излаш жараёни ҳам уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт

Машгулоторда график органайзердан фойдаланиш тартиби қуидагича:

Ўқитувчи муҳим хусусиятлари белгиланиши лозим бўлган мавзу (масала ёки муаммо)ни аниклаш, ўкувчи (талаба)ларни кичик гурухларга ажратади

Ўкувчи (талаба)лар танланган мавзу (масала, муаммо) ҳамда “Тоифалаш” график органайзерини кўллаш шартлари билан таништирилади

Кичик гурухларга маълум топшириқлар берилади

Кичик гурухлар топшириқини бажаради (мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятларни аниклашиб, уларни жадвал ёрдамида ифодалайди)

Кичик гурухлар ўз ечимларини жамоа эътиборига тақдим этади

Жамоа томонидан кичик гурухларнинг ишлари мухокама қилинади

## “ФСМУ” СТРАТЕГИЯСИ

График организатор үкүвчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мұстакил баён этиш, шахсий мұлоқазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳлашиш қобиляттани шакллантиришпа хизмат килаади.

Үкүвчи (талаба)ларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(Ү)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

Изок: шартли белгилар қуйидаги мазмунни аңглатади:

(Ф) – фикрингизни баён этинг;

(С) – фикрингизни асословчи бирон сабабни күрсатинг;

(М) – күрсатылған сабабнинг асослы эканлигини исбеттөөчи мисол көлтириңг;

(Ү) – фикрингизни умумлаштириңг!

Машгулуттарда график организаторни құллаш қуйидаги тартибда амалта оширилади:

Үкітүвчи график организатор мөхияттани өртіб, үкүвчи (талаба)ларни технологиядан фойдаланып шартлары билан таништырады

Хәр бир үкүвчи (талаба)га график организаторнинг схемасы туширилған көзозлар тақдым этилады

Үкітүвчи үкүвчин (талаба)ларға ушбу схема асосида мавзу мөхияттани өрттешішпа онд топшырылған берады

Үкүвчи (талаба)лар кичик гуруларда топшырылған базарады

Кичик гурулар ўз счимларнин жамоага мәжлүм килаады

Жамоа кичик гуруларнинг счимларнин мұхоказа килаады

Үкітүвчи үкүвчи (талаба)ларнинг машгулут самарадорлғығи юзасидан фикрларини тиянгайды ва машгулутта яқун ясайды

## **“ЧАРХПАЛАК” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўкувчи (талаба)ларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантикий фикрлаш, саволларга мустакил, түгри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириши, ўқитувчи томонидан киска вактда ўкувчи (талаба)ларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўкувчи (талаба)ларда мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустакил, эркин баён килиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гурух ва жамоада ишлиш, бошқалар фикрини хурмат килиш, мавжуд фикрлар орасидан мухимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.

**Машғулотларда стратегияни кўллаш тартиби кўйидагича:**

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегияни кўллаш тартиби билан таништириб, уларни гурухларга ажратади

Гурухларга тарқатмали материаллар ва улар асосида топшириклар берилади

Топширикни бажариш учун вакт ҳажми (10-15 дакика) белгиланади

Аъзолар гурух таркибida индивидуал развиция тарқатмали материалда кўрсатилган вазифани бажаради (бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гурухнинг раками, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди)

Белгиланган вакт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар бошқа гурухлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади

Ҳар бир гурух томонидан янги материал мазмуни ўрганилади ва ўзгартирилади

Белгиланган вакт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар яна бир бор бошқа гурухлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади (гурухлар ўртасида материалларнинг ўзаро алмаштириш уларнинг сонига кўра тақорланади)

Гурухлар (уларнинг ҳар бир аъзоси) ўз счимларини битта қутига йигади

Материаллар сўнгти бор алмаштирилгандан кейин ҳар бир гурух (ҳар бир ўкувчи) ўзи бажарган счимни (гурух раками ва ўзига тешишли белги асосида) танлаб олади

Ҳар бир гурух ва унинг аъзолари ўзларининг счимларини бошқа гурухларнинг ишлари билан таъкослаб, таҳлил қиласди

Ўқитувчи жамоа ёрдамида тўғри жавобларни аниқлайди

Таҳлил асосида ҳар бир гурух ва ўкувчиларнинг фаолияти баҳоланади (бир вактнинг ўзида ўкувчилар ҳам ўз-ўзини баҳолайди)

Стратегиядан барча турдаги ўкув машгүлолтларида, машгүлолтнинг боши ёки охирида, муайян бўлим (боб) якунида, ўтилган мавзуни такрорлаш чоғида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга стратегия ўкувчи (талаба)ларнинг билимларини мустаҳкамлаш, ўрганилган мавзуларнинг ўкувчи (талаба)лар томонидан кай даражада ўзлаштирилганлигини аниклаш ва баҳолашда ҳам самарали сипалади.

## “ЮМАЛОҚЛАНГАН ҚОР” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради, ўкувчи (талаба)ларда гурух ва жуфтликда ишлаш кўнижмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллашда ўкувчи (талаба)лар жуфтлик, гурух ёки жамоа бўлиб ишлари мумкин.

Машгүлолтарда стратегияни қўллаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегияни  
қўллаш тартиби билан таништиради

Ўрганиладиган мавзу ёки мавзулар юзасидан маълум масала танлайади

Ўкувчи (талаба)ларга танланган масаланинг можиҳти тушунтирилади

Ўкувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади (имкон  
ҳадар гуруҳларнинг сони жуфт ракамларни ташкил этиши лозим)

Бажариш учун ҳар бир гурухга биттадан топширик берилади

Гуруҳлар топширикни бажаради

Гуруҳлар топширикни бажариди бўлгач, тартиб ракамларига кўра  
иккни гурух ўзаро бирлашади (ъёни, 1- ва 2-гурух; 3- ва 4-гурух тарзида)

Гуруҳлар топширикни бажаради

Янгидан шаклланган гуруҳларда кичик гуруҳларда  
бажарилган топшириклар ўрганилади

Жамоа катта гуруҳларда ўрганилган масалаларни мухокама қиласди

Топшириклар юзасидан умумий холосага келинади

“Юмалокланган қор” стратегиясидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадиде фойдаланиш самаралидир.

## “ЯЛПИ ФИКРИЙ ҲУЖУМ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир печа ўн (20-60) нафар ўқувчи (талаба)лардан иборат гурухларда кўллаш мумкин. У ўқувчи (талаба)лар томонидан янги гояларнинг ўргага ташланishi учун зарур шароитни яратиб беришга хизмат килади.

Машгулотларда стратегияни кўллаш тартиби кўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегиянинг можияти билан таништиради

Ўқувчи (талаба)лар 5 ёки 6 нафардан иборат кичик гурухларга биринтирилади

Кичик гурухларга амалий ёки ижодий топшириклар берилади

Кичик гурухлар 15 дакика мобайинда топширикларни бажаради

Топшириклар бажарилгач, ҳар бир гурухдан бир нафар вакил ечимлар хакида ахбодот беради

Кичик гурухларнинг ишлари (тогширик ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва жамоа томонидан мухокама килиниб, баҳоланади

Ўқитувчи жамоанинг фикрига таяниб, энг яхши идни ўзлон килади

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ишини баҳолаб, машгулотни якунлайди

### “ҚАНДАЙ?” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ

График органайзер ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муаммо юзасидан умумий тасаввурларни хосил қилишга ёрдам беради. Уни кўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантикий фикрлаш, мавзу можиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга солиш, уларни таҳдил қилиш кўнисмалари шаклланади.

Машгулотларда график органайзерни кўллашда кўйидаги шартларга амал қилинади:

Ўйланган гояларни таҳдил қилмай, баҳоламай, тақоғсламай тез баён этиш керак

Шаклланган диаграмма туғалланмаган бўлиб, унга янги гояларни ёзитиш мумкин

Агарда чизмада савол унинг “шоҳлари”да бир неча бор кайтарилса, унда у бирор мухимликни анилатиб, муаммонинг асосий ечими бўлиши мумкин

Янги гоялар қандай кўринишда бўлмасин юкоридан пастта ёки чапдан ўнга қайд қилиб борилади, буни ўқувчиларнинг ўзларни ҳал этади

Агар ўқувчи (талаба)лар саволларни тўғри қўйиб, масаланинг ривожланиши йўналишини объектив белгилай олсалар, у холда ечим тўғри топилади

! ! !

Таълим жараёнида график органайзерни кўллаш тартиби қўйидагича:

Ўқитуачи ташланган мавзу (масаҳа)ни эълон қилади

Ўқитувчи ўқувчиларни мавзу ва ГОни кўллаш қоидалари билан таништиради

Ўқувчи (талаба)лар кичик гурӯхларга биринкирилади

Кичик гурӯхларга муайян топшириклар берилади

Бептиланган вакт (10-15 дақика) мобайнида гурӯхлар топширикларни бажаради

Жамоа кичик гурӯхларнинг ечимлари билан таништирилади

Жамоа томонидан кичик гурӯхларнинг ишлари муҳокама қилинади

Ўқитувчи жамоанинг фикрига таяниб, энг яхши танини эълон қилади ва машгулотни якунлайди

- Изот:**
1. Янги ғоялар график, кластер, тасвир кўрининцида бўлиши мумкин.
  2. Муаммонинг ечими “Буни қандай бажариш лозим?”, “Қандай йўл тутиш тўғри?” каби саволларига жавоб топиш асосида ҳал қилинади.
  3. Муаммони ечицда “німа қилиш керак”лиги юзасида ўйланиб қолмаслий лозим.
  4. Саволларнинг изчил берилиши мухим аҳамиятта эга.
  5. Методни кўллашда муаммони ечиш йўлларигина изланмай, улардан самарали фойдаланиш чоралари хам ўрганилади.

### “ҚАРАМА-ҚАРШИ МУНОСАБАТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўз моҳиятнга кўра ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган билимларни таҳлил ҳамда синтез қилиш асосида мавзуни ёритицда аҳамиятли бўлган таянч тушунчаларни асосий ва иккинчи даражали сифатида гурӯхларга ажратиш имконини беради.

Ўқувчи (талаба)лар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборига қўйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувоғин:

Таянч тушунчалар:			
№	Мухим тушунчалар	№	Мухим бўлмаган тушунчалар
1.		1.	
2.		2.	
...		...	

Машғулотда стратегияни кўллаш тартиби қўйидагича:

Мавзунинг умумий ғоялари ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади

Таянч тушунчалар мудайян кетма-кетликда кайд этилади

Тушунчалар шахсий ёндашув асосида мухим ва қадар мухим бўлмаган тушунчалар тарзида гурухланади

Жадвал яратилиб, унинг 1-устунига мухим, 2-устунига мухим бўлмаган тушунчалар ёзилади


Кичик гурухлар асосида шахсий ёндашуввлар муҳокама килинади

Жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хуносани ифода этувчи жадвал яратилади

### “ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ” (“ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ”) СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия мудайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, мълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан мудайян хуносаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хуноса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашуввир. У аввалги вазиятларда қабул килинган карорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласди.

Таълимда стратегияни кўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона карор қабул қилиш (хуносага келиш) учун ўқувчи (талаба)лар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади. Унга кўра машғулотларда ўқувчи (талаба)лар кўйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришида ёзув таҳтасидан фойдаланади):



Мазкур стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бевосита маълум лойиха асосида қўлланилади. Лойиха кўйидаги кўринишга эга:

#### Умумий муаммо

1-карор варианти		2-карор варианти		3-карор варианти	
Афзалиги	Камчилиги	Афзалиги	Камчилиги	Афзалиги	Камчилиги

ҚАРОР:

## Стратегия куйидаги шартлар асосида құлланилади:

Машғұлут үкітүвчи әнг аввал мунозара, таҳлил үчүн мавзуга оңды бирор мұаммона белгилайди; гурухлар томонидан қабул қилинган хуоса (карор)ларни өзінш үчүн плакатларни тайёрлайди

Үкітүвчи үківчи (талаба)ларни 4 әки 6 нафардан кичик гурухларға ақратади; мұаммонаң ҳал этиши, оқылона қарор қылыш үчүн аник вақт белгіланади

Қарор қабул қылышда гурухларнинг ҳар бир айзоси билдирилген вариантынға мәкбүл, номакбулиги батағсил мухокама қилиніб, ағзаллары, ағзал засаслығы ёзіб борнады; билдирилген вариантылар асосида мұаммонаң ижобий ҳал этишига ердем берадын усул хакида гурух ақылолари бир тұхтамға келиб олады

Белгіланған вақт тұтагач, ҳар бир гурухнинг лидери гурух қарорнин зылден қылады; билдирилған барча куоса (карор)лар үкітүвчи бошчылығыда үзаро киёсланады

**Изөх:** 1. Муаммо бүйіча билдирилған қарорлар юзасидан саволлар туғилса, уларға жағоб қайтарылади, ноанықларға анықлар кириллады.

2. Агарда барча гурухлар муаммо юзасидан бир хил қарорға келингандай бўлса, үкітүвчи бунинг сабабини изохлади.

## “КОРА ҚУТИ” СТРАТЕГИЯСЫ

Стратегияни құллашдан мәксад үківчи (талаба)лар томонидан мавзуни пухта үзлаштиришга эришиш, уларни фаолдатып, қамкорлықда ишлештегін вазиятни бошқарып, мантиқий фикрларын күнилмаларини шакллантиришдир.

Үндан фойдаланища куйидаги ҳаракатлар таңқилетилади:

1. Үкітүвчи үківчи (талаба)ларни стратегияның мөнінде қылышады.
2. Үківчи (талаба)лар жуфтлик (әки кичик гурух)ларға бириншиллады.
3. Жуфтлик (кичик гурух)ларға мавзу мөнінде өртүвчи асосий түшүнчалар (таянч сұзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва х.к.)ни карточкаларға кайда этиш вазифасы қосылады.
4. Жуфтлик (гурух)лар мұайян вақт оралиғи (10-15 дәқіқа)да топшырылған бажарады
5. Белгіланған вақт инқоясига еттак, үкітүвчи жамоа билан қамкорлықда жуфтлик (гурух)лар томонидан топшырылған бажарылышин текширады.
6. Топшырылған тұтры бажартған үківчи (талаба) үкітүвчи ролини бажарады
7. Жамоа айзелари өзүв тақтасыда кайда этилған фикр (таянч сұзлар, саналар, рақамлар, белгилар)нан маңындарын шаралады.
8. Тұтры жағоб берған үківчи “Үкітүвчи” ролини бажарып, жуфтлик (гурух)ларға мавзу мөнінде өртүвчи схема, жадвал, тасвир яратып вазифасын топшырады.
9. “Үкітүвчи” ролини бажаралған үківчи (талаба)
10. Үкітүвчи барча жуфтлик (гурух)ларнинг ишине бағылаб, машғұлуттың ясулайды

## **“КОРБЎРОН” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия машғулотни ўзаро мусобақа кўринишида ташкил этилишини таъминлайди. Уни кўллашда ўкувчи (талаба)лар мавзу юзасидан тезкор, асосли, тўгри фикрлай олишлари лозим. Стратегияни кўллаш кўйидаги тарзда кечади:

Ўқитувчи муҳокама учун танланган мавзу (масала)ни зълон қиласди

Ўқитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегиянинг мөхияти, шартлари билан таништиради

Ўкувчи (талаба)лар икки гурухга ажратилиди

Ўқитувчи гурухларнинг зътиборига мавзу бўйича тузилган саволларни хавола қиласди

Гурухлар ўқитувчининг саволларига биринчи бўлиб, тўгри жавоб топишга ҳаракат қиласди

Гурухларнинг ҳар бир тўгри жавоби юмалоқланган кор кўринишида уларнинг ҳисобига ёзув тахтасида ёзиб борилади

Барча саволларга жавоб топшигач, гурухлар томонидан тўплланган баллар умумлаштирилади ва голиб жамоа (гурух) аникланади

## **“6Х6Х6” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ёрдамида бир вактнинг ўзида 36 нафар ўкувчи (талаба)ни муайян фаолиятга жалб килиш орқали топшириқ ёки масалани ҳал этиш, гурухларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниклаш, карашларини баҳолаш мумкин. У асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида б 6 нафардан иштирокчи бўлган б 6 та гурух ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қиласди. Белгиланган вакт ниҳоясига етгач, ўқитувчи б 6 та гурухни қайта тузади. Қайтадан ўзакланган гурухларнинг ҳар бирида аввалги б 6 та гурухдан биттадан вакил бўлади. Янги ўзакланган гурух аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гурухи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хulosани баён этиб, ечимларни биргаликса муҳокама қиласди.

Изоҳ: 1. Ўкувчиларни гурухларга бўлишда ўқитувчи кўйидагича йўл тутиши мумкин: б 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (м: кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати акс этган лавҳани кўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варакчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўкувчи (талаба) ўзи танлаган варакчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига кўйилган стулдан жой эгаллади.

2. Ўқитувчи гурухларнинг фаолиятини кузатиб боришда зарур бўлганда уларга маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатади, гурухлар томонидан топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гурухлардан мувозараларни якунлашларини сўрайди.

**Машгүлтларда стратегияни күллаши қўйидаги тартибда ташкил этилади:**

Машгүлтдин олдин 6 та стол атрофиға б тадан стул қўйиб чиқилади

Ўкувчи (талаба)лар ўхитувчи томонидан б та гурухга булиниади

Ўкувчи (талаба)лар жойлашиб олғанларидан сўнг ўқитувчи машгүлот мавзусини эълон килиб, гурухларга муайян топширикларни беради

Маълум вақт белгиланиб, мунозара жарабни ташкил этилади

Ўқитувчи гурухларнинг фаолиятини кузатиб боради

Белгиланган вақт инхоясига еттач, ўқитувчи гурухларни қайтадан шакллантиради

Хар бир янги гурукда аввалги б та гурухнинг ҳар биридан бир нафардан вакил бўлади

Ўқувчилар ўз ўриншарини алмаштириб олғанларидан сўнг белгиланган вақтда аввалги гурухларига топширилган вазифа, унинг ечими тўғрисида гурухдошларига сўзлаб беради

Янгидан шаклланган гурух аввалги гурухлар томонидан кабул килинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни мухокама килиб, якуний хулосага келади

Ўқитувчи жамоа фаолиятини алоҳида ва умумий тарзда баҳолаб, машгүлтни якунлайди

### **“ЗХ4” СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия ўкувчи (талаба)ларни аниқ бир муаммони якка ҳолда фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, гоялар орасидан муҳаммани танлай билиш, бир неча мухим фикрни умумлаштириш, улар асосида муаммо юзасидан аниқ тушунчага ҳосил килиш ва ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади. У ўкувчи (талаба)ларни мустақил фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, фикрларни жамлаб назарий ва амалий тушунчалар ҳосил килиш, жамоага ўз фикрини ўтказиш, ўз фикрини маъқуллаш, муаммони ечиш ва мавзуга умумий тушунча беришда ўрганилган барча мавзулар бўйича эгалланган билимларни амалда кўллашиг ёрдам беради. Стратегия ёрдамида ўкувчи (талаба)лар топширикларни дастлаг индивидуал, сўнгра кичик гурухлар тартибида ёзма шаклда бажаради.

Изоҳ: 1. Гурухлар сонининг тўртта бўлиши стратегия самарадорлигини таъминлайди. Бунда машгүлут зерикарли бўлмайди. Агар гурухлар сони тадан ортиқ бўлса, гурухларни иккита катта гурухларга ажратиш мумкин.

2. Таркатмали материалда кўрсатилган мавзу бўйича 3 та таянч тушунчага (сўз, сўз биримаси ёки 3 та гап) ёзиш талаб этилади.

3. Дастлабки топшириқ бажаrilгач, гурухлар соат мили йўналиши бўйича ўз жойларини ўзgartиради (1-гурух, 2-гурухнинг, 2-гурух 3-гурухнинг, 3-гурух 4-гурухнинг, 4-гурух, 1-гурухнинг ўрнини эгаллайди). Бу холат ҳар бир гурух

ўзининг дастлабки ўрнига етиб келгунга қадар давом этади.

4. Гурухларнинг тақдимотидан сўнг ҳар бир ўқувчи (талаба) ҳам индивидуал равишда ўзининг муаллифлик ишни намойиш қилиши мумкин.

Машгулотда стратегияни қўллаш тартиби қўйидагича:

1. Ўқувчи (талаба)лар уларнинг сонига кўра кичик гурухларга ажратилади.
2. Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни стратегия можияти ва уни қўллаш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир кичик гурухга юқори кисмida ёзуви бўлган қоғозлар тарқатилади.
4. Кичик гурухлар белгиланган вақт мобайнида топширикан бажаради.
5. Топширик бажарилтач, гурухлар соат мили йуналиши бўйича ўз жойларини ўзгартиради.
6. Бир гурухнинг ўринини олган 2-гурух аввали гурухнинг ишини давом этиради (яъни аввали гурух иши билан танишиб, унга учтадан янги фикр ёзиб кўяди).
7. Гурух аъзолари яна бир бор жойларни алмаштиради.
8. Гурухларнинг алмашинуви улар дастлабки ўриналарига қайтиб келгунларича давом этади.
9. Ўз жойларнга қайтиб келган кичик гурухлар тарқатмали материаллар асосида тўплланган барча фикрларни ўрганади ва умумлаштириб, яхлит холатга келтиради.
10. Ҳар бир гурухдан бир нафар вакил чиқиб, гурух ишини тақдим этади.
11. Ўқитувчи гурух (ўқувчилар)нинг ишларини изохлаб, ишланмаларни баҳолайди

### **“ОЛТИТА ФИКРЛОВЧИ ҚАЛПОҚЧА” (“ОЛТИТА ЎҚ”) СТРАТЕГИЯСИ**

Стратегия муайян мавзу (муаммо) юзасидан бир неча, яъни ҳар бир урининша биттадан фикрлаш операциясининг бажарилшини таъминловчи ҳаракат можиятини ифодалайди. Унга кўра ўқувчи (талаба)лар б ҳил рангдаги қалпокларни кийиш орқали фикрлашнинг муайян жараёнларини амалга оширади.

Калпокларнинг ранги қўйидагиларни англатади:

Оқ қалпок	Далил ва рақамларга таънган ҳолда маълумот (ахборот)лар аниқ ифодалаш талаб қилинади
Қизил қалпок	Хиссият, сезги, интуиция асосида муаммони олдицдан ҳис этиш
Қора қалпок	Фикрларни ифодалашда эҳтиёткор бўлиш, далилзарнинг ҳақиқити мос келишини таъминлаш, мулоҳазанинг оқилона бўлиши лозъёлгини ёдда тутиш
Сарик қалпок	Муаммони самарали ҳал этиш Нұлларни излаш, натижаларни кўра олиш, аҳамиятини баҳолади зарур
Яшил қалпок	Ижодий изланиш, турли таскинларни кўриб чиқиш, янги гояларни илгари сурин ва мукобил вариантларни излаш лозим
Кўк қалпок	Фикрларни таҳлил, фикрлаш жараёнини назорат қилиш орқали фикрларни умумлаштириш, якуний қарор қабул қилиш

Фикрловчи қалпокчалардан икки йўл билан: ихтиёрий (2 та қалпокчадан) ва изчил (навбат билан барча қалпокчадан) фойдаланиш мумкин.

## ХОТИМА

Методик күлланмада күрсатыб ўтилганидек, ҳар бир интерфаол метод таълим-тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи (педагог) ва таълим оловчы (ўқувчи, талаба)лар, ўқувчи (талаба) ва ўқувчи (талаба)лар гурухи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона максад сари интилиш, ҳар бир таълим оловчы (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рӯёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълимий ёки тарбиявий максадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишин таъминласа-да, бирок, уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш бўйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчи (педагог)лар интерфаол методларни ташлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага зътибор қаратишлари максадга мувофиқдир. Қолаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги янада ошади, қачонки, уларни кўллашда таълим оловчы (ўқувчи, талаба)ларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёкароц даражаси, хаётий тажрибаларни инобатта одинса. Бу ўқитувчи (педагог)лардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезигрлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Республика узлуксиз таълим тизимиning турли босқичларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог)лардан ҳар бир интерфаол методининг моҳияти, хусусияти, кўлланилиши шартлари билан батафсил танишиб чиқиши, амалий аҳамиятини тўғри баҳолай олиш талаб қилинади. Мазкур кўлланма таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог)лар учун амалий манба бўлиб хизмат қиласди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР:**

1. Букатов В.М., Ершова А.П. Нескучные уроки. Обстоятельное изложение игровых технологий обучения школьников / Пособие для учителей физики, математики, географии, биологии. – Петрозаводск: ПГПИ, 2008. – 188 с.
2. Букатов В.М. Педагогические тайны диадиктических игр / 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Центр инноваций и развития, 2003. – 152 с.
3. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения / Учебное пособие. Под ред. Т.С.Паниной. – 4-е изд., стер. – Москва: Издательский центр “Академия”, 2008. – 176 с.
4. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение / Учебное пособие. – Москва: Издательский центр “Академия”, 2009. – 192 с.
5. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. – Москва: Изд-во МГУ, 2007. – 120 с.
6. Ситуационный анализ или анатомия Кейс-метода / Под ред. Ю.П.Сурнина. – Киев: Центр инноваций и развития, 2002. – 286 с.
7. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. Под ред. Н.В.Бордовской. – 2-е изд., стер. – Москва: КНОРУС, 2011. – 432 с.
8. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе / Учебно-метод. пособие. – Саратов: Издательский центр “Наука”, 2009. – 52 с.
9. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларни татбиқи асослари // “Мактаб ва ҳайёт” журналига илова. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2003. – 32 б.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқи асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 260 б.
11. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: “Фан”, 2005. – 205 б.
12. [http://pedsovet.org/component?option=com\\_mtree/task/viewlink/link\\_id,1733/itemid,118](http://pedsovet.org/component?option=com_mtree/task/viewlink/link_id,1733/itemid,118).
13. <http://planetat.tspu.ru/?ur=810&ur1=863&ur2=1037>.
14. <http://www.bj.pu.ru/method/4-13.html>.
15. <http://www.openclass.ru/communities/6134>.
16. [http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы\\_обучения](http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы_обучения).
17. <http://www.anovikov.ru/artikle/forms.htm>.
18. [http://letopisi.ru/index.php/Интерактивные\\_методы\\_обучения](http://letopisi.ru/index.php/Интерактивные_методы_обучения).
19. <http://paidagogos.com/?p=124>.
20. [http://innarusskova.ru/publ/interaktivnoe\\_obuchenie/1-1-0-6](http://innarusskova.ru/publ/interaktivnoe_obuchenie/1-1-0-6).
21. <http://www.sportedu.by/Student/Student.php?ind=8>.
22. <http://www.emer.kz/activity/obu4enie/maximum.php>.

## ИЛОВА

### ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР АСОСИДАГИ ДАРС ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР ТАРИХ ФАНИ БҮЙИЧА (5-СИНФ УЧУН)

**Дарснинг мавзуси:** Дукчи Эшон кўзголони.

**Дарснинг мақсади:** Дукчи Эшон кўзголони хусусида ўкувчиларга маълумотлар берин асосида уларда ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш.

**Дарс жараёнида куйидаги вазифалар амалга оширилади:**

1. Ўкувчиларга Дукчи Эшон кўзголони, унинг келиб чикиш сабаблари, кўзголоннинг бориши ва якунлари тўғрисида маълумотлар берин.

2. Ўкувчиларнинг мавзуни чукур ўзлаштиришларига эришиш.

3. Ўкувчиларда халқ ўтмиши, миллий қаҳрамонлар хаёти ва фаолиятига нисбатан хурмат уйготиш.

4. Ўкувчиларда ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш.

**Дарс жиҳозлари:** изохли лугат, “Ўзбекистоннинг тарихий шахслари” номли альбом, тасвир, жадвал, адабиётлар.

**Дарс жараёнида кўлланилувчи интерфаол методлар:** сухбат, савол-жавоб, тест, “Қора кути”, “5X5X5” ҳамда “Кластер” технологиялари.

**Дарснинг режаси:**

1. Дукчи Эшон –тарихий шахс ва миллий қаҳрамонлардан бири.

2. Дукчи Эшон кўзголонини келтириб чиқарган сабаблар.

3. Дукчи Эшон кўзголонининг бориши.

4. Кўзголоннинг якуни.

**Дарснинг бориши:**

I. “5X5X5” технологияси ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

Синф ўкувчилари 5 нафардан бўлиб 5 та гурухга бўлинади. Мавзунинг умумий матни 5 қисмга бўлинниб, ҳар бир қисм муайян гурухга берилади ва гурухларга матнни ўрганиб чиқиц вазифаси топширилади. Матн гурухлар томонидан ўрганилгандан сўнг гурухлар қайта ташкил этилади (бу ўринда ҳар бир гурухда аввалги бешта гурухнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гурухлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўкувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни колган ўкувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матни ўкувчилар томонидан ўзлаштирилади.

II. Савол-жавоблар асосида судбат ташкил этиш. Ўкувчиларга куйидаги саволлар берилади:

1. Дукчи Эшон қандай шахс?

2. Дукчи Эшон раҳбарлигидаги кўзголоннинг бошланишига қандай омилилар сабаб бўлди?

3. Дукчи Эшон раҳбарлигидаги кўзголон қачон бошланди?

4. Учбу кўзголон қандай якунланди?

5. Подшо маъмурияти кўзголончиларни қандай жазолади?

### **III. “Қора қутн” технологияси ёрдамида үзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш.**

Технология воситасида күйидаги харакатлар ташкил этилади: ўқувчилар жуфтликка бирикади ва уларга Дүкчи Эшон кўзголонининг моҳиятниң ёрнитувчи асосий саналарни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланиди. Ўқитувчи топширикнинг гурӯҳлар томонидан қандай бажарилганинги текширади, уни тўғри бажарган жуфтликнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва ёзув таҳтасига кўйидаги тарихий саналарни ёзди:

**1887 йил, 1898 йил 11-май, 1898 йил 18-май**

Сўнгра ўқувчилардан ушбу саналар қандай маъно англатишини сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўқувчи “Ўқитувчи” ролини ижро этади ва ўқувчилардан мавзу моҳиятни очиб беришга хизмат қиливчи бешта тушунчани карточкаларга ёзишни сўрайди; ўқитувчи ёрдамида жуфтликлар топширикни қандай бажарганини текширади ва ёзув таҳтасига кўйидаги атамаларни ёзди:

**Муҳаммад Али, Мингтепа, эшон, Андижон, дор**

“Ўқитувчи” ролини бажараётган ўқувчи тенгдошларидан ушбу сўзлар нималарни англатишини сўрайди.

### **IV. “Бешинчиси ортиқча” технологияси ёрдамида үзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.**

Ўқувчиларга кўйидаги вазифани бажариш топшириллади: берилган рўйхатдан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни аннектанг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, харакатларнингиз моҳиятни изоҳланг! Тушунчалар:


**1887 йил, Андижон,  
Муқанна, Мингтепа,  
дор, Муҳаммад Али**

### **V. “Кластер” технологияси ёрдамида үзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.**

Ўқувчилар гурӯҳларга бўлинади ва уларга белгиланган вақт ичидага мавзу бўйича қандай тушунчаларни ўзлаштирган бўлсалар, уларни қогозга ёзиш вазифаси топшириллади. Фикрлар тугагандан сўнг ҳар бир гурӯҳ тушунчаларни мантикий жиҳатдан бир-бирига boglab чиқади (кейинги сахифа).

Вазифани бажариц жараённида фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилигига аҳамият бермаслик, нимакни ўйлаган бўлса, шуни ёзуб бориш талаб этилади. Ёзувнинг техник (орфографик, мантикий ва ҳоказо) жиҳатларига зътибор бермаслик айтиб ўтилади.

Дүкчи Эшон Құзғолони



## **ХУҚУҚ ФАНИ БҮЙИЧА**

**Дарс мавзуси:** Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш давлатнинг устувор вазифаларида бирига айланиши.

**Дарс мақсади:** Фуқароларнинг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятга эга бўлишларининг ижтимоий жамият учун аҳамияти борасида ўқувчиларда тушунчалар хосил қилиш орқали уларда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятга эга бўлиш эҳтиёжини карор топтириш.

**Дарс жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар:**

1. Ўқувчиларни жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантиришга доир давлат сиёсати мазмунидан огоҳ этиш.

2. Ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган хуқуқий маданият ва уни шакллантириш борасидаги қарашлар билан таништириш.

3. Ўқувчиларга “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” тўғрисида маълумотлар бериш.

4. Ўқувчиларга жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантиришининг аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш.

5. Ўқувчиларда хуқуқий онг, унинг можияти ҳамда хусусиятлари тўғрисидаги тушунчаларни хосил қилиш.

6. Ўқувчиларга хуқуқий маданият, унинг можияти, хусусиятлари, таркиб топиш йўллари хусусида батафсил маълумотлар бериш.

7. Ўқувчилар томонидан “қонунийлик”, “хуқуқий тартибот”, “хуқуқий таълим”, “хуқуқий тарбия”, “хуқуқий онг” ва “хуқуқий маданият” тушунчаларининг ўзлаштирилишига эришиш.

**Машғулот мазмуни:**

1. Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги давлат сиёсатининг мазмуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида хуқуқий маданиятни шакллантириш борасида илгари сурилган гоялар.

3. “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” мазмуни.

4. Конунийлик ва хуқуқ тарғиботнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти.

5. Хуқуқий онг ва хуқуқий маданият, уларнинг можияти, хусусиятлари.

6. Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш йўллари ва босқичлари.

**Дарс жараёнида қўлланилувчи метод ва воситалар:** тушунтириш, оғзаки ҳикоя, намойиш этиш, ўқув манбалари ва кўрсатмали қуроллар билан ишлаш, машқ қилдириш, сұхбат, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, техник воситалардан фойдаланиш, дебат, чизмалар, тарқатма материаллар.

**Дарс шакллари:** маъруза, сұхбат, синф-дарс, муаммоли вазиятларни ҳал этиш.

**Усууллар:** нутқ, оёқ-қўл ва гавда ҳаракатларидан унумли фойдаланиш.

**Максаднинг натижаланганлиги:** ўкувчиларда хукукий онг ва хукукий маданиятга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келади, агарда машгулот жараёниде қўйидаги дидактик талабларга амал килинса:

- максаднинг аниқлиги;
- машгулот мазмунининг пухталиги, шакл, метод ва воситалариниң самарали эканлиги;
- машгулот жараёниде техник воситалар хизматидан самаралы фойдаланиш;
- машгулот жараёниде ўкувчилар ёш ва психологик хусусиятларицин ҳисобга олинганлиги, мустақиллигининг таъминланганлиги;
- ўкувчиларнинг машгулотга бўлган ижобий муносабатлари, фаолликлари ва б.

**Назорат ва баҳолаш усуллари:** якка тартибдаги, гурӯхли ва оммави сўровлар, тест асосида ўкувчилар томонидан мавзунинг ўзлаштириш даражасини аниклиши.

**Назорат учун тавсия этиладиган саволлар:**

1. Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни шакллантиришга он, давлат сиёсати мазмунини Сиз қандай тушундингиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгар сурилган “хукукий маданият” тушунчасига муносабат билдиринг.
3. “Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” мазмун нималардан иборат?
4. Хукукий онг нима?
5. Хукукий маданият деганда Сиз нимани тушунасиз?
6. Хукукий онг ва хукукий маданиятни таркиб топтириш йўллари боскичларни айтиб беринг.
7. Қонунийлик нима?
8. “Хукукий тартибот” тушунчаси нимани англатади?
9. Хукукий таълим нима?
10. Хукукий тарбия қандай ташкил этилади?
11. Сиз ўзингизда хукукий маданият унсурлари мавжуд деб ўйлайсизми?
12. Фуқаролар томонидан қонунлари беҳурмат қилинадиган жамия тақдирини Сиз қандай белгиланган бўлардингиз?
13. Юксак даражада хукукий маданиятни иносон бўлиш мумкини?

Ўкувчиларнинг билим, кўнишка, малакалари даражаси улар томониде тайёрланган реферат, ёзма иш, оғзаки журнал, деворий газета, чизма ғашшалар асосида текширилди.

Ўкувчиларнинг мавзуни ўзлаштириш даражаси умумий рейтинг назорат асосида баҳоланади.

## АДАБИЁТ ФАНИ БҮЙИЧА (5-СИНФ)

**Дарснинг мавзуси:** Ў.Хошимовнинг ҳаёти ва ижоди. “Дунёнинг ишлари” асари.

**Дарснинг мақсади:** Ўкувчиларни Ў.Хошимовнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш ҳамда “Дунёнинг ишлари” асарининг мөхиятини ўрганиш.

**Дарс жараёнида кўйидаги вазифалар бажарилади:**

1. Ўкувчиларга Ў.Хошимовнинг ҳаёти ва ижодига оид билимларни бериш.  
2. Ўкувчиларни “Дунёнинг ишлари” асарининг мазмуни билан таништириш.

3. Ўкувчилар томонидан асарнинг мазмуни ва мөхиятининг чукур ўзлаштирилишини таъминлаш.

4. Ўкувчиларда оналарнинг буюк зот эканликлари тўғрисидаги тушунчани карор топтириш.

5. Ўкувчиларда оналарга нисбатан чексиз хурматни уйготиш.

**Дарс жиҳози:** Ў.Хошимовнинг портрети, адаб ижоди хусусида маълумот берувчи жадвал, “Дунёнинг ишлари” асарининг нусхаси.

**Дарс жараёнида кўлланилувчи технологиялар:** сухбат, савол-жавоб, “5X5X5”, “3/3”, “Taфаккур чўққиси”.

**Дарснинг режаси:**

1. Ў.Хошимов – замонавий ўзбек адабиётининг етук намояндадаридан бири.
2. “Дунёнинг ишлари” асарининг асосий гояси.
3. Асарда оналарга хос бўлган фазилатларнинг ёритилиши.

**Дарснинг бериши:**

I. “4X8X4X8” технологияси ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

Синф ўкувчилари 4 нафардан бўлиб 8 та гурухга бўлинади. Мавзунинг умумий матни 8 қисмга бўлиниб, ҳар бир гурухга битта қисм берилади ва матнни ўрганиб чиқиши вазифаси топширилади.

Гурухларга дарслик матнининг кўйидаги қисмлари тавсия этилади:

1-гурухга – Ў.Хошимовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қисм.

2-гурухга – асарнинг “Оқ, ойдин кечалар” номли банди.

3-гурухга – асарнинг “Туш” номли банди.

4-гурухга – асарнинг “Гилам пайпок” номли бандининг 1-ярми.

5-гурухга – асарнинг “Гилам пайпок” номли бандининг 2-ярми.

6-гурухга – асарнинг “Алла” номли бандининг 1-ярми.

7-гурухга – асарнинг “Алла” номли бандининг 2-ярми.

8-гурухга – асарнинг “Илтижо” номли банди.

Матн гурухлар томонидан ўрганилгандан сўнг, гурухлар қайта ташкил этилади (бу ўринда ҳар бир гурухда аввалги бешта гурухнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гурухлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўкувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни гурухдошларига хикоя килиб беради. Шу тарзда мавзунинг умумий матни ўкувчилар томонидан ўзлаштирилади.

II. Савол-жавоблар асосида сухбат ташкил этиши. Ўкувчиларга кўйидаги саволлар берилади:

1. Ў.Хошимовнинг ҳаёти ҳакида нималарни билиб олдингиз?

2. Адіб томонидан қандай асарлар яратылған?
3. “Дүнёнинг ишлари” асар қандай жанрда ёзилған?
4. Асарнинг асосий қаҳрамонлари кимлар?
5. Асарда оналарға хос бўлган қандай фазилатлар ифода этилған?
6. Асар билан танишиш натижасида қандай таассуротларга эга бўлдингиз?

## II. “Қора қуғи” технологияси ёрдамида ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Технология асосида куйидаги харакатлар ташкил этилади: ўкувчилар жуфтликка бирикади ва уларга адіб Ў.Хошимовнинг ҳаёти ҳакида маълумот берадиган тушунчаларни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади. Ўқитувчи топширикнинг гурухлар томонидан қандай бажарилганлигини текширади, уни тўғри бажарган жуфтликнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва ёзув тахтасига куйидаги тарихий саналарни ёзди: 1941 йил, Тошкент шаҳри, Дўмбировод маҳалласи, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутати.

Сўнгра ўкувчилардан бу тушунчалар нимани англатишни сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўкувчи “Ўқитувчи” ролини ижро этади. Навбатдаги босқичда ўкувчилардан адіб томонидан яратылған олтита асарнинг номини карточкаларга ёзиш сўралади. “Ўқитувчи” ролини бажараётган ўкувчи ўқитувчи ёрдамида топширикнинг жуфтликлар қандай бажарганини текширади ва ёзув тахтасига тушунчаларни ёзди: “Бахор қайтмайди”, “Иккى эшник ораси”, “Нур борки, соя бор”, “Тушда кечган умрлар”, “Дүнёнинг ишлари”, “Урушнинг сўнгти курбони”. “Ўқитувчи” ролидаги ўкувчи тенгдошларидан тушунчаларнинг маъносини сўрайди.

## III. “З/З” технологияси ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўкувчиларга куйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан Ў.Хошимов томонидан яратылмаган асар номини аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, харакатларнингиз моҳиятини изоҳланг!

Тушунчалар: “Тушда кечган умрлар”, “Жаннат қилирганлар”, “Уфк”, “Иккى эшник ораси”, “Бахор қайтмайди”, “Ёдгор”.

## IV. “Тафаккур чўққиси” технологияси ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўкувчиларга мавзу юзасидан мантиқий фикрлашни талаб этувчи куйидаги саволлар берилади:

1. Сизлар қандай фикрдасизлар: нима учун асар “Дүнёнинг ишлари” деб номланган?
2. Сизларнинг фикрнингизча, боланинг тушида ўз онасининг чирок кўтариб юрганини кўриши нимани англатади?
3. Айтинглар-чи, алланинг қудрати нимада?
4. Адібнинг “... дунёдаги ҳамма оналар яхши!” деган сўзларининг маъносини қандай изоҳлайсизлар?

## БОТАНИКА ФАНИ БҮЙИЧА (5-СИНФ УЧУН)<sup>4</sup>

**Дарснинг мавзуси:** Хужайра ва унинг таркиби (умумлаштирувчи дарс).

**Дарснинг мақсади:** ўкувчилар томонидан хужайра, унинг тузилиши, таркибий кисмлари, уларнинг вазифаларига доир библиографини мустаҳкамлаш; ноанъянавий методлар ёрдамида уларда мантикий фикрлаш кўнижмаларини ривожлантириш, фан асосларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини, билиш фаолликларини ошириши.

**Дарс жиҳози:** Хужайранинг динамик модели, “Ўсимликлар хужайрасининг тузилиши ва ҳёти” номли диафильм, ўсимликлар хужайраси ва уларнинг моҳияти хусусида ҳикоя қилувчи видеолавҳа. “Хужайра ва унинг таркиби” мавзуси бўйича назорат вараги.

Дарс жараённада ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар:

1. “Хужайра ва унинг таркиби” мавзуси бўйича умумий обзорни ташкил этиш.

2. Ноанъянавий методлар ёрдамида ўкувчилар томонидан “Хужайра ва унинг таркиби” мавзуси бўйича ўзлаштирилган библиографини мустаҳкамлаш.

3. Ўкувчиларни “Хужайра ва унинг таркиби” мавзуси бўйича назорат вараги билан ишлаш қоидалари билан таништириш.

4. Ўкувчиларнинг библиографини умумий тарзда баҳолаш.

**Дарснинг бориши:**

I. Куйидаги саволлар асосида ўкувчилар томонидан “Хужайра ва унинг таркиби” мавзусини ўзлаштириш даражаси аникланади:

1. Ўсимликлар организми нималардан таркиб топган?

2. Ўсимлик хужайраларини қандай асблоблар ёрдамида ўрганиш мумкин?

II. Кичик гурухлар (жуфтлик)да ишлаш.

Ўкувчиларни кичик гурухларга бўлиш асосида фаолият олиб борища “Расмларни жойлаштири!” номли технологиядан фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Машгулотда “Расмларни жойлаштири!” номли технологиясини кўллашда куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Жуфтликларга ўқитувчи томонидан тайёрланган ҳамда ҳар бир карточканинг бир томонига хужайра таркибий кисмларини англатувчи “Хужайра”, “Хужайра қобиги”, “Протопласт”, “Цитоплазма”, “Магиз”, “Вакуол” ва “Пластида” каби сўзлар ёзилган карточкалар тўплами топширилиб, шундай кўрсатмалар берилади:

1. Мавзу юзасидан ўзлаштирилган библиографингизга таяниб тақдим этилган карточкаларни мантикий кетма-кетликда жойлаштиринг.

2. Карточкаларнинг орка томонини ўтиринг ва топшириқни тўғри бажарганилгингизни текширинг (агар вазифа тўғри бажарилган бўлса, ҳар бир карточканинг орка томонида берилган биттадан ҳарф асосида “Ўсимлик” сўзи ўқиласди).

<sup>4</sup> Методик кўллашманинг ушбу бўлимида келтирилган Ботаника, Зоология, “Одам ва унинг саломатлиги”, Физика ва Қимё фанлари бўйича изланмалар педагогика фанлари иомзоди, доцент Г.С.Эргашев томонидан тайёрланган.

Топшириқнинг бажарилиш ҳолатига кўра ўкувчилар “Назорат вараги”нинг биринчи погонасига шахсий фаолиятлари учун баҳо (балл тизимида) кўяди.

**III. Саволларга асосланувчи сұхбатни ташкил этиш.** Мазкур ҳолатда ўкувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинади:

1. Ўсимликлар құжайраси қандай қисмлардан иборәт?
2. Құжайра протопласти қандай қисмлар мажмуайдан ташкил топған?
3. Құжайра қобиги қандай вазифани бажаради?

**IV. “Қора қути” технологияси ёрдамида ўзлаштырылған түшунчаларни мустаҳкамлаш.**

Ушбу технология воситасида жуфтлик асосида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўкувчилар навбат билан “Ўқитувчи” ролини бажаради. Синф тахтасига цитоплазма, магиз, вакуол, пластида, тұқима каби атамалар ёзилади, дастлаб “Ўқитувчи” ролидаги ўкувчи қайд этилған рўйхатта құжайра мөхиятини ёритувчи асосий түшунчалар киритилганин текширади. Сұнгра ўкувчилардан синф тахтасида ўз ифодасини топған атамаларга изох берішини сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўкувчи “Ўқитувчи” ролини бажаради. Ўкувчилар бу босқичдаги фаолиятлари учун хам назорат варагининг иккинчи погонасига ўзлари учун баҳо кўяди.

**Y. “Бешинчиши ортиқча” технологияси ёрдамида мавжуд билімларни мустаҳкамлаш.**

Ўкувчиларға қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилған түшунчалар рўйхатидан мавзуга тааллукли бўлмаган түшунчаларни аникланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, ҳаракатларнинг мөхиятини изоҳланг!

Түшунчалар: нафас олиш, ўсиш, кўпайиш, өзиқланиш, югуриш.

**V. Видеотонншмок.**

Изоҳларсиз құжайраларнинг ўсиши ва бўлиниши ҳақида маълумот берувчи иккита видеолавҳа намойиш этилади.

Ўкувчилар қуйидаги вазифани бажаришлари лозим: ҳар бир лавҳада қандай жараён мөхияти ёритилганин изоҳланг ва жараёнларни босқичмабосқич дафтарга қайд этиб боринг!

Бу босқичдаги фаолият ўкувчилар томонидан қуйидаги саволларга жавоб қайтариш билан якунланади:

1. Құжайралар ўсиш жараённанда қандай ўзгаради?
2. Құжайраларнинг бўлиниш жараённанда магизда қандай ўзгаришлар содир бўлади?

**VI. “Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш” технологияси ёрдамида билімларни мустаҳкамлаш.**

Технологиянинг мөхияти: ўкувчиларга қизил ва рангли карточкалар тарқатилади. Ўқитувчи томонидан берилған саволларнинг ҳар бирига ўкувчилар қизил (тасдик маъносини билдирувчи) ёки яшил (инкор маъносини билдирувчи) рангли карточкаларни кўрсатиш асосида жавоб қайтаради.

Ўқитувчи томонидан қуйидаги саволлар берилиши мумкин:

1. Ўсимликлар құжайралардан таркиб топғаними?
2. Құжайраларнинг шакли ва ҳажми бир хил бўладими?
3. Құжайраларда магиз, цитоплазма, қобик, вакуол каби органоидлар

мавжудми?

4. Хужайраннинг хлоропластларида ёргулук таъсирида фотосинтез жараёни содир бўладими?

5. Цитоплазма хужайрани озиқ модда ҳамда кислород билан таъминлашга хизмат киладими?

6. Хужайра нафас оладими?

7. Тўкима турли вазифаларни бажарувчи хужайраларнинг йигиндисими?

8. Хужайралар бўлинеш йўли билан кўпаядими?

**VIII. “Юмалоқланган кор” технологияси ёрдамида билимларни мустаҳкамлаши.**

Синф ўкувчилари парталар қаторлари бўйича уч гурухга бўлинади. Ҳар бир гурух ўкувчилари турли ўсимлик (помидор, пиёз, чигит ва х.к.)ларнинг тасвири туширилган ва орқа томонида 3 ёки 4 та вазифа ёзилган карточкаларни олади. Биринчи гурух ўкувчилари помидор хужайрасининг тузилиши, иккинчи гурух, ўкувчилари пиёз пўсти хужайрасининг тузилиши, учинчи гурух ўкувчилари эса чигит хужайраси тузилишига оид топширикларни бажаради.

Топширик жуфтлик асосида бажарилади: биринчи саволга биринчи гурухнинг дастлабки жуфтлиги жавоб қайтаради, иккинчи саволга биринчи гурухнинг иккинчи жуфтлиги жавоб қайтаради ва х.к. Фаолият якунида топширикларнинг бажарилини юзасидан умумий холосалар чикарилади.

Карточкаларда қўйидаги саволлар ўз аксини толиши мумкин:

**1-ракамли карточка**

1. Расмда тасвирланган ўсимлик хужайраси бошқа ўсимликларнинг хужайраларидан қандай фарқланади?

2. Хужайра қобиги қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг хужайраси таркибида қандай рангли пластидлар мавжуд?

**2-ракамли карточка**

1. Расмда тасвирланган ўсимлик хужайраси қандай шаклга эга?

2. Хужайра қобиги қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг хужайраси таркибига кирувчи пластидлар қандай рангда бўлади?

**3-ракамли карточка**

1. Расмда тасвирланган ўсимлик хужайрасининг узунлиги неча сантиметргача етади?

2. Хужайра қобиги қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг хужайраси таркибида қандай рангли пластидлар мавжуд?

**IX. “Қарама-қарши муносабат” технологияси асосида ишлани.**

Технология ёрдамида “Хужайра менинг ҳаётимда” ва “Мен хужайралар ҳаётида” мавзуларида матн тузилади. Топширикни бажариш жараёни қўйидагича амалга оширилади:

1. Хужайраларнинг аҳамиятини эсланг!

2. Хужайралар Сизнинг ҳаётингизда қандай рол ўйнайди? (фикрингизни бир неча сўз бирикмалари асосида баён этинг!).

3. Ўйлаган фикрларни кетма-кетликда ёзинг!

4. Қайд этилган фикрлар орасидан ўз нуқтаи назарингизга кўра энг муҳим деб билғанларингизни ажратинг ва қўйида берилган жадвалнинг 1-бандига ёзинг!

5. Иккинчи даражали деб билган гояларни жадвалнинг 2-бандига ёзинг!

№	Хужайра менинг хаётимда	№	Хужайра менинг хаётимда
1.	Хаётмининг асоси	1.	Изланувчи
2.	Озиқ манбай	2.	Табиатнинг кичик бир бўлаги
3.	Атмосферани кислород билан бойитгани	3.	Истеъмолчи
4.	Озиқ-свекат саноати хомашёси	4.	Фойдаланувчи
5.	Ўгит	5.	Яратувчи

6. 4-5 нафар ўкувчи биргаликда шахсий ёндашувни муҳокама қилинг!

Сўнгра синф жамоасининг умумий фикрига кўра синф таҳтасида қуидаги тасвир ифодаланади:

Хужайранинг аҳамияти		
№	Табиатдаги	Инсон хаётидаги
1.	Хаётнинг асоси	Озиқ-овқат маҳсулоти
2.	Кислород манбай	Насл давомчиси
3.	Асосий органик модда манбай	Ишлаб чиқариш хомашёси
4.	Хаётнинг давомийлигини тъминловчи манба	

X. “Заковатли зукко” технологияси ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Тўшиған баллар инебатига кўра машгулот жараёндан фаол иштирок этган ўкувчилар ўз хоҳишларига кўра ўқитувчи томонидан бериладиган қуидаги саволларга киска муддатда жавоб қайтаради:

- 1.Хужайраларни қаерларда учратиш мумкин?
2. Хужайра ким томонидан кашф қилинган?
3. Хужайра қандай асбоблар ёрдамида ўрганилади?
4. Хужайра қандай таркибий кисмларга бўлинади?
5. Хужайрада қандай ҳаётий жараёнлар содир бўлади?
6. Тўқима нима?

XI. Дарсни якуилаш. Балларни ҳисоблаш. Ўз-ўзнии назорат қилиш варагига якуний баллар йигинидисини ёзи.

Назорат вараги

№	Интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилган боекичлар	Баллар миқдори	Шахсий фаолият учун кўйилган баллар
1.	Расмларни жойлаштирип	0 – 3	
2.	Саволларга асосланувчи сухбат	0 – 2	
3.	Қора кути	0 – 5	
4.	Бешинчиси ортиқча	0 – 2	
5.	Видеотопшириқ	0 – 3	
6.	Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш	0 – 8	
7.	Юмалокланган қор	0 – 5	
8.	Қарама-қарши муносабат	0 – 5	
9.	Заковатли зукко	5	


**“Ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши”  
мавзусига оид асосий тушунчалар**

№	Тушунчалар	Тушунча мазмуни	Билимлар ҳажми
1.	Ҳужайралар	Барча ҳаётний жараёнларни ўзида мужассамлангтирган ўсимлик органларининг таркибий бирлиги усулига кўра: автотрофлар, гетеротрофлар (харакатланадиган, харакатланмайдиган)	1.Тузилишига кўра: бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган. 2.Тирик ҳужайрада нафас олиш, озикланиши, ўсиши, кўлпайиш хусусиятларига эга. 3.Ҳужайралар шакли, ранги, йирик-майдалиги, ички тузилиши ва функциясига кўра фарқ қиласди. 4.Кўпайиш усули: бўлиниш йўли билан кўпаяди.
2.	Ҳужайра қобиги	Ҳужайранни ташки томондан ўраб турори ва қалин, пишик, ўтказувчан бўлади	Вазифаси: ҳужайра протопластини ташки таъсирлардан ҳимоя қиласди ва озик моддаларни ўтказиш вазифасини бажаради
3.	Протопласт	Ҳужайра таркибига кирган қисмлар маҳкумаси	У цитоплазма, бир ёки бир неча ҳужайра магизи, пластида ва вакуоллардан ташкил топган
4.	Цитоплазма	Протопластнинг доимий харакатдаги асосий таркибий қисми	Рангига кўра: рангсиз, тиниқ. Ҳолатига кўра: суюқ ёки шилимшиқ. Вазифаси: ҳужайранинг барча қисмларини кислород ва озик-моддалар билан таъминлайди
5.	Магиз	Ҳужайранинг деярли марказида жойлашган таркибий қисм	Шакли, ҳажми, йирик-майдалиги, ёши ва ящаш шароитига кўра турлича бўлади. Вазифаси: ҳужайра бўлинишида катта рол ўйнайди
6.	Пластидалар	Ҳужайранинг факат ўсимликларга хос бўлган асосий таркибий қисмларидан бири	Пластидалар асосан уч хил бўлади: лейкопластлар – рангсиз, хромопластлар – кўнғир-кизил, хлоропластлар – яшил. Пластидалар ўсимлик ва меваларга ранг беради

7.	Вакуол	Цитоплазма ичидаги хужайра шираси билан тұлған пулфакча	Шакли: хар хил. Пулфакчани вакуол қобиги үраб туради. Хужайра шираси таркибига сүв ва унда эритган түрлі моддалар киради, меваларкинг тәъми айнаш шу ширага боғлык.
8.	Тұқима	Түзилишига күра үшінші бүлгап да бир хил вазифаны бажарадынан хужайралар йигиндиси	

Машғұлот якунида синф тахтасыда ўрганилған мавзу мөхияттінің өрнекшілігінде хизмат қылувчы түшүнчалардан иборат күйидеги схема үз ифодасини топады:

### Хужайра ва уннинг таркиби



## **ЗООЛОГИЯ ФАНИ БҮЙИЧА (7-СИНФ УЧУН)**

**Дарснинг мавзуси:** Ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси.

**Дарснинг мақсади:** Ўкувчиларга ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси ҳақида умумий маълумот бериш; ҳайвон ҳамда ўсимлик организмининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш асосида эгаллаган билимларини янада мустаҳкамлаш.

**Дарс жараёнида кўлланилувчи методлар:** анъанавий ва интерфаол методлар.

**Дарснинг режаси:**

1. Ҳайвон организмининг тузилиши.
2. Ҳайвон органлари ва органлар системаси.
3. Ҳайвонлар классификацияси.
4. Ҳайвон ҳамда ўсимлик организмининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

**Дарснинг бориши:**

**I. Дарснинг дастлабки босқичи “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” номли технология асосида ташкил этилади.**

Синф ўкувчилари беш гурухга бўлинади, ҳар бир гурухга ном берилади (номларни ўкувчилар танлайди). Синф тахтаси уч қисмга бўлинади. Биринчи бўлимнинг юқори қисмига “Биламан”, иккинчи бўлимнинг юқори қисмига “Билишни хоҳлайман”, учинчи бўлимнинг юқори қисмига “Билиб олдим” деб ёзик кўйилади.


Сўнгра ўқитувчи ўкувчилардан янги мавзу юзасидан қандай тушунчаларга эга эканликларини сўрайди, улар томонидан баён этилган тушунчалар “Биламан” номли бандга ёзилади. Бу харакат ўкувчилар фикрларини тутаттунларига қадар давом эттирилади. Мазкур жараёнида барча ўкувчиларнинг фаоллиги таъминланishi лозим. Ўкувчилар ниманини ўласалар, шу фикрни (агар у нотўғри бўлса ҳам) айтишлари мумкин. Зеро, машгулот жараёнида ўкувчиларнинг фаолияти чекланмайди. Бундай ёндашув уларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини хосил юлиши зарур.

Ўқитувчи ўкувчилардан янги мавзу юзасидан қандай тушунчаларни ўзлаштиришни хоҳлашларини сўрайди ва уларни яна ўлашга даъват этади. Ўкувчилар томонидан айтилган тушунчалар “Билишни хоҳлайман” номли бандда ўз аксини топади.

Ҳар иккى банд бўйича фаолият якунлангач, ўқитувчи ўкувчиларга “Ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси” мавзусига оид матнни тарқатади. Матн мавзу юзасидан ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган асосий маълумотларидан тузилади. Ўкувчилар матнни ўқиб чиққанларидан сўнг “Янги мавзу бўйича яна нималарни билиб олдим?” деган саволга жавоб топишлари лозим. Ҳар бир гурух ўкувчилари ўзаро фикрлашиб олганларидан сўнг ўзлаштирган янги тушунчаларни баён этади. Улар томонидан қайд этилган тушунчаларни ўқитувчи ёзув тахтасида ўз аксини топган жадвалнинг “Билиб олдим” номли бандига ёзик боради. Намуна сифатида кўйидаги жадвал келтирилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Бош, оёқ, ичак, тери, гүшт, суяқ, ёғ, тұя, оғиз, тиіл, орган, организм, товук, сигир, эчки, күй, нафас олади, товуш чикаради, озикланади	Тузилиши, хужайраси, классификацияси, пайдо бўлиши, парнариш килиши ва кўпайтиришга оид маълумотларни	Ҳайвон хужайраси, унинг тузилиши, ўсимлик хужайраси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ҳайвон организми энтиелий, бириктирувчи, мускул ва нерв тўқималаридан ташкил топганлиги, уларнинг тузилиши, вазифаси, органлар, органлар тизими, классификацияси, Зоология фанни ва унинг ривожланиш тарихига оид маълумотларни


**II. Дарслер билан ишлаш.** Гурухлар умумий мавзу таркибидан ўрин олган кичик мавзулар билан танишиб чиқади. Гурухларга кўйидаги кичик мавзулар берилади:



Хар бир гурухга улар ўзлаштирадиган кичик мавзуларга оид жадвал ёки схемалар тарқатилади. Мисол учун:

1. Ҳайвон хужайраларининг ўсимлик хужайраларига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари (1-тасвир).
2. Ҳайвон тўқималари ва органлари (2-тасвир).
3. Органлар ва органлар системаси (3-тасвир).
4. Ҳайвонлар классификацияси (4-тасвир).
5. Зоология фанининг ривожланиш тарихи (5-тасвир).

1-тасвир



**Хайвон тўқималари ва органлари**

№	Тўқима номи	Вазифаси
1.	Эпителий тўқимаси	Яесси кубсимон ва цилиндрсизмон кужайралардан иборат бўлиб, химоя вазифасини бажаради. Терининг устки қавати ва ичак деворининг ички қисми эпителий тўқимасидан тузилган
2.	Биринчирувчи тўқима	Органлар оралигини тўлдириб туради ва уч хил бўлади: суюк (кон, лимфа, тўқима суюқиги), тигиз (суюк, тогай, пай), говак (паренхима). Вазифаси: органларни боғлаш, кислород ва озиқ маддаларни ташин, тўплаш
3.	Мускул тўқимаси	Кискариш хусусиятга эга толалардан тузилган ва харакатланиш вазифасини бажаради
4.	Нерв тўқимаси	Нерв хужайралари ва кужайра оралиги маддасидан иборат. Бош мия, орка мия, нерв тугунлар шу тўқимадан тузилган. Вазифаси: атроф-мухит ва органлардан келадиган тъсиirlарни қабул қилиш ва ўтиказиш

**Органлар ва органлар системаси****Хайвонлар классификацияси**

### Зоология фанининг ривожланиш тарихи

Жаҳон миқёсида		
Олимлар	Давр	Фанга кўшган ҳиссаси
Арасту (юнон)	эр.ав. I V аср	500 га яқин ҳайвонга таъриф берган
А.Левенгук (голланд)	XVI охири – XVII боси	Ҳайвонлар органларини микроскоп ёрдамида ўрганиш анъанасини бошлиб берган
К.Линней (швед)		Ҳайвонларни тур, уруг, туркум, синфларга ажратган ҳолда ўрганиш таклифини илгари сурган
Ч. Дарвин (инглиз)	1859 йил	Органик оламнинг ривожланиши ҳақидаги таълимотни яратган
	XIX	Ҳайвонларни эмбриологик ривожланиши ва қазилма қолдикларини ўрганицига оид тадқиқотлар амалга оширилган
	XX	Жаҳон оксанни ҳайвонот дунёсини ўрганиши соҳасида самарали тадқиқотлар олиб борилган
Ўзбекистон миқёсида		
Д.Н.Кашкаров	-	Ҳайвонлар экологиясини ўрганиш бўйича илк тадқиқотларни олиб борган
Р.Ф.Боровский, Л.М.Исаев ва б.	-	Марказий Осиё ҳудудида яшовчи паразит ҳайвонларни йўқотиш бўйича тадқиқотлар олиб борган
Т.З.Зохидов, О.Р.Богданов	-	Умуртқали ҳайвонлар, уларнинг ҳаёт тарзи, органларининг тузилиши ва хусусиятларини ўргангандиши
А.Муҳаммадиев, С.Н.Алимухамедов, В.В.Яхонтов, Р.Олимжонов, М.А.Султонов, А.Т.Тўлаганов, Ж.А.Азимов	-	Умурткасиз ҳайвонлар, уларнинг ҳаёт тарзи, органларининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш борасида самарали тадқиқотларни олиб борганлар

Гурухлар ўзларига ажратилган ўкув материали билан танишиб чиқканларидан сўнг гурухларнинг лидерлари жамоани ўрганилган мини мавзуга оид жадвал ёки схеманинг моҳияти билан таништиради. Шу тахлитда янги мавзуга оид билимлар асослари ўзлаштирилади.

## **ОДАМ ВА УНИНГ САЛОМАТЛИГИ ФАНИ БҮЙИЧА (8-СИНФ УЧУН)**

**Дарс мавзуси:** Инсон танасининг тузилиши ва вазифаларининг эволюцион тараққиёти. Ҳужайра ҳақида умумий тушунча.

**Дарснинг мақсади:** ўкувчиларга одам организми ҳужайравий тузилиши ҳақида маълумот бериш орқали уларни ҳужайра органоидларининг тузилиши, вазифалари билан танишириш, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни таққослаш асосида мантиқий тафаккурни ривожлантириш.

**Дарс жараённида кўлланилувчи методлар:** анъанавий ва интерфаол методлар.

**Дарс жадваллари:** ҳужайранинг тузилиши, шакллари ва кўпайишига оид маълумот берадиган, тўқималарни акс эттирадиган тасвирлар.

**Дарснинг режаси:**

1. Инсон танасининг тузилиши ва вазифаларининг эволюцион тараққиёти.
2. Ҳужайранинг тузилиши.
3. Ҳужайранинг кимёвий таркиби.

**Дарснинг бориши:**

I. Саволлар асосидаги сұхбатни ташкил этиш.

Ўкувчиларга кўйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Биз нима учун “Одам ва унинг саломатлиги” фанини ўрганамиз?
2. Инсон организми нималардан тузилган?
3. Инсон организми ҳужайрасининг таркибий тузилмаси хусусида нималарни биласиз?

II. “Зиг-заг” технологияси асосида янги мавзунинг моҳияти очиб берилади.

Синф ўкувчилари 7 та гурухга бўлинниб, гурухлар номланади. Янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн қисмларга ажратилади ва гурухларга муайян қисм мазмунни билан танишиб чиқиш вазифаси топширилади. Гурухлар матнларни диккат билан ўрганиб, мавзу ўзлаштирилади. Топширилган вазифани бажарниш вақтида вақтни тежаш учун ҳар бир гурух ўз лидерини белгилайди. Лидерлар гурух аъзоларига материалнинг моҳиятини тушунтиради (ҳар бир лидернинг фикри гурух аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин). Гурухлар томонидан уларга берилгак матн ўрганилиб бўлингач, матнлар гурухлараро алмаштирилиб, аввалги фаолият тақрорланади.

Гурухларга кўйидаги матнлар тақдим этилади:

**1-матн**

**Ҳужайра ҳақида умумий тушунча**

Ўсимлик, ҳайвон организми ҳужайралардан тузилгани каби одам организми ҳам ҳужайралардан таркиб тонгган. Ҳужайраларни Цитология фани ўрганили. Унинг маълумотларига кўра одам организмидаги таҳминан  $10^{14}-10^{18}$  (оз тройлион ва ундан кўп) ҳужайра бор. Бош мия ярим шарларининг пўстлок қисмидаги ўртача 16 миллиард нерв ҳужайраси мавжуд.

Хужайраларнинг тузилиши микроскоп ёрдамида биринчи бўлиб инглиз физиги Р.Гук томонидан ўрганилган (биринчи микроскоп 1625 йилда Ф.Стеллути томонидан ихтиро килинган).

Электрон микроскопнинг яратилиши хужайранинг илгари маълум бўлмаган қисмларини ўрганишга имкон берди.

Одам организмидаги турли тўқима ва органларнинг хужайралари турлича, яъни шарсизмон, дуссимон, овал, юлдузсимон ва х.к. шаклларда бўлади. Хужайраларнинг ҳажми ҳам турличадир, уларнинг ҳажми 5-10 микрондан 100 микронгacha ва ундан катта бўлиши ҳам мумкин.

### 2-мати Хужайранинг тузилиши

Барча тўқима ва аъзолар хужайраларининг умумий тузилиши ўхшаш бўлади. Хужайра куйидаги уч қисмдан таркиб топади: мембрана (парда), цитоплазма ва ядро.

Хужайра мембраннынг устини қоплаб турадиган юпқа парда бўлиб, оқсили ва ёт (липид)лардан ташкил топган. У хужайраларда моддалар алмашинуви жараёни, яъни хужайранинг озиқ моддалар ва кислород билан таъминланиши, шунингдек, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган захарли чиқиндиларнинг хужайрадан қонга ўтказилишида муҳим аҳамиятта эга. Мембрана хужайра ичи ва ташкарисидаги (хужайраларо) суюкликлардаги ионлар таркибининг мувозанатда бўлишини таъминлайди. Хужайра ичи ва ташкарисидаги суюкликларда ионлар таркибининг ҳар хил бўлиши (хужайра ичидаги суюкликада калий ионлари, ташкарисидаги суюкликада эса натрий ионлари концентрацияси юқори бўлади) хужайрада биологик ток (биоток) ҳосил қиласди. Биоток маҳсус асбоблар ёрдамида аниқланади. Ушбу ҳолат турли тўқима ва органлар фаолиятини ўрганишида муҳим аҳамиятта эга. Хусусан, юрак мускуларининг биотоклари электрокардиограф асбоби ёрдамида маҳсус лентага ёзиб олинади. Ёзув натижаларига кўра мутахассислар юракнинг фаолияти хусусида хулоса чиқариб, касалик турини аниқлайди.

### 3-мати Хужайра цитоплазмаси

Хужайра цитоплазмаси мембраннынг ичидаги жойлашган. Цитоплазмакинг таркиби органик ва анорганик моддалардан иборат. Цитоплазма органоидларига: митохондрия, ички мембрана, лизосома, Гольжи аппарати, рибосома, центрасома кабилар киради. Бу органоидларнинг ҳар бири маҳсус вазифани бажаради. Митохондрия хужайраларнинг энергия станцияси ёки куч берувчи маркази ҳисобланади, яъни, уларда аденоцитривофосфат кислота (АТФ) ва креатинфосфат кислота (КФ) синтез қилинади ва тўпландади. Хужайра қўзғалиб иш бажарганди, ушбу кислоталар парчаланиб, энергия ҳосил қиласди. Рибосомалар хужайрадаги озиқ моддаларни майда заррачаларга бўлади (парчалайди). Шу туфайли улар шартли равишда хужайранинг овқат ҳазм қилиш органи деб

аталади. Центросома ядро якинида жойлашган бўлиб, хужайранинг бўлиннишида муҳим роль ўйнайди. Гольжи аппарати тўрсимон шаклда бўлиб, хужайранинг бўлиннишида, унинг баъзи эскирган қисмларининг янгилинишида иштирок этади.

#### 4-матн

##### Ядро ва унинг вазифаси

Ядро кизил қон танаачаларидан ташқари барча хужайраларда бўлади. У кўйидаги вазифаларни баъзаради:

- 1) хужайрада моддалар алмашинуви ва оқсили синтезни бошгаради;
- 2) хужайрада кетадиган барча физиологик ва морфологик жараёпларни идора қиласди;
- 3) ирсий ахборотларни сақлайди.

Хужайра ядроси кўйидаги таркибий тузилмага эга:



Одамининг соматик хужайраларида 46 та, жинсий хужайраларида эса 23 та хромосома бўлади. Ҳар қайси хромосома таркибида мингтагача ва ундан кам кўпроқ ген бўлади. Хромосома ва генлар хужайранинг насл аппарати хисобланади.

Ташки мухитнинг баъзи заарли омиллари, яъни, радиация, кимёвий ва наркотик моддалар, спиртли ичимликлар, баъзи касаллик қўзғатувчи микроб ва вирусларининг заҳари хужайранинг насл аппарати – хромосома ва генларга таъсири этиб, уларнинг фаолиятини бузади ва турли ирсий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

#### 5-матн

##### Хужайранинг киёвий таркиби

Хужайранинг барча таркибий қисмлари анорганик ва органик моддалардан ташкил топган. Хужайра таркибидаги фосфор, олтингутурт, кальций, калий, натрий, хлор, темир, магний, кремний каби макроэлементлар, йод, мис, кобальт, рух, никел, олтин каби микроэлементлар бўлади. Хужайра таркибининг 70 % дан кўпроғини сув ташкил қиласди ва у ўзининг эритувчанлик хусусияти билан барча ҳаётий жараёпларда иштирок этади. Сув, макро ва микроэлементлар хужайранинг анорганик моддаларидир.

Хужайра таркибидаги органик моддаларга оқсили, ёғ, углевод ва нуклеин кислоталар киради.

Оқсиляр таркибининг асосини углерод, водород, кислород, азот ташкил этади, фосфор, олтингутурт ҳам бўлади. Оқсили хужайранинг кўпайиши ва эскирган қисмларни тикланишида асосий вазифани баъзаради.

Ёглар, асосан, углерод, водород ва кислороддан иборат бўлиб, пластик ва энергетик вазифани бажаради.

Углеводлар хам углерод, водород ва кислороддан ташкил топиб, энергетик ахамиятга эга.

#### 6-матн

##### Хужайранинг бўлининши

Хужайралар икки хил усулда бўлинади: амитоз ва митоз.

Амитоз оддий бўлининш усули бўлиб, бунда хужайра мембранныси, цитоплазма ва ядро иккига бўлинади. Баъзан факат ядронинг ўзи, хромосома хосил қилмасдан бўлинниб, иккита ва кўп ядроли хужайра хосил бўлади.

Амитоз усулида бўлининш сийдик пуфаги, ҳомила устини коплаб турувчи юпқа (амнион) парда хужайралари, шунингдек, вегетатив нерв тугунлари хужайраларида учрайди.

Митоз бўлининшда хужайра мембранныси, цитоплазма ва ядро узунлашиб, ядро таркибида янги хромосомалар хосил бўлади ва иккига бўлинади. Натижада бир хил насл аниаратига эга ёш хужайралар хосил бўлади. Митоз бўлининшда хужайралар сонининг ошиши хисобига ёш организм ўсади ва ривожланади, нобуд бўлган хужайралар ўрнига янгилари хосил бўлади.

Митоз тўхтовсиз кечадиган жараён бўлиб, куйидаги тўрт боскичда давом этади: профаза, метофаза, анафаза ва телофаза. Митознинг давом этиш вақти тўқиманинг тури, организмнинг физиологик ҳолати ва ташки мухит шаронтига кўра турлича бўлади.

#### 7-матн

##### Хужайранинг ҳаётний жараёнлари

Ҳар бир тўқима ва аъзонинг хужайралари маълум вазифаларни бажаришга хизмат қиласди. М: безларнинг хужайраси фермет ёки гормон ишлаб чиқаради. Миянинг хужайраси нерв хужайраларининг таъсирларини қабул этиш, уларни анализ ва синтез килиш, ишчи органларда ҳаракатларни бошқариш вазифасини бажаради.

Хужайраларнинг мўтадил (нормал) яшаси, ўз вазифасини бажариши, кўпайиши учун уларда узлуксиз равишда моддалар алмашинуви амалга ошади. Овқат ҳазм қилиш органларида парчаланиб қонга сўрилган озиқ моддалар хужайраларга ўтади ва бир гурухи хужайра таркибий кисмларининг мунтазам янгиланиб туриши, кўпайиши учун пластик материал сифатида ўзлаштирилади. Қолган кисми эса нафас олиши органларидан келган кислород билан оксидланиб, энергия хосил қилиши хисобига хужайра кўзгалади.

Озиқ моддаларнинг кислород иштироқида оксидланиши ва парчаланиши натижасида хосил бўлган колдик моддалар (карбонад кислота, мочевина-аммиак, сийдик кислота, креатинин, минерал тузлар) хужайрадан қонга ўтади ва айриш органлари орқали ташқарига чиқариб юборилади. Бу жараёнлар Гормонлар ва нерв системаси орқали бошқарилади.

Шу тарзида барча матнлар мазмуни гурухлар томонидан ўрганилиб чиқилгач, ўкувчилар “Хужайра ҳақида умумий тушунчча” мавзуси бўйича асосий тушунча (элемент)ларни ажратади, тушунчаларнинг ўзаро мантикий

боғликларини аниклади, илгари сурялган гоялар асосида мавзуга оид схемани тайёрлайди. Куйида намуна сифатида “Цитоплазма органоидлари” номли схема келтирилди (1- ва 2-тасвирлар):

1-тасвир

### Цитоплазма органоидлари



2-тасвир

### Хужайранинг кимёвий таркиби



Дастаның үйрекчилерінде оның өзінен жасалған схема дастандағы әтиледі. Сондайда үзлаштырылған билимдер асосида дастаның үйрекчилерінде шундай схемаларни дастандағы өзінен жасалған схема дастандағы әтиледі.

## БИОЛОГИЯ ФАНИ БҮЙИЧА (9-СИНФ УЧУН)

Дарс мавзуси: Эукариот хужайра.

Дарснинг макеади: ўкувчиларнинг инсон организмининг хужайравий тузилишига оид билимларини умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.


Дарс жараённада қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар.

Дарс жихозлари: микроскоп, ўсимлик, ҳайвон ва инсон организми хужайраларининг микропрепаратлари, ўкув фильмлари, жадваллар.

Дарснинг бориши:

I. “Вени диаграммаси” технологиясини қўллаш асосида ўзлаштирилган билимларини мустаҳкамлаш.

Синф ўкувчилари тўрт гурухга ажратилиб, гурухлар номланади. Синф тахтасига куйидаги тартибда учта доира чизилади:



Гурухларга куйидаги топшириклар берилади:

1-гурух ўсимлик ва ҳайвон хужайраси тузилишидаги ўхшаш ва фаркли жиҳатларни таққослайди. Ўсимлик хужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 1-қисмига, ҳайвон хужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 2-қисмига ва ҳар иккала организмда учрайдиган органоидлар 1-ва 2-диаграммаларининг кесишмасидан хосил бўлган қисмига ёзилади.

2-гурух ҳайвон ва одам хужайрасининг тузилишини таққослайди ва диаграмманинг 1-қисмга ҳайвон хужайрасигагина хос бўлган органоидлар, 2-қисмга одам хужайрасигагина хос бўлган органоидлар, ҳар иккала организм хужайрасига хос бўлган органоидлар эса 1- ва 2-қисмлар кесишмасига ёзилади.

3-гурух одам ва ўсимлик хужайралари ўртасидаги ўхшаш ва фаркли жиҳатларни топишга харакат килади; одам хужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 1-қисмига, ўсимлик хужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 2-қисмига, ҳар икки организмга хос бўлган органоидлар эса 1- ва 2-қисмлар кесишгган жойга ёзилади.

4-гурух ҳар учта доира кесишмасидан хосил бўлган марказий қисмга ўсимлик, ҳайвон ва одам организми хужайрасига хос бўлган органоидларни ёзади.

Гурухлар томонидан вазифа бажарилиб бўлингач, лидерлар таъланади. Лидерлар гурух аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс эттирилган диаграммани тўлдиради.

## II. Дарслік билан ишлаш.

Үқувчилар дарслікдан құжайра органоидлари ва уларнинг вазифаларига сoid маълумот берадиган матинни диктат билан ўрганади. Умумий матиннинг таркийи кисмлари, улар ўртасидаги ўзаро бөгликтікни анықладаб умумлаштиради (яғни моделлаштиради).

Хар бир гурухнинг аъзолари ўзаро кенгашыб, ўкув материалини моделлаштиради. Моделлаштиришда уларнинг бу жараёнга нисбатан ижоди ёндашувлари, мавзу моҳиятини очиб берадиган зоссий түшунчаларни қаі даражада ўзлаштирганлар, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бөгликтікни англай олишлари мухим аҳамият касб этади. Гурухлар томонидан яратылган моделлар мавзуннинг пухта ўзлаштирилғанлыгигин күрсатувчи мухим омиллардан бири сифатида намёби бўлади. Мисол учун:



Фаолиятига кўра гурухлар рагбатлантирилади. Кейинги боскичда дастла хар бир гурухда, кейин эса барча гурухлар томонидан билдирилган фикрлек умумлаштирилади.

## ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА (9-СИНФ)

**Дарс мавзуси:** Ёргулкнинг кимёвий ва биологик таъсири. Фотографи. Фотосинтез ва унинг аҳамияти.

**Дарснинг мақсади:** ўкувчиларга ёргулкнинг кимёвий ва биологик таъсиrlари, фотография, фотосинтез ҳодисаси, унинг аҳамиятига оғабилимларни бериш, мавжуд билимларни мустахкамлаши.

**Дарс жараёнда қўлланилувчи методлар:** анъанавий ва интерфас методлар.

**Дарс жиҳозлари:** ёргулкнинг кимёвий ва биологик аҳамияти ҳамда фотосинтез жараёнининг моҳиятини ёритувчи кўргазмали куроллар.

**Дарснинг бориши:**

**I. Саволлар асосида сұхбат ташкил этиш.**

Ўқувчиларга кўйидаги саволлар берилади:

1. Ёргулкнинг табиатдаги аҳамияти қандай?

2. Фотосинтез нима?

3. Фотоминтез қаерда ва қачон содир бўлади?

**II. "Инсерт" технологияси асосида билимларни мустаҳкамлаш.**

Ўқувчилар гурухларга бўлинib, гурухлар номланади. Ўқитувчи ҳар бир гурухдан мавзуга оид иккитадан фикр билдиришини сўрайди. Гурухлар наебати билан фикр билдиради (бу жараёнда гурухнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ). Баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзилади. Фаолият якунлангач, ўқитувчи "Ёргулкнинг кимёвий ва биологик тасири. Фотография. Фотосинтез ва унинг аҳамияти" мавзусини ёритишга хизмат киладиган матнни ўқувчиларга тарқатади. Сўнгра шундай топширик берилади:

1. Матн билан танишиб чиқинг!

2. Матннинг ҳар бир категорига кўйидаги белгиларни кўйиб чиқинг:

Z – матнда гурухлар томонидан билдирилган фикр ўз аксини топган бўлса;

S – матнда гурухлар томонидан билдирилмаган фикр ёритилган бўлса;

D – матнда бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлса;

? – матн билан танишища тушунмовчиликлар юзага келса.

Сўнгра гурух аъзолари шахсий қарашларини ўзаро ўртоқлашиб, гурух бўйича белгилар сони умумлаштирилади. Лидерлар бошчилигига ҳар бир белгининг миқдори баён этилади ва изоҳланади. Ўқитувчи гурухлар томонидан кайд этилган сонларни уларнинг номлари ёзилган устунига ёзib боради. Чунончи:

№	Илғорлар	Лидерлар	Бинафша	Юлдузлар	Зукколар
1.	12	12	12	11	12
2.	18	20	6	10	15
3.	1	4	1	-	3
4.	3	1	-	-	-

Ўқитувчи ҳар бир гурух лидери фикрини тугатгач, юзага келган қарама-кашилик, тушунмовчиликларнинг ўқувчилар томонидан тўғри ҳал этишлиши ва тўғри тушуниб олишларига ёрдам беради.

Шундан сўнг, гурухлар дарсликда берилган матн билан танишиб чиқиб, асосий тушунчаларни ажратади ва улар ўртасидаги мантикий муносабатларни очиб беришга ҳаракат киласи (моделлаштириади). Гурухлар томонидан илгари сурилган фикрлар умумлаштирилиб, лидерлар томонидан синф жамоасига етказилади.

## КИМЁ ФАНИ БҮЙИЧА (8- СИНФ УЧУН)

Дарс мавзуи: Табиатда азот. Табиатда азотнинг айланиши.

Дарснинг мақсади: ўкувчиларга азотнинг табиатдаги аҳамияти, айланиш жараёнлари моҳният хусусида маълумотлар бериш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар.

Дарс жизоzlари: азотнинг табиатда айланиши ва аҳамиятини ёритувчи кўргазмали куроллар.

Дарснинг бориши:

I. Саволлар асосида ташкил этилувчи сұхбат.

Ўкувчиларга қўйидаги саволлар берилади:

1. Азот қандай физик, биологик ва кимёвий хоссаларга эга?
2. Табиатда азотнинг қандай биринчалари мавжуд?

II. “Биламан. Билишини хоҳлайман. Билиб олдим” номли технологияси ёрдамида билимларни мустаҳкамлаши.

Синф ўкувчилари бешта гурухга бўлниб, гурухлар номланади. Ёзув таҳтаси уч қисмга ажратилади. Биринчи банднинг юқори қисмига “Биламан”, иккинчи банднинг юқори қисмига “Билишини хоҳлайман”, учинчи банднинг юқори қисмига эса “Билиб олдим” деган сўзлар ёзилади.

Сўнгра ўқитувчи ўкувчилардан мавзу юзасидан қандай маълумотларга эгаликларини сўрайди ва билдирилган фикрларни “Биламан” номли бандга ёзиб кўяди. Бу ҳаракат гурухлар томонидан фикрлар тўла баён этилунга қадар давом этади. Мазкур жараёнда гурухларнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларига аҳамият бериш зарур. Ўкувчилар томонидан билдирилаётган нотўғри фикрлар хам инкор этилмаслиги зарур (зоро, бундай ҳаракат ўкувчиларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади).

Кейинги босқичда ўқитувчи ўкувчилардан янги мавзу бўйича қандай маълумотларни ўзлаштириш истагида эканликларини сўрайди ва ўкувчиларни яна йлашга даъват этади. Гурухлардан навбати билан фикр сўралади. Ўкувчилар томонидан билдирилган фикрлар “Билишини хоҳлайман” номли устунга ёзиб борилади.

Сўнгти босқичда ўкувчиларга “Табиатда азот. Табиатда азотнинг айланиши” мавзусига оид матнлар тарқатилади. Ушбу матн мавзу бўйича энг асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Ўкувчилар матн билан танишиб чиқиб, мушоҳада килиш асосида мавзуга оид яна қандай маълумотларни ўзлаштирганларини аниқлашлари лозим. Улар ўз хулосалари асосида фикрларини баён этади, бу фикрлар “Билиб олдим” номли устунга ёзиб борилади.

Бу жараён ўкувчиларнинг фан асосларини қай даражада пухта ўзлаштирганларига оид маълумотларга эга бўлиш, уларнинг ўз-ўзини назорат килишларини таъминлашга имконият яратади.

Намуна сифатида қўйидаги жадвал келтириллади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Табиатда азотнинг 2 та изотопи учрайди; аммиак, нитрат кислота, азот бирикмалари, азот оксидлари; дуккакли ўсимликларда азотни ўзлаштирувчи азот бактериялар бўлади; азот ўсимликларнинг ўсишига ёрдам беради; ҳаво таркибида 78 %, одам танасида эса 3 % азот бўлади	Табиатда айланиш жараёни, табиатдаги аҳамияти, ўсимликларнинг азотни ўзлаштириш жараёни, амалий жиҳатдан фойдаланиш, инсон организмига таъсирига оид маълумотларни	Ўсимлик ва ҳайвонлар азотни эркин ўзлаштира олмасликлари, ўсимликлар азотни $\text{NH}_4$ ва $\text{NO}_3$ , ҳолида ўзлаштиришлари, чақмоқнинг тупрокни азот билан бойитишдаги роли, ҳайвонлар ўсимликларни, инсон эса ўсимлик ва ҳайвонларни истеъмол килиш орқали азотни ўзлаштириши, азотнинг табиатдаги айланиси, табиат ва инсон ҳайдидаги аҳамиятига оид маълумотларни

### III. Дарслик билан ишлаш асосида билимларни мустаҳкамлаш.

Ўкувчилар тўрт гурухга бўлиниб, ҳар бир гурухга мавзу юзасидан турли кичик матнлар берилади.


1-гурухга матннинг 1-абзаци; 2-гурухга 2- ва 3-абзацлар; 3-гурухга 4- ва 5-абзацлар ҳамда 4-гурухга матннинг кояган қисми.


Гурухларга улар томонидан ўрганилган ўкув материалини лойихалаш вазифаси юклатилади.

Гурухлар матн билан танишиб, мазмунини гурухда муҳокама килади, фикрлар алмашилади, умумлаштиради. Умумлаштирилган фикрлар лидерлар томонидан жамоага етказилади.

Куйида мавзу матннинг 1-қисми бўйича 1-гурух томонидан тайёрланниши лозим бўлган лойихалардан намуналар келтириллади (1- ва 2-тасвир).

1-тасвир





## МУНДАРИЖА

I БҮЛІМ.	СҮЗ БОШИ.....	3
	ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	4
II БҮЛІМ.	Интерфаол таълим ва унинг дидактик имкониятлари.....	-
	ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ КЎЛДАНИЛИШИ.....	9
	“Ажурли арра” стратегияси.....	-
	“Аквариум” стратегияси.....	10
	“АЖИЛ” (“Амалий жамоавий ижодий лойихалар”) стратегияси .....	10
	“Асалари галаси” стратегияси.....	12
	“Ақлий хужум” стратегияси .....	12
	“Балиқ скелети” график органайзери .....	14
	“Барча омилларни хисобга ол!” (Боҳо) методи .....	15
	“Баҳс-мунозара” стратегияси.....	15
	“Бешинчиси (олтинчиси, етганичиси, ...) ортиқча” стратегияси.....	16
	“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) график органайзери.....	16
	“Блиц-сўров” методи .....	17
	“Бумеранг” стратегияси.....	18
	“Вени диаграммаси” график органайзери.....	19
	“Видеотопишмок” стратегияси.....	20
	“Галерея” стратегияси.....	20
	“Тутурт доналари” стратегияси .....	22
	“Ягона давра” стратегияси.....	23
	“Дебат” технологияси .....	23
	“Дельфи” стратегияси.....	24
	“Еллигич” стратегияси.....	24
	“Ёзма иш” стратегияси .....	25
	“Жадвал” график органайзери.....	26
	“Заковатли зукко” стратегияси .....	26
	“Зиг-заг” стратегияси .....	27
	“Зинама-зина” стратегияси .....	28
	“Ижодий иш” методи .....	29
	“Инсерт” график органайзери.....	29
	“Интервью” стратегияси.....	30
	Имак (“Ишонтириш мактаби”) стратегияси .....	31
	КБИ (“Кузатиш, баҳсланиш, ишонтириш”) стратегияси .....	32
	“Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”) методи.....	33
	“Кичик эссе” стратегияси .....	36
	“Кластер” график органайзери.....	36
	“Концептуал жадвал” график органайзери .....	37
	“Кубик” график органайзери.....	38

“Кунгабоқар” стратегияси.....	38
“Кундалик” стратегияси.....	39
“Күргазма” стратегияси.....	40
“Лабиринт” стратегияси.....	40
“Үкүв лойихаси” стратегияси.....	41
“Мантикий чалкаш занжир” стратегияси.....	42
“Мусбат, манфий, кизикарли” (ММК) стратегияси.....	43
“Менга сүз беринг!” стратегияси.....	43
“Моделлаштириш” методи .....	44
“Муаммоли вазият” стратегияси.....	44
“Муносабат” методи .....	45
“Муаммо” стратегияси.....	46
“Музёрап” стратегияси.....	48
“Мулокот” тренинги .....	48
“Мукобил имкониятлар таңлови” (МИТ) стратегияси .....	49
“Нима учун?” график организери.....	50
“Нилуфар гули” технологияси .....	51
“Олмос” технологияси .....	52
“Рақамлар” стратегияси.....	53
“Режа” методи .....	53
“Резюме” стратегияси .....	55
“Ротация” стратегияси.....	56
“Савол-жавоб” методи .....	56
“Сад” ( учник – самарали, ахлоқий, дидли) стратегияси.....	57
“СВОТ-тахлил” стратегияси .....	58
“Сценарий” технологияси .....	59
“Синквейн” стратегияси .....	60
“Скарабей” стратегияси .....	61
“Синдискат” стратегияси .....	62
“Сұхбат” методи .....	63
“Схема” стратегияси .....	63
“Тавсиянома” стратегияси .....	64
“Танишув” тренинги .....	65
“Ташықот гурухи” стратегияси .....	66
“Тақдимот” стратегияси .....	67
“Тест” технологияси .....	67
“Т-жаддең” график организери.....	68
“Тоифалаш” график организери.....	69
“ФСМУ” стратегияси .....	70
“Чархпалак” стратегияси .....	71
“Юмалоқданған қор” стратегияси .....	72
“Ялпи фикрий құжум” стратегияси .....	73
“Қандай?” график организери.....	73
“Қарама-қарши муносабат” стратегияси.....	74
“Қарорлар шажараси” (“Қарор қабул қилиш”)	

стратегияси.....	75
“Қора қуты” стратегиясы .....	76
“Корбүрон” стратегиясы .....	77
“6х6х6” стратегиясы .....	77
“3x4” стратегиясы .....	78
“Олтита ғикрловчи қалпоқча” (“Олтита ўқ”) стратегияси.....	79
ХОТИМА.....	80
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР.....	81
ИЛОВА.....	82
<b>ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР АСОСИДАГИ ДАРС ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР.....</b>	<b>-</b>

## Қайдлар учун

**Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма.  
Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Холикова. – Тошкент: Низомий  
номидаги ТДПУ, 2013. – 116 бет.**

## **ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР: МОҲИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ** (Методик қўлланма)

---

---

**Адади 500 нусха. Ҳажми 7,25 б.т.  
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида изашр қалинди.**